

35

0 45

356077

Ц

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯ

А. А. ОРТИҚОВ  
А. Т. ИСАХОДЖАЕВ  
А. В. ШЕСТАКОВ

# ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ

Ўқув қўлланмаси

2033423

ЎҚУВ ЗАЛИ  
ТАТУ КУТУБХОНАСИ  
364238 -SONLI

ТОШКЕНТ - 2002

351.24 (Маълумот)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Тахририят-ноширлик кенгашида маъқулланган

Масъул муҳаррир —  
Ўзбекистон Республикасида хизмат қурсатган юрист, юридик  
фанлар доктори, профессор У. Тажиханов

Тақризчилар:  
юридик фанлар доктори, профессор З. С. Заринов;  
юридик фанлар доктори, профессор Қ. Мирзажонов;  
юридик фанлар номзоди, доцент И. Исмаилов

Ортиқов А. А., Исаходжаев А. Т., Шестаков А. В. Хуфёна  
иқтисодиёт: Ўқув қўлланмаси / Масъул муҳаррир — юрист  
фанлар доктори, проф. У. Тажиханов. —Т.: Ўзбекистон  
публикаси ИИВ Академияси, 2002. — 175 б.

ББК Х628.111.6

О-70

Қўлланмада хуфёна иқтисодиёт тушунчаси, унинг моҳияти,  
асосий хусусиятлари, хуфёна жараёнларнинг иқтисодиётдаги  
ўрни, бу жараёнларнинг солиқ органлари томонидан баҳола-  
ниши кўриб чиқилган. бозор иқтисодиёти шароитида хуфёна  
гадбиркорлик етказадиган зарарлар моҳияти очиб берилган.

Ушбу қўлланма ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, солиқ  
хизмати, ИИВ олий ўқув юрғлари тингловчилари ва бошқа  
юридик ўқув юрғларининг талабаларига, иқтисодий билимлар  
билан қизиқадиган кенг китобхонлар оммасига муъжалланган.

10909V ZALI

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2002 й.  
© А. А. Ортиқов, А. Т. Исаходжаев, А. В. Шестаков. 2002 й.

*Пул одамларни сеҳрлайди. Уни топиш учун одамлар машаққат чекадилар, тиришиб ишлайдилар. Улар пул топиш ва сарфлашнинг энг моҳирона йулларини ўйлаб топадилар.*

*К. Р. Макконелл, С. Л. Брю*

## СЎЗ БОШИ

TO'QUV ZALI

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш, уларни такомиллаштириш жараёни нафақат ўтиш даври қийинчиликлари, балки ўта мураккаб ва бир-бирига зид воқеликлар билан ҳам тавсифланади.

Иқтисодиётдаги маъмурий-буйруқбозлик, режали тақсимлаш ўрнини товар-пул муносабатларини мо-иявий-иқтисодий бошқариш механизмнинг эгаллаши, тадбиркорликнинг ривожланиши ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашувидаги юқори босқич, товар тақчиллигининг йўқотилиши, миллий пул — сўмнинг қадри ошиши ҳамда унинг тўлақонли тўлов воситасига айланиши ва, албатта, янги қатлам — мулкдорлар қатламининг юзага келиши ўтиш даврининг муҳим хусусиятларидир.

Шу ўринда юзага келаётган янги муносабатларни ҳар хил салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш зарурияти туғилади. Президентимиз И. А. Каримов тўғри таъкидлаганларидек, «қанчалик қайғули туюлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислохотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айни шу ҳол ислохотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб

олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлиши лозим. Қайта тақсимлашнинг моҳияти шундадир.

Ҳар бир мамлакат бу жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгиламоқда. Уни жинойтчилар дунёсининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишга интилоқда»<sup>1</sup>.

Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш жараёнида эришилган кўзга кўринарли ютуқлар билан бирга иқтисодда салбий жараёнлар ҳам кўзга ташланади. Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, инвестицияларнинг камайиши, аҳоли турли қатламларининг турмуш тарзининг пасайиши, ишсизлик ва жинойтларнинг кўпайиши кабилар шулар жумласидандир. Бундай шароитда мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг моддий асоси — унинг иқтисодий салоҳиятидир. Чунки ушбу салоҳиятгина мамлакат муҳофафасини, унинг ҳудудий яхлитлигини, халқаро муносабатларда Ўзбекистон манфаатлари ҳимоясини ва жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминловчи омил бўлиб юзага чиқади.

Иқтисодий салоҳиятни юксалтириш иқтисодий хавфсизликни таъминлашни, унга таҳдид солувчи кучларни бартараф этишни тақозо қилади. Иқтисодий хавфсизликка бўлаётган таҳдидлар ичида тобора кўпроқ аҳамият касб этаётгани — иқтисодий муносабатларнинг криминаллашуви, криминал тизимларнинг давлат иқтисодий сиёсатини ўз манфаатларига бўйсундириш тенденцияси мавжудлигини эътироф этишга тўғри келади. Айнан шунинг учун ҳам криминал, хуфёна иқтисодиётни аниқлаш, унинг шаклланишининг олдини олиш ва тугатиш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг ўта долзарб

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида: Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — 89-б.

муаммоларидан бири сифатида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни талаб қилади.

Афсуски, сўнгги йилларда давлатлар ўзларининг иқтисодий сиёсатларида тадбиркорлик тизимларига хуфёна иқтисодиётнинг кириб келишига, иқтисодий жиноятларнинг кўпайишига ва унинг мамлакат иқтисодий тизимига таҳдид соладиган даражага етиб боришига йўл қўйдилар. Кўп давлатларда миллий хўжаликлар шундай бир даражада турибдики, уларда хуфёна (криминал) жараёнларни умумбашарий усуллар билан тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти, чунки хуфёна иқтисодий муносабатлар кўп сонли порахўрлар армиясининг юзага келиши, сотқин сиёсий арбобларнинг яшаши учун шароит яратган. Давлат сиёсатини шакллантирувчи кўпгина давлат тузилмалари, институтлари, жамоат, нодавлат ташкилотлари хуфёна иқтисодиётнинг молия капиталига қарам бўлиб келмоқда.

Хуфёна иқтисодиёт замонавий криминал тизимларнинг шаклланишига моддий асос бўлади, мамлакатларда сиёсий-иқтисодий ўзгаришларга, инқироздан чиқиш, бозор муносабатларига асосланган давлатга айланишга тўсқинлик қилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш зарурки, «жиноий ёки кўп ҳолларда «хуфёна» деб аталаётган иқтисодиёт воқелик сифатида қуйидагича шароитда ўсди ва ривожланди: у ишлаб чиқариш соҳасидаги қонунларни қўпол равишда бузиб, ўзига хон - ўзига бек бўлиб олган эди. Чунки унга энг яқин рақобатчи бўлган давлатнинг иқтисодий тузилмалари қотиб қолган кўрсатмалар ва тақиқлар билан чеклаб қўйилган эди. Совет даврида бу ҳодиса ҳаддан ташқари кучайди, хунук ҳолга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — 90-б.

Кулингиздаги китобда иқтисодий жиноятлар, ай-ниқса, солиқ соҳасидаги жиноятлар бўйича тергов ва суд амалиётидаги қўллаб жинойий ишларни умумлаштириш ҳамда МДХ мамлакатлари, республикамиз ички ишлар органлари, республика миллий хавфсизлик хизмати, прокуратуранинг ҳуқуқбузарликлар, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, уларга барҳам бериш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги фаолияти тажрибаларидан кенг фойдаланилган.

Ушбу қўлланманинг янгилigi ва долзарблиги, биринчи навбатда, юристлар, иқтисодчилар, солиқ органлари ходимлари, тадбиркорлар учун ута муҳим масалалар куриб чиқилганлиги билан белгиланади. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ўтиш даврида бизнес, солиқ соҳасида ва иқтисод билан боғлиқ бошқа соҳаларда жиноятлар юзага келиши мумкин. Молиявий-иқтисодий таҳлил усуллари асосида уларнинг олдини олиш, бу жиноятларни бартараф қилиш масалалари ушбу қўлланмада муайян даражада куриб чиқилган.

Ўқувчининг эътиборини яна бир масалага қаратмоқчимиз: ушбу китоб иқтисодий, ҳуқуқий муаммоларга бағишланган ишларда бўлганидек, баён қилишнинг аънанавий усулидан фаркли тарзда ёзилган. Муаллифлар фақат илмий тадқиқотларга хос «академик» усул - жамият таркибини белгиловчи турли гуруҳ хусусиятларини кетма-кет, изчил таҳлил қилишдан онгли равишда четга чиққанлар. Муаммога бундай ёндашишга асос бор.

Бизнинг фикримизча, солиқ соҳаси ходимлари мавжуд иқтисодий билимлардан фойдаланиб, солиқ соҳасидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг фақат юзадаги, ойдин томонларинигина «куришлари» мумкин. Аксинча, солиққа тортишда йўл қўйилган хатолар, ишлаб чиқариш технологиясини бузиш, турли сохталаштиришлар кўзга ташланмасдан қолиб кетади. Бунинг натижасида солиқлар соҳасидаги қонун ҳужжатларини бу-

заётган жиноятчилар хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мураккаблашади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислоҳотлар тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берди. Шу билан бирга, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни мураккаб бўлиб, бу жараёнда кўплаб зиддиятларга дуч келинмоқда. Хужалик юритишнинг янги кўринишларига ўтиш жуда кўп ижобий ҳолатларни юзага чиқариш билан бирга баъзи салбий ҳолатлар, суиистеъмоликларнинг юзага келишига шароит яратди. Ўтиш даври, яъни маъмурий-буйруқбозлик ҳамда марказлашган бошқариш тизимидан бозор муносабатларига ўтиш криминал ҳолатни ёмонлаштирди, иқтисодиётда, солиқ соҳасида жиноятчиликнинг кучайишига олиб келди. Тадбиркорлик тузилмаларига халқ истеъмоли учун керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фойдали хизмат кўрсатиш, қонуний фаолият орқасидан даромад олишни кўзлаган шахслар билан бир қаторда, ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл урувчи, солиқ тўлашдан бош тортувчи нопок шахслар ҳам кириб келдилар.

Шу билан бирга, тадбиркорлик билан шуғулланувчи аксарият шахсларда иқтисодий фаолият борасида кўникмалар, таҳлилий фикрлашнинг шаклланмаганлиги, турли хўжалик операциялари, битим тузиш қоидаларидан беҳабарлик, аҳоли ва уларнинг мулки иқтисодий ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан ҳали тўла ҳимояланмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг «шериклари», яъни тузилган шартномаларнинг иккинчи томонидагилар ўз мақсадларига эришиш учун хўжалик-молия соҳасидаги жиноий хатти-ҳаракатлардан ҳам қайтмаётганлиги иқтисодиётга катта таҳдид соладиган омилдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам долзарб бўлиб турган юқорида таъкидланган ва шунга ўхшаш ҳолатларга барҳам бериш иқтисоддаги салбий

ҳолатларни чуқур таҳлил қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш, прокуратура ва Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида «Хуфёна иқтисодиёт» курси ўрганилмайди. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд: биринчидан, бу курс моҳиятан иқтисодий-ҳуқуқий, предметлараро бўлиб, турли илмий йўналишлардаги олим, педагог ҳуқуқшунос, иқтисодчи мутахассислар, амалиётчилар иштирокида махсус тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади; иккинчидан, бу воқелик шўролар давридан Ўзбекистонга мерос бўлиб қолган ва собиқ тузумда бу муаммонинг мавжудлиги тан олинмас ёки унинг баъзи қирралари ҳаётда учрашиши хусусида камдан-кам ҳоллардагина гапириб ўтиларди. Мустақил Ўзбекистонда бу ҳақда биринчи бўлиб республика Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бусафасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида таъкидлаб ўтган.

Бундан ташқари, республикамизда ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги ғайриқонуний ҳолатларни таҳлил қиладиган кўрсатмалар, тавсия, қўлланма ёки рисоаларнинг ўта камлиги, баъзи йўналишлар бўйича умуман йўқлиги ички ишлар органлари, прокуратура ва солиқ қўмитаси ходимларига иқтисодий соҳадаги жиноятларга қарши самарали курашни ташкил қилишга имкон бермайди.

Яна шунини таъкидлаш керакки, иқтисодий экспертиза асоси бўлмиш молиявий-иқтисодий таҳлил борасида ҳам ўқув-услубий адабиётларнинг етарли эмаслиги ушбу ўқув қўлланмасининг зарурлигидан далолат беради. Қўлланмада асосан хуфёна иқтисодиётнинг юзага келиш сабаблари, иқтисодиётдаги жиноий ҳолатлар ва уларни баҳолаш, солиқ органлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш хусусида фикр юритилади. Китобда солиқ бора-



сидаги жиноятларнинг ҳуқуқий-иқтисодий мазмунига ва уларни содир этган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган жавобгарлик ҳамда ҳуфёна иқтисодиётнинг янги йўналиши булган ҳисоб-китоб муносабатларида юзага келадиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга алоҳида эътибор берилган.

Қулланмада хорижий мамлакатлардаги иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш тажрибасидан ҳам баъзи мисоллар келтирилган. Ушбу муаммо мураккаб ва қўқиррали булганлиги боис, муаллифлар уни тўлиқ ёритдик, деган фикрдан йироқдирлар.

Муаллифлар ушбу қулланмани нашрга тайёрлашда фаол иштирок этган иқтисод фанлари докторлари, профессорлар В. Н. Галкин ва Т. К. Иминовларга, юрилик фанлар докторлари, профессорлар Х. Одилқориев, Қ. Мирзажонов ва З. С. Зариповларга, юридик фанлар номзоди, доцент И. Исмоиловга, иқтисод фанлари номзоди, доцент Л. И. Рустамовага ҳамда Дониёр ва Бахтиёр Ортиқовларга чуқур минатдорчилик билдирадилар.

Китоб юзасидан билдирилажак барча фикр ва таклифларни мамнуният билан қабул қиламиз.

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Инсон ҳаёти ва фаолиятининг муҳим соҳаси бўлган иқтисод — иқтисодий фанларнинг ўрганиш объектидир. Бу соҳанинг ўзига хослиги, унинг мазмуни, элементлари иқтисодиёт фани ва унинг таркибий қисми бўлган иқтисодиёт назарияси предметининг чегараларини белгилайди.

«Иқтисод нима?» деган саволга куплаб жавоблар мавжуд. Оддий қилиб айтганда, «иқтисод» деганда хўжалик фаолиятини ташкил қилиш, унинг ресурсларидан самарали фойдаланиш, пул маблағларини жамғариш ва уларни тўғри ишлатиш кабилар тушунилади. Бу таърифлар муайян асосга эга, чунки «иқтисод» (лот. «oikonomike») термини «хўжаликни бошқариш» деган маънони билдиради. Шу билан бирга, замонавий инсон онгида ўзгача тушунча ҳам мавжуд, яъни кенг маънода иқтисод миллий хўжалик ҳолати, нарх-наво ва даромадни ўрганиш, ташқи иқтисодий алоқалар ва шу кабиларни англатади.

Иқтисоднинг тўлиқ маъносини тушунишнинг мураккаблиги иқтисодий жараён қатнашчиси, иқтисодиёт субъекти бўлмиш инсоннинг ижтимоий ўрни ва функциялари доимо узгариб туриши билан боғлиқ.

Инсон бир томондан моддий бойликларни ишлаб чиқарувчи бўлса, иккинчи томондан истеъмолчи, даромад олувчи ҳамда бу даромаддан солиқ туловчидир. Қушимча сифатида шуни айтиш мумкинки, иқтисодиёт ҳам, унинг субъекти бўлган инсон ҳам доимо ўзгаришда, ривожланишда. Бу ўзгаришлар, тенденциялар, ўзаро алоқадорликлар, турли курсаткичларнинг мутаносиблигини фақат иқтисодиёт назариясигина ўрганиши, уларнинг моҳиятини очиб бериши мумкин.

Инсон ўз талабларини доимий равишда қондиришга ҳаракат қилади, шунга эҳтиёж туғилади. албатта. Бу эҳтиёжларни турли гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ҳаёт учун зарур нарсалар, яъни озиқ-овқат. кийим-кечак, уй-жой ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёж;

- ижтимоий-маданий воситаларга (таълим, маданият, дам олиш ва ҳ.к.) бўлган эҳтиёж;

- фаолият воситалари, яъни инсон учун зарур ҳисобланган товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш воситаларига бўлган эҳтиёж;

- ижтимоий фаровонликларга (масалан, сайёҳлик хизматлари, зебу-зийнатларга) бўлган эҳтиёж.

Эҳтиёжларни яна бошқача таснифлаш ҳам мавжуд, хусусан: эҳтиёжларни қондириш турлари (якка тартибда, жамоавий тарзда) бўйича; эҳтиёжларнинг муқобиллиги бўйича ва бошқалар.

Иқтисодий нуқтаи назардан эҳтиёжларнинг муҳим сифати - уларнинг ўзгарувчанлигини инобатга олиш лозим. Жамиятнинг ривожланиши, бир босқичдан иккинчисига ўтиши эҳтиёжларнинг сон ҳамда сифат тузилиши ўзгаришига, янги эҳтиёжларнинг юзага келиши эса эскиларининг йўқолиб боришига, турли кўринишдаги эҳтиёжлар нисбатининг ўзгаришига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси эҳтиёжларнинг ортиб бориши қонунида ўз ифодасини топади. Ишлаб чиқариш, маданият, ижтимоий онг ўсиши билан инсон эҳтиёжлари ҳам ўсиб, такомиллашиб бориши бу объектив қонуннинг моҳиятини белгилайди.

Эҳтиёжларнинг ўсиб, янги даражага ўтиши эҳтиёжни қондиришга қаратилган бойликларни яратиш, уларга эгаллик қилишни кучайтиради. Бойлик сифатида моддий кўринишга эга бўлган буюмлар (озиқ-овқат, кийим-кечак ва ш.к.), хизматлар (саргарошлик, транспорт, телерадио ва ш.к.) ҳамда бу буюм ва хизматлардаги мавжуд хусусиятлар юзага чиқади. Эҳтиёжлар тузилиши ва

кўринишларининг турли-туманлиги бойликларни дифференциациялашни, яъни уларни моддий сифат тавсифлари ва хоссалари буйича гуруҳларга ажратишни тақозо қилади.

Эҳтиёжларни инсон меҳнати орқали яратилган, шунингдек, табиат инъом этган бойликлар билан ҳам қондириш мумкин. Лекин уларнинг доимий, узлуксиз қондириб борилиши мамлакат, жамият ва алоҳида инсонда мавжуд бўлган ресурслардан келиб чиқиб белгиланади. Ресурслар турли-туман бўлиб, уларни ҳар хил таснифлаш мумкин:

- табиий ресурслар, яъни жамият ихтиёридаги мавжуд фойдали қазилма бойликлар, табиий шарт-шароит (қишлоқ хўжалиги учун қулай шароит, қулай жўғрофий жойлашув ва бошқалар);

- ишлаб чиқариш ва эҳтиёжни қондириш учун олдинги авлодлар томонидан яратилган ишлаб чиқариш ресурслари;

- инсон ресурслари, яъни инсонлар тўплаган тажриба, малака, билим даражаси, одамларнинг қобилияти, хусусан, тадбиркорлик ва илмий соҳадаги салоҳияти;

- пул, олтин-валюта ресурслари ва бошқалар.

Бундан бошқа тавсифлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, муқобил имкониятлар ва улардан фойдаланиш, муайян бир даврда бир бирини алмаштирувчи ресурслар ва бошқалар. Лекин таснифлашнинг туридан қатъи назар, ресурсларнинг ҳаммаси бир умумийликка эга - улар бойликлар яратиш, эҳтиёжларни қондириш асоси бўлиб хизмат қилади.

Эҳтиёжлар турлича булади ва ҳар хил воситалар билан қондирилиши мумкин - бу бозор иқтисодиётининг туб белгисидир.

Инсоннинг ривожланиши, авваламбор, эҳтиёжларни табиий ресурслар ёрдамида қондиришга асосланган бўлса, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши шароитида

эса, эҳтиёжларни қондириш мана шу ишлаб чиқаришнинг ривожланишига бевосита боғлиқ.

Ишлаб чиқариш, яъни маҳсулот яратиш инсонда мавжуд иқтисодий фаолиятнинг дастлабки белгисидир. Фақат ишлаб чиқариш, меҳнат фаолияти жараёнидагина бирламчи ресурслар инсон эҳтиёжларига мослаштирилади, у ёки бу талабларни қондирувчи бойликлар яратиб борилади. Бозор иқтисодиётида бойликларни товарлар ва хизматлар мажмуи (жуда тулиқ бўлмаса ҳам) деб аташ мумкин. Бойликларни икки турга: ишлаб чиқариш ресурсларига ва улар асосида яратиладиган истеъмол бойликлари, яъни товарларга бўлиш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнида ресурслар дастлабки иқтисодий таърифга эга бўлади. Улар ишлаб чиқариш ёки маҳсулотни яратиш омиллари сифатида юзага чиқади. Меҳнат қобилияти, инсон ресурслари (ёки ишчи кучи) эса ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат сифатида намоён бўлади. Табиат ресурсларидан инсон меҳнатини сарф этиш натижасида тайёрланган маҳсулотлар меҳнат предметлари ҳисобланади. Меҳнат жараёнида меҳнат предметларига таъсир этувчи кишилар фаолияти натижасида жамланган ресурслар меҳнат воситалари деб номланади.

Меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари биргалликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилади. Бу барча омилларнинг узаро ҳамкорлиги натижасида маҳсулот яратилади. Бу омиллар технология воситасида амалга ошади.

Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш омили бўлмиш ресурслар яна бир кўриниш ишлаб чиқариш кучларини юзага келтиради. Ишлаб чиқариш кучларининг қуйидаги турларини эътироф этиш мумкин:

- бирламчи ишлаб чиқариш кучлари: табиат ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш бойликлари;

- иккиламчи ишлаб чиқариш кучлари: ишлаб чиқаришда бирламчи ишлаб чиқариш кучлари асосида илм-фан, таълим, маданият, рақобат ҳамда тадбиркорлик ютуқлари орқали эришилган натижалар.

Иккиламчи ишлаб чиқариш кучларининг ўзига хослиги шундан иборатки, биринчидан, бирламчи ишлаб чиқариш кучлари илм-фан, таълим натижаларининг моддийлашуви оқибатида уларни такомиллаштириш орқали юзага чиқади, иккинчидан, бирламчи ишлаб чиқариш кучлари билан янги, янада юқори даражадаги боғлиқликни таъминлайди, натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади.


Ишлаб чиқарувчи кучлар тизимининг яна бир томони уларнинг таркиби, яъни қандай элементлардан ташкил топганлигида эмас, балки тарихий ривожланиши ҳам инobatга олинишидадир. Бу ҳолда қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим:

- табиий ишлаб чиқариш кучлари инсоннинг жисмоний, ҳиссий ва ақлий имкониятлари ҳамда табиий элементларнинг объектив ҳолати (чекланганлиги, фойдаланиш имкониятининг оптималлиги ва сифати) билан белгиланади;

- ижтимоий ишлаб чиқариш кучлари жамият тараққиёти давомида яратилган, жамғарилган воситалар, имкониятлардир. Улар ўз таркибига нафақат такомиллашиб бораётган ишлаб чиқариш омилларини, балки меҳнат тақсироти, кооперацияси, илм-фан, техника янгиликларини, тадбиркорликни ҳам олади;

- умумий ишлаб чиқариш кучлари. Булар фан, умуман, фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ижодий хусусиятга эга меҳнатнинг ривожланиши билан тавсифланади. Бу ишлаб чиқариш кучларининг энг муҳим қирраси-фаннинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш кучига айланишидадир.

Хуллас, иқтисодийни содда қилиб тушунтирсак, унинг жамиятдаги мавжуд ресурсларни маҳсулотларга айлантириш, жамият ва унинг аъзоларининг ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш талабларини қондириш эканлиги маълум бўлади. Бу жараён чизмада ифодаланса, қуйидаги кўринишга эга бўлади.



Ушбу чизмадан шу нарса келиб чиқадики, ресурслар — бош манба; маҳсулот ишлаб чиқариш — марказий бўғин; унинг натижаларидан фойдаланиш эса, охириги натижа сифатида намоён бўлади.

Демак, иқтисодда шахсий истеъмол — тўғридан-тўғри, ресурсларни тиклаш эса, унинг акси сифатида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган чизма универсал бўлиб, ундан нафақат миллий хўжалик доирасида, балки барча ресурслар билан таъминланган корхоналар даражасида ҳам фойдаланса бўлади. Бу чизма иқтисоднинг бирламчи ва умумий томонини ифодалайди, ресурсларнинг тайёр маҳсулотга айланиш жараёнини тавсифлайди.

Иқтисодга бундай ёндашишдан қуйидаги оддий муаммолар юзага чиқади:

**биринчидан**, нима ишлаб чиқариш (қандай талабларни қондириш);

**иккинчидан**, қандай ишлаб чиқариш (қайси ресурслардан фойдаланиб ва қандай технология асосида);

**учинчидан**, қандай мақсадда ишлаб чиқариш (ким учун ишлаб чиқариш, маҳсулотдан фойдаланиш йўллари аниқлаш).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришнинг кенг маънолиги маҳсулот яратиш борасидаги кўпқиррали фаолиятдан келиб чиқади. Бу фаолият нафақат маҳсулотни ишлаб чиқариш, балки уни истеъмолчи (шахс, уй хўжалиги, корхона)га етказиш йўлидаги ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ва, албатта, ресурслардан фойдаланиш фақат битта мақсадга — талабни қондиришга хизмат қилади. Бундай мақсаддан четга чиққан ҳолда амалга оширилган ишлаб чиқариш — бемаъниликдир. Талабни қондириш ҳар қандай жамиятда амалга оширилади ишлаб чиқариш фаолиятининг мазмуни, охириги нуқтасидир.

Мақсадига кўра, истеъмол иккига: шахсий истеъмол — инсонлар талабларини қондиришга ва ишлаб чиқариш талабини қондиришга, яъни ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчи омишларни кенгайтириш, кўпайтириш, инвестиция мақсадларида маҳсулотлардан фойдаланишга бўлинади. Истеъмол турлари ва уни қондириш усуллариининг ҳар хиллиги нафақат истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тузилмаларининг турли-туманлигини, балки истеъмолни (уй хўжалиги, фирмалар ва бошқалар орқали) ташкил қилиш хусусиятини ҳам белгилайди. Аҳоли ҳамда корхона ва фирмаларнинг эҳтиёжини қондириш уларнинг даромадлари воситасида амалга оширилади.

Истеъмол нуқтаи назаридан маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг яна бир кўриниши — фойдаланиш муддатларига қараб ишлаб чиқаришдир. Маҳсулотлар узоқ муддат фойдаланиладиган (кийим-кечак, пойабзал, автомобиль ва шу кабилар) ва қисқа муддат фойдаланиладиган (озик-овқат маҳсулотларининг аксарияти, ёрдамчи материаллар) турларга бўлинади.



Барча маҳсулотлар бир-бирларининг ўрнини босиши мумкин, яъни улардан фойдаланиш жараёнида муқобил маҳсулотлар ва бир-бирини тўлдирадиган, тақозо этадиган маҳсулотлардан фойдаланиш имконияти юзага келишини таъкидлаш лозим.

Ишлаб чиқарилган бойликлар иқтисодий субъектларининг истеъмолига тақсимлаш ва айирбошлаш орқати келиб тушади.

Тақсимлаш — иқтисодий фаолият қатнашчилари истеъмолига келиб тушадиган маҳсулотларнинг усули ва ҳажмини аниқлашдир. Тақсимлашнинг жамиятдаги аҳамияти ҳаммага аён, деб уйлаймиз. Адолатли тақсимлаш жамият тараққиётининг муҳим омили, адолатсиз тақсимлаш эса ижтимоий ҳолатнинг таранглашувига, кўпгина ҳолларда фаолиятнинг тугашига сабаб бўлади. Шунинг учун бўлса керак, тақсимлаш иқтисодий фанларнинг диққат марказида бўлади.

Тақсимлаш жараёни: тор (маҳсулотни тақсимлаш) ва кенг (ишлаб чиқариш омиллари ва шарт-шароитини тақсимлаш) маъносида тушунилади. Маҳсулотни тақсимлаш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида қандай тақсимланганлигига, яъни уларга эгалик тури (кўриниши)га боғлиқ. Масалан, акциялар, назорат пакети эгаси, одатда, нафақат устун иқтисодий ҳуқуққа, балки даромаднинг кўп қисмини узлаштириш ҳуқуқига ҳам эга. Ишлаб чиқариш омилларига эгалик қилиш ҳамда шунга яраша даромад, фойда олиш оддий ҳол бўлмай, ўзини турли шаклларда намоён этади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бирламчи ва иккиламчи тақсимланишини бир-биридан фарқ қилиш лозим, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш ҳамда даромадни қайта тақсимлаш мавжуд. Даромад иқтисодий фаолиятнинг турли субъектлари: корхона ва давлат, ходим ва мулк эгаси, давлат ва минтақалар ва ҳоказолар ўртасида тақсимланади. Бунинг натижасида

10000V 20131

TATU KUTUBXONASI  
364238 SONLI

жуда мураккаб, бир-бирига зид тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими юзага келади. Бу жараёнларни мақбул даражада ташкил қилиш охир-оқибатда иқтисоднинг самарали ўсишига, иқтисодий тизимда ижтимоий адолат ўрнатилишига олиб келади. Тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги камчиликлар, номуносивликлар оқибатида хуфёна иқтисодиёт юзага келади.

Айирбошлаш босқичида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот (кўрсатилган хизмат, бажарилган иш) иқтисодий фаолият субъектларига етказилади. Одатда, фаолиятни ҳамда маҳсулотни айирбошлашни бир-биридан фарқлайдилар. Биринчиси меҳнат жараёнида технологик меҳнат тақсимоти (цехда фаолият кўрсатиш)га асосланган бўлса, иккинчиси (биринчисидан) сифат жиҳатдан фарқ қилади. Маҳсулотларни айирбошлаш ижтимоий меҳнат тақсимоти ёки ихтисослаштиришга асосланади. Ҳозирги иқтисодий муносабатлар тизимида меҳнат тақсимотига асосланган айирбошлаш товарларни айирбошлаш шаклида намоён бўлади. Айирбошлаш жараёнида пул воситачи ҳисобланади. Мамлакат ичидаги ҳамда халқаро меҳнат тақсимотини, алоҳида мамлакатнинг ўз иқтисоди нуқтаи назаридан фойда келтирадиган товарларни ишлаб чиқаришини бир-биридан фарқлаш лозим.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришда иқтисодий фаолиятдан то истеъмол қилингунгача бўлган ҳаракатнинг ҳар бир босқичига иқтисоднинг янги-янги субъектлари тортилади. Бу субъектларнинг ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ҳамда ажратилган бойликларни истеъмол қилишдаги иштироки яхлит иқтисодий муносабатлар тизимини юзага келтиради.

Истеъмол ҳеч қачон тўхтамайдиган жараён. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол доимий такрорланишда бўлади. Шу сабабли иқтисодиёт тўхтовсиз, такрорланувчи, узлуксиз, доиравий айланувчи иқтисод бўлиб намоён бўлади.

Юқорида қайд этилган фикрларни инобатга олиб, бозор иқтисодиётига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: бозор иқтисодиёти—мулкнинг турли кўринишларига ҳамда уларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланган иқтисодий муносабатлар тизими. эркин тадбиркорлик, аҳолини товар ва хизматлар билан таъминлаш борасидаги рақобатдир. Бозор давлат режаси ва директиваларидан фарқли ўлароқ, фақат тадбиркорларнинг объектив иқтисодий қизиқиши асосида рўёбга чиқадиган ҳужалик муносабатлари типидир. Бозор бир хил шароитда иш тутадиган, олинган фойдани эркин ўзлаштирадиган, мустақил равишда ҳужалик муносабатлари иштирокчиларини танлай оладиган, юқори меҳнат унумдорлиги, тежамкорликдан ва тижорат операцияларида юқори нагизга эриша оладиганларни назарда тутайди.

Бозор товар-пул муносабатларига асосланган ўз иқтисодий механизмига эга бўлиши лозим. Унда, умуман олганда, қуйидаги уч элементнинг мавжудлигини қайд этиш мумкин:

1) ишлаб чиқариш воситалари бозори;

2) истеъмол буюмлари, пуллик хизмат кўрсатиш бозори;

3) қимматбаҳо қоғозлар ва ишчи кучи бозори. (Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, турли манбаларда элементларнинг бошқача тартиби берилган бўлиши мумкин. Баъзи муаллифлар шундай элементларни 11—18 тага ажратиб, ўта деталлаштириб берган ҳоллар ҳам учрайди. Бундай деталлаштириш муайян махсус молиявий ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга қаратилганлигини инобатга олиб, биз иқтисодий жинойтчилик масалаларини кўриб чиқишда қул келадиган юқорида қайд этилган уч элемент гуруҳини қабул қиламиз).

Бозор муайян ҳудудий чекланишга ҳам эга. Иқтисодиёт назариясида минтақавий (регионал), миллий (ички), дунё (ташқи) бозор турлари ажратилади. Улар муайян чекланган, ташқи иқтисодий алоқалардан аж-

ралган ҳолда ҳам бўлиши мумкин, лекин бозорга хос энг муҳим хислат унинг очиқлигидир.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз иқтисодиёти бозор муносабатларига босқичма-босқич утиб бормоқда. Шунинг учун ҳам келажакнинг иқтисодий моделини тула таърифлаш мураккаб ишдир. Лекин иқтисодий жиноятчилликни криминологик таҳлил қилиш бозор моҳиятини, унинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ва механизминини урганишга асосланиши шак-шубҳасиздир.

Бозорнинг моҳияти ва механизми бозор иқтисодиётининг принциплари билан белгиланади. Ушбу принципларни батафсил кўриб чиқамиз. Улардан энг муҳимларидан бири — турли тадбиркорлик тизимлари ва ишлаб чиқарувчининг мустақиллиги, алоҳидалигидир. Алоҳидалик ва мустақиллик бозор муносабатлари иштирокчиларига рационал асосда хужалик юритиш масалаларини энг мақбул даражада ҳал этиш имконини туғдиради. Уларсиз иқтисодий субъектлар ўз ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятлари натижаларига реал маъсулият билан қарай олмайдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ишлаб чиқариш иштирокчилари мустақиллигининг «ташқилотчиси» эмас, балки уни кафолатловчи сифатида фаолият кўрсатиши лозим. Давлат турли бюджет чекловлари, хом ашёлар, асосий воситаларни етказиб бериш, сотиб олиш бўйича тўсиқларни жорий этса, хужалик юритувчи субъектлар мустақиллигига путур етади.

Бозор муносабатларига утишнинг дастлабки даври давлат мулкани тасарруф этишни ташқил қилиш билан тавсифланади. Бу жараён мулк шакллари узгартиришнинг муҳим томонидир.

Бозор механизмининг муҳимлигини таъминловчи талаблардан бири молия ва пул тизимининг муқимлигини таъминлашдир. Бу талабнинг бажарилмаслиги, шубҳасиз, инфляция ҳамда бюджет тақчиллиги томон юз тутишга олиб келади.

Бозор муносабатларининг афзалликларини очиш, унинг товар-пул муносабатларидан қанчалик кенг ва чуқур фойдаланиши билан белгиланади. Режали иқтисод фақат товар ва хизматлар бозоригагина эга, у эса давлат бошқарувига асосланган булади. Ҳозирда иқтисодга давлат аралашувининг мақсадга мувофиқлиги ёки чегаралари хусусида гап кетаётгани йўқ. Бозор тизими товар ва хизматлар, ишчи кучи, ссуда капитали, қимматбаҳо қоғозлар, патент, лицензиялар бозорлари мажмуидан иборатдир. Бозор муносабатлари ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини маданият, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа соҳаларни ҳам ўз таъсирига олади. Бу эса ижтимоий муҳитга таъсир қилмасдан қолмайди.

Бозор механизмининг яна бир хусусияти талаб ва таклифни ҳисобга олиш асосида юзага келадиган нарх-наво ўзгарувчанлиги, эркинлиги принципининг мавжудлигидир. Бу принципсиз бозор муносабатларини, ўзини-ўзи бошқариш механизмини амалга ошириш мумкин эмас. Мамлакатимиз ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтишда ишни нарх-навони эркинлаштиришдан бошлаганлиги бежиз эмас. Чунки бу принцип бозор механизмида алоҳида ўрин тутди. Пировардида талаб ва таклиф хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилияти, маҳсулот нархи даражаси шаклланади.

Бозор шароитида давлатнинг хўжалик фаолиятини бошқаришдан воз кечиши нарх-навонинг эркин белгиланишидан келиб чиқади. Чунки нархнинг эркин белгиланиши бозорда талаб ва таклифнинг мувофиқлиги билан шартланган. Албатта, уларни тўлиқ мувофиқлаштириш тўғрисида гап булиши мумкин эмас, чунки режали иқтисодиёт қиймат курсаткичларининг устунлигидан фойдаланишга мўлжалланмаган, бозор механизми эса бунинг акси. ҳажм курсаткичлари режалаштириш тизимига йуналтирилмаган. У ҳолда ҳам, бу

ҳолда ҳам қарама-қаршиликлар, номутаносибликлар юзага келади ва бу зиддиятлар криминал омилларга йўналишга тулиқ асос бўлади.

Бозор ўзгаришларининг муҳим принципи, иқтисодиёт субъектларининг эркинлиги ва тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантиришдир. Бундай шароитда ишбилармон, удабурон, эртани кўра биладиган ишлаб чиқарувчи, тижоратчилар майдонга чиқади. Шу билан бирга, жамият жиний мақсадларга эга «уддабурон» бизнесмен, «устомон» ишбилармонларнинг бу эркинликдан фойдаланишларининг олдини олиши ва уларга «зарба» беришга тэйёр туриши лозим.

Иқтисодиёт субъектининг эркинлиги миллий чегаралар доирасида чекланмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисоднинг очиқлиги хорижий тадбиркорлар, шерикларга кенг имкониятлар яратиб беради ҳамда иқтисодий тизимнинг шаклланган хўжаликларга интеграциялашувининг муҳим шартидир. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ташқи бозорга эркин чиқиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлиши. лекин бу эркинликдан мамлакат ҳамда унинг фуқаролари манфаатларига зид равишда фойдаланмаслиги лозим.

Бугунги кунда республикамызда рўйхатдан ўтган тўрт мингга яқин қўшма корхоналардан 50 фоизи фаолият кўрсатмаяпти, чунки уларнинг бир қисми махсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат курсатиш учун эмас, балки ноқонуний, баъзи ҳолларда жиний операцияларни амалга оширишни мулжаллаб тузилган. Бу муаммо таҳлил қилинганда шу ҳолат аниқландики, қўшма корхоналар ташкил қилишга ҳаракат қилган чет эллик таъсисчилар ўзларининг ноқонуний йўллар билан топган даромадларини бизнинг республикамызда ошқоралаштиришга уринганлар. Бундай ҳолатнинг хавфи қўшма корхонанинг хорижий таъсисчилари давлат мулкени тасарруф этишга киришганларида намоён бўлди.

Албатта, бозор тизими давлатнинг хужалик субъектлари фаолиятини туғридан-туғри бошқаришдан воз кечишини тақозо этади. Лекин давлат жамиятда яратилган бойликларни ҳимоя қилиши, улар жиноий тузилмалар қулига келиб тушмаслиги чораларини кўриши, сохта хужжатлар асосида республикамиздан чет элларга катта миқдордаги пуллар ва бошқа қимматга эга бойликларнинг ўтиб кетишига йўл қўймаслиги керак.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг натижаларига мулк эгасининг шахсан, тула масъуллигини ҳам белгилаб қўяди. Бу масъулият асосида турли мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги принципи ётади. Барча турдаги мулкларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва мулк эгасининг масъулияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оператив кидирув чоратadbирларини ўтказишда ва бошқа баъзи ишларда айрим қийинчиликларни яратади. Бир сўз билан айтганда, бозор ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилишга тегишли тузатиш, узгартиришларни ҳам киритади.

Бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланишининг яна бир муҳим принципи ишлаб чиқарувчилар, бозор муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги рақобат курашидир. Бусиз бозорни тасаввур этиб бўлмайди. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобат монополияларини юзага келтиради. Мустақил ривожланиш йўлига ўтган мамлакатларда ишлаб чиқаришни концентрациялаш, ижтимоийлаштириш, мусодара қилишлар натижасида монополиялар анча олдин юзага келган. Лекин шунга қарамай, рақобат ишлаб чиқаришни фаоллаштирамоқда. Ҳар қандай тадбиркор ишлаб чиқаришда, товар сотишда ўзи учун қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилади. Бу жараён давомида монополиячилар кичик бизнес вакилларини сиқиб чиқарадилар. Рақобат кураши ҳозирда янги, баъзи ҳолларда рақобат қаттиқ, ута қақшатқич куринишларда, зуровонлик воситаларини ишлатиш, жисмоний йўқ

қилиш (ёлланма қотиллик) усулларида фойдаланиш ҳолларига ҳам олиб келмоқда. Илмий асарлар ва амалиётчилар тилида «виждонсиз рақобат» каби иборалар пайдо бўлганлиги бежиз эмас.

Ишлаб чиқарувчилар мулкнинг энг оптимал тузилиши шаклланишида давлатнинг монополияларга қарши амалга ошираётган сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаш лозимки, монополиялар иқтисодий тизимда мавжуд номутаносибликлар, зиддиятлардан оқилона фойдаланиб, бозорда уз ҳукмронликларини ўрнатиб, кичик ва ўрта бизнес субъектларини сиқиб чиқармоқдалар.

Яна бир муҳим воқелик шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланиши жараёнида бозор муносабатлари ижтимоий ҳаётнинг собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимида бўлмаган ёки иккинчи даражали аҳамиятга эга соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Буларга маданият, соғлиқни сақлаш, бошқарув ва шу каби соҳалардир. Албатта, ҳужалик юритишнинг бозор шакли қанчалик самарали бўлмасин, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг баъзи соҳалари бозор муносабатлари тизимига кириша олмайди. Масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб, таҳлил қилишимиз керак. Бу эса бизда шаклланган кўпгина тасавурларга аниқликлар киритиб олишга ундайди. Бу ҳол жиноий ва жиноий бўлмаган омилларни баҳолашга дифференциал ёндошишни тақозо этади.

Утиш даври ва ундан кейинги даврларда иқтисодий жиноятчилик ҳолатига маълум таъсирини ўтказувчи бозор муносабатлари шаклланишини белгиловчи асосий принциплар юқорида зикр қилинганлардан иборат. Юқорида таҳлил қилинган, ўрганилган принципларни билиш маъмурий-буйруқбозлик ва бозор иқтисодиётининг жиноийлашганлик даражасини баҳолашга ёрдам беради.



## «ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ» ТУШУНЧАСИ, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ

Хуфёна иқтисодиёт — нафақат иқтисодий ижтимоий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик. балки, аввало, жамият томонидан назорат қилиб булмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини қондириш, яъни катта миқдорда қўшимча даромад (фойла) олишни кўзлаб давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкдан ҳамда иқтисодий бойлик, тadbirkorлик қобилиятидан жиноий йул билан фойдаланишдир. У ошкор расмий иқтисод билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг таркибий қисмидир. Хуфёна иқтисодиёт тadbirkorлари ўз фаолиятиларида иқтисодий муносабатлар, хужалик юритиш субъекти бўлмасдан, давлатнинг «хизмати»дан, моддий-ашёвий омиллари, ишчи кучидан фойдаланадилар.

Хуфёна иқтисодиётнинг умумжаҳон миқёсидаги улуши ички ялпи маҳсулотнинг 5—10 фоизи миқдорда. Африка ва баъзи Жанубий Америка мамлакатларида бу кўрсаткич 30 фоизгача ҳам етган. Баъзи экспертларнинг баҳосига кўра, Россияда хуфёна иқтисодиёт улуши 40—50% ни ташкил қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу кўрсаткич ҳаддан ортиқ бўлиб, хуфёна омилларнинг хужалик ҳаётига бундан таъсири жуда сезиларлидир, расмий ва норасмий укладлар уртасидаги зиддиятлар иккиламчи даражадан асосий, ижтимоий-иқтисодий қарама-қаршиликка айланиб боради, хуфёна иқтисодиётнинг ундан кейинги кучайиши унга буйсунишга, тобе бўлиб қолишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун

ҳам хуфёна иқтисодиёт қўп мамлакатларда умумдавлат миқёсидаги муаммо бўлиб келмоқда.

Хуфёна иқтисодиётнинг манбалари криминал ҳамда криминал булмаган муносабатлардан келиб чиқади.

**Биринчи манба** — шахсий эҳтиёж ва давлат томонидан ҳисобга ва рўйхатга олинмайдиган эҳтиёжларни қондириш мақсадида алоҳида фуқаролар ўртасида ва уларнинг норасмий бирлашмалари ўртасидаги мустақил иқтисодий муносабатлардир. Бу муносабатлар фуқароларнинг давлатнинг хужалик механизмидаги хатолари, аҳоли талаблари, хоҳишлари инобатга олинмаслигига қарши акс таъсирдир.

Булар энг аввало:

а) солиқларни тулашдан буйин товлашни рағбатлантирадиган даражада молия ва солиқ хизматларининг заифлиги;

б) ноқонуний ресурслар манбаларига таянишга мажбур этадиган даражада ривожланган бозор тизимининг мавжуд эмаслиги;

в) ҳаддан зиёд ва, шу жумладан, қонунларга хилоф равишда маъмурийлаштирилганлик;

г) нодавлат тадбиркорликка нисбатан давлатнинг ҳозирдаги сиёсатининг узоқ муддатларга мулжалланганлигига шубҳанинг туғилиши.

Ўзбекистонда ҳамда МДҲ мамлакатларида қабул қилинган деҳқон (фермер) хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар, солиқ тизимини тартибга солувчи Солиқ кодексларининг қабул қилиниши, солиқ органлари, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг тузилиши, жиноий, фуқаровий, маъмурий қонунчиликнинг юзага келиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига кенг ҳуқуқлар берилиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва турмуш шароитларининг яхшиланиши нодавлат тадбиркорликнинг ривожланишига муайян шарт-шароит яратди.

*Иккинчи манба* — хуфёна иқтисодиётни норасмий, сохта иқтисодий муносабатлар тизими озиқлантиради. Бу тизим мавжуд ва шаклланаётган хужалик тизимининг такомиллашмаганлиги туфайли хуфёна иқтисодиётнинг гаразли манфаатларини қондиришни таъминлайди.

*Норасмий иқтисодиёт* — шахслар уртасидаги норасмий алоқаларга асосланган иқтисодий фаолиятдир. Ушбу иқтисодиётнинг ўта хавфлилиги шундаки, унда бизнес ва давлат аппарати амалдорлари бирга қўшилиб кетиши, коррупциянинг ривожланиши, алоҳида тадбиркорлар манфаатларининг зўравонлик орқали амалга оширилиши юз беради. Натижада бир гуруҳ тадбиркорлар солиқ тўловлари борасида, маблағларни тақсимлаш, хом ашё ресурсларини олишда имтиёзли шарт-шароитга эга бўладилар. соғлом рақобат курашига путур етказилади, давлат аппарати обрўсизланади, бюджетнинг даромадлар қисмига зиён етказилади. Буларнинг ҳаммаси мамлакатдаги иқтисодий жараёнлар устидан давлат назоратининг сусайишига олиб келади.

*Сохта иқтисодиёт* — моҳиятан норасмий иқтисодиёт билан ўхшаш, фақат унда иқтисодий фаолиятнинг «ёруғ» қисми тўлиқ ёки қисман сохта бўлади ва хуфёна фаолиятни амалга оширишга «парда» бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, сохта иқтисодиётга қасддан сохта мақсадларни кузлаб амалга оширилган фаолиятни ҳам киритиш мумкин. Мисол тариқасида пул воситаларини нақд пулга айланттириш, кредитларни қайтармаслик ва бошқаларни келтириш мумкин.

МДХ мамлакатларидаги иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида қўшиб ёзишлар, ҳисоботларни сохталаштиришларнинг купайишига мойиллик кузатилди. Муайян муддатдан сўнг давлат сиёсатининг турли омиллар остида ўзгариб туриши шароитида хужалик юритувчи субъектлар иккиёқлама бухгалтерия ҳисоб-китобини (ўзлари ва давлат органлари учун) олиб боришга мажбур бўлдилар, нақд пул билан ҳисоб-китоб

ишларини олиб бордилар, ёлланма ишчиларга ведомостлар буйича ҳамда «конвертда» иш ҳақи тулана бошланди, расмий даромадлар, солиқ солинадиган фойда миқдори камайтириб кўрсатилди. Бу ҳолатларга яна баъзи тадбиркорларнинг (одатда, криминал тизимларнинг иштирокисиз эмас, албатта) бозорда ўз ҳукмронлигини ўрнатишини, виждонсиз рақобат усулларининг қўлланилишини ҳам қўшимча қилиш мумкин.

Мамлакат моддий-ашёвий базасининг тақчиллиги шароитида иқтисодий мантиққа тўғри келмайдиган товар алмашиши ўз чегарасидан чиқиб кетади. Жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги қонунларга зид ҳолатлар юзага келади. Порахўрлик, коррупция кескин тус олиб, мустақил мамлакатларнинг давлат тизими асосларига ҳам хавф сола бошлайди. Бирон-бир хўжалик битими ёхуд иқтисодий масалани ҳал қилиш порасиз амалга ошмай қолади.

Шундай қилиб, норасмий сохта иқтисодий муносабатлар муайян даражада ўз тузилишини ўзгартиради. Ҳозирги кунда иқтисодий жиноятларнинг баъзи турлари камайиб, баъзилари ўсиб бормоқда. Шу муносабат билан барча мустақил мамлакатларда қонунчилик базасининг кўпгина позицияларини аниқлаб олиш, такомиллаштириш, иқтисодий жиноятларга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иш усулларини, кураш методларини ўзгартириш зарур, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментлари эса солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга барҳам беришлари керак.

**Учинчи манба.** Хуфёна иқтисодиётни «озиклантирадиган» манбаалардан яна бири ўз хизмат лавозимини суниестемол қилиб ёки қасддан, зўравонлик билан иқтисоднинг ишлаб чиқариш ва тақсимот тизимига суқилиб кириш, тазйиқ ўтказиш ҳисобланади. Бундай фаолият турларига расмий иқтисодий ҳаётда тўлиқ инкор этилган, улар билан келиша олмайдиган,

расмий иқтисодиётнинг бузилишига олиб келувчи хатти-ҳаракатлар киради.

Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) талон-тарож;
- 2) қасддан хизмат мансабини суиистеъмол қилиш ва хўжалик соҳасидаги жиноятлар;
- 3) наркобизнес;
- 4) қимор ўйинлари;
- 5) фоҳишабозлик;
- 6) талончилик, босқинчилик, шахсий мулкни угирлаш;
- 7) товламачилик, рэкет ва шу кабилар.

Хуфёна иқтисодиётнинг криминал муносабатлари иқтисодий жиноятларнинг барча турларини ўз ичига олади. Бундай жиноятлар ичида уюшган жиноятчилик жамият учун катта хавф туғдиради.

МДХ мамлакатларида бозор муносабатларига ўтиш даврида криминал иқтисодий муносабатлар соҳасида узгаришлар куп жиҳатдан салбий хусусиятга эга бўлди. Давлатга, шаклланиб келаётган тадбиркорликка катта зиён етказилди, демократия борасида қўлга киритилган ютуқлар йўққа чиқди, бизнеснинг нолегаллашиши кучайди.

Хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, «бюрократик» рэкет купайди. (порахўрлар сони, пора суммаси ошиб борди), пора берувчи ва олувчилар таркиби узгарди. «Бюрократик» рэкетнинг тадбиркорларни ўзига тобе этишга уринган жиноятчилар билан қўшиливи юзага келди, тадбиркорларни хуфёна иқтисодиётга тортиш ҳоллари ортди.

Уюшган жиноятчилик кескин купайганлиги кузга ташланмоқда. Давлат мулкани хусусийлаштириш, тадбиркорликнинг ривожланиши доимий, тақрор купайишга асосланган криминал капитал соҳасининг кенгайишига олиб келди.

Тадбиркор-тижорат банки хуфёна, жинойй алоқалари шаклланди. Норасмий имтиёзли кредит олган тадбиркорлар тезда фойда келтирадиган маблағлар билан тижорат операцияларини, спекулятив битимларни амалга оширмоқдалар. Банк берган кредитни, имтиёзли фоизларни олади. соф, молия органлари ҳисобидан четда қолган хуфёна фойда тўлалигича банк раҳбарлари ихтиёрига тушади.

Даромадларни солиқ солишдан яшириш кенг тарқалган хуфёна воқелик бўлиб юзага чиқди. МДХ мамлакатларида давлат секторидаги корхоналарнинг унтадан-туққизтаси тахминан солиқ инспекторларидан барча ёки бир қисм даромадларини яширадилар. Бунинг натижасида катта ҳажмдаги пул маблағлари давлат бюджетига тушмайди.

Шу кунларда ҳам давлат мулкини ўғирлаш (2001 йилда Ўзбекистонда 2200 давлат корхонаси мавжуд бўлган) бюджетга катта ҳажмда зиён етказмоқда. Бу ўғрилиқнинг ўзига хос томони шундаки, давлат мулкининг хусусий ва жамоа мулкига ўтказилиши бюрократик аппаратни ноқонуний даромадлар олиш имкониятидан маҳрум қилади, бюрократик аппарат реал ҳокимиятни йўқотади, унинг кераксизлиги аён бўлиб қолади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, бошқарув тизимини қайта қуриш долзарб масала бўлиб қолади. Хусусийлаштириш жараёнида нодавлат хужалик тузилмалари ташкил топишидан юқори, ўрта ва қуйи бошқарув бўғинларидаги амалдорларнинг шахсий бойиш мақсадида уринишлари бўлди. Охириги йилларда хуфёна тузилмалар шахсий мулк ва фуқароларнинг даромадларини (мамлакатнинг инвестиция имкониятлари асосларига путур етказадиган молиявий фирибгарлик орқали) фаол ўзлаштириш ҳоллари кўпайди.

Юқорида санаб утилган криминал муносабатлар МДХ мамлакатларида хуфёна иқтисодиётда хал қилувчи ўринларни эгалламоқда. Яна валюта, қимматбаҳо

қоғозлар, банк операциялари, ноқонуний кредитлар, электрон пуллар, сохта акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналарни тузиш, ер ва ер ости бойликларини хусусийлаштириш, халқаро даражада фирибгарлик ва шу каби жиноятлар купаийиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Утиш даврида ривожланаётган ва, шу жумладан, МДХ мамлакатларида маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида шаклланган хуфёна иқтисодиёт ёввойи, капитални бирламчи жамғариш даврида юзага келган тадбиркорликка бўлган, номаданий усул ва методлардан фойдаланадиган тизимга айланди.

Юқорида куриб чиқилган хуфёна иқтисодий муносабатларнинг уч манбаи ичида биринчисини (яъни «иккинчи иқтисодиётни») иқтисодий жиноятларга шартли равишда муайян изоҳ билан киритиш мумкин (гарчи манбадаги баъзи қонунбузарликлар Жиноят кодекси моддаларига тўғри келса ҳам). Бозор муносабатлари ривожланиши янги босқичга кутарила бориши билан хуфёна иқтисодиёт таркибига кирувчи бу турдаги иқтисодий жиноятлар камайиб, минимумга яқинлашиб боради.

Иқтисодиётнинг иккинчи манбаи (норасмий ва сохта иқтисодий муносабатлар) фақат аниқ-равшан ғаразли қасд мавжуд жиноятларни иқтисодий жиноятларга киритишни тақозо этади.

Хуфёна иқтисодиётнинг учинчи манбаида криминал муносабатлар кескин ажралиб туради, лекин улар жамиятнинг иқтисодиётига бевосита тааллуқли эмас ва том маънода иқтисодий жиноятларга кирмайди. Талон-тарож, ғаразли мақсадлардаги мансаб жиноятлари ва ҳужалик юритиш соҳасидаги жиноятлар иқтисодий жиноятлардир.

Реал ҳаётда хуфёна иқтисодиётнинг барча манбалари бир-бири билан узвий, чамбарчас боғлангани ва ҳужалик жараёнлари хусусидаги ахборотларнинг

ҳаққонийлигини аниқлаш бўйича махсус текширув методларини билмай туриб уларни чегаралаш мумкин эмас. Аммо, шак-шубҳасиз, хуфёна иқтисодиёт иқтисодий жиноятчиликнинг асоси, уни «суғориб» турувчи базадир.

У муайян инсонлар гуруҳининг (кланларнинг) ҳаётий фаолиятини таъминлайди, аҳолининг тор доирадаги қисми эҳтиёжларини қондиради. Бутун дунёда хуфёна иқтисодиётга нисбатан салбий муносабат, қарашлар (энг аввало, криминал қуринишларига) шаклланган, унга қарши барча мамлакатларда аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Айни пайтда, хуфёна иқтисодиёт иқтисодий тизимнинг бир қисми сифатида намоён бўлмоқда, усиз тизим ўзини такрор ишлаб чиқара олмайди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида МДХ мамлакатларида юқори хуфёна (энг аввало, юқори даражада криминаллашган) иқтисодий муносабатлар тизими шакллана бошлади ва у бир қатор хусусиятлари билан тавсифланади.

**Биринчидан.** хуфёна иқтисодиёт катта улушга эга бўлиб, иқтисодиётнинг доминант, норасмий ва ғайри-ҳуқуқий муносабатлар муҳим ўрин тутувчи секторига айланиб бормоқда. Баъзи МДХ мамлакатларида давлат аппаратининг ёппасига коррупциялашгани, ҳуқуқ ва суд тизими ролининг сустлиги, уларнинг маъмурий аппаратига, хуфёна молиявий капиталга тобелиги бугунги куннинг реал воқелигидир.

**Иккинчидан,** иқтисодиёт соҳасида молиявий гуруҳлар (кланлар) шаклланди. Улар йирик капитал қўйилмаларини бошқарадиган давлат ҳокимияти органлари «қаноти» остида бўлган ҳокимият ҳужалик тузилмаси бўлиб, кенг қўламдаги тадбиркорлик (энг аввало, тижорат) фаолияти билан шуғулланидилар. Ўз фаолияти билан бу молия гуруҳлари, бозорда, асосий товар гуруҳлари бозорида ва, айниқса, ташқи савдода рақобат курашини чеклайдилар. Хуфёна молия



капиталининг иқтисоддаги монопол ҳукмронлиги орқали ута катта даромадларни олишнинг яна бир оқибати аҳоли катта қисмининг қашшоқлашувидир. Масалан, экспертларнинг ҳисобларига қараганда, Россияда 30 млн киши ута паст ҳаёт даражасида яшаб келмоқда, уларнинг аксарияти очликдан ўлиш чегарасида турибди.

**Учинчидан**, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланиши оқибатида мамлакатнинг бюджет тизими бузилади, унинг даромад ва харажатларини тақиқлаш ёки камайтириш, чеклаш (секвестрлаш)лар юзага келади.

Молия капитали гуруҳлари бюджет маблағларидан катта даромадлар олиш учун фойдаланадилар, бюджет маблағлари ва давлат мулки бўйича турли қинғир ишларни амалга оширадилар, давлатни бундай шароитларда молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун қарз маблағларини олишга мажбур этади. Шу билан бирга, бу воқелик иқтисодиётнинг реал сектори қисқаришига, корхоналарнинг куп қисмининг синишига ва, охир оқибатда, уларнинг деярли 30 фоизи банкротликка учрашига, учдан икки қисмини эса банкротлик поғонасига олиб келади.

**Туртинчидан**, хуфёна иқтисодиёт миллий даромадни паразитларнинг истеъмол қилишига, фойдани қайта тақсимлашига олиб келади. Хуфёна даромадларининг ортиб бориши, уларни яшириш ишбилармонларга хизмат курсатувчи ноишлаб чиқариш тузилмаларининг юзага келишига сабаб бўлади. Аҳоли аксарият қисмининг турмуш фаровонлигини таъминловчи (халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва ш. к.лар) халқ хужалик тармоқлари инқирозга юз тутаяди.

**Бешинчидан**, хуфёна иқтисодиёт вакиллари ўз капиталининг асосий қисмини хорижга олиб чиқиб жойлаштирадилар. Экспертларнинг фикрича, Россиядан

олиб чиқиб кетилган капитал 150–300 млрд АҚШ долларини ташкил қилади.

Бу тизим барқарор равишда такрор ишлаб чиқилади ва бу такрор ишлаб чиқаришнинг бош механизми, шакланган криминал молиявий капитал умумдавлат миқёсида иқтисодий-сиёсий қарорлар қабул қилишда амалда доминант ролига эга бўлиб, бошқа барча ҳўжалик субъектлари ичида юқори рақобатдош бўлади. Ҳўжалик субъектлари, корхоналар бозор иқтисодиёти шароитида таваккалига ишлайдилар, қонунга итоаткор бўладилар, тузилмаларида солиқ ва тўловларни уз вақтида тўлайдилар. Ҳокимиятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида «ҳимоячи»лари йўқ бўлганлиги учун охир оқибатда банкротликка юз тутадилар.

Баъзи МДҲ мамлакатларида ҳукуматнинг пул-кредит сиёсати шуни кўрсатадики, амалий нуқтаи назардан бюджетнинг аксарият қисми юқорида қайд этилган манфаатларга хизмат қилган. Масалан, Россияда давлатнинг ички қарзини тўлашга қонунларда белгиланган лимитлардан бир неча баробар (1995 йили тўрт баробар, 1997 йили 108 трлн рублга секвестр мавжудлиги) кўп сарф-харажатлар бўлган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ялли криминаллашувдан холи бўлиши жўда мураккаб бўлиб, бу муҳим сиёсий ҳаракатларни ва олий ҳокимият тузилмаларида радикал узгаришларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради. Бу ҳаммага аён нарса, чўнки миллий бойлик бир гуруҳ молия олигархлари томонидан бўлиб олинганлиги сабабли бозор иқтисодига хос иқтисодий усиш механизми тўлиқ ишламайди, мамлакатда бўҳрон юзага келади.

Бу масалани реал ҳал қилиш катта ҳаракатларни, сиёсий курашларни амалга оширишни тақозо қилади.

Бундай ҳолатдан чиқиш йўли-демократик ҳаракатларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига

жорий қилиш, ижро ҳокимиятининг парламент, Олий Мажлис олдидаги жавобгарлигини ошириш, сиёсий тизимни кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаоллиги даражасини кўтаришда деб ҳисоблаш мумкин. Бу чора-тадбирларни амалга оширишда, албатта, хуфёна тузилмаларнинг қаршилигини енгишга тўғри келади. Бу радикал пул-кредит сиёсатини, солиқ ислоҳотларини ўтказишни, валюта сиёсатини ўзгартиришни талаб қилади. Мамлакатларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмаса, иқтисодий тизим ривожининг бугунги кунига мос назорат ва ҳимоя чора-тадбирлари кўрилмаса, хуфёна иқтисодиётнинг жадал ўсишига қулай шароит яратилади.

Йилдан-йилга давлат назоратидан ташқарида иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар, яъни қонунни бузувчилар сони ортиб бормоқда. Шунини таъкидлаш керакки, хуфёна иқтисодий фаолият билан шуғулланувчилар тор доиралаги аҳоли гуруҳининг манфаатларига хизмат қиладилар ва бу ишга кўпчиликни, криминаллашган хуфёна бизнес вакилларини, моддий бойлик яратувчи, хизмат кўрсатувчиларни жалб қиладилар.

Иқтисод криминаллашувининг кўрсаткичи - иқтисодий жиноятчиликдир. Россия Федерациясида иқтисодий жиноятчилик 1991 — 1999 йиллари 1,5 маротаба, уларнинг оғир турлари — 5 маротаба ўсган. Иқтисодий жиноятларнинг латентлилиги доимий ўсиш мойиллигига эга. Иқтисодиётдаги криминоген мойилликларнинг таҳлили салбий ҳолатларнинг янада ўсиши иқтисодиётнинг криминаллашган қисмининг кўпайишини кўрсатмоқда. Иқтисодий муносабатларнинг криминаллашуви, бу жараённинг ўсиш суръати ва кўлами миқдорий хавфсизликка таҳдид солувчи муҳим омилга айланиб бормоқда.

Иқтисодий жиноятларнинг қуйидаги янги турлари юзага келди:

1) қонунга хилоф равишда товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш;

2) ўзгалар кашфиётларидан, ихтироларидан, муаллифлик ҳуқуқидан ноқонуний фойдаланиш, аудио-видео қароқчилик;

3) акционерларни алдаш;

4) виждонсиз рақобат;

5) монополиялаштиришга қарши қаратилган қонунчиликни бузиш;

6) норасмий келишувларни амалга ошириш;

7) бизнесни юритишда ноқонуний имтиёз ва қулайликларни олиш билан боғлиқ порахўрлик;

8) банкротликда мол-мулкни яшириш;

9) хусусийлаштиришда фирибгарлик ва алдаш;

10) сохта фирмаларни, филиалларни тузиш;

11) товарларга, хизматларга, уй-жойга бўлган юқори нархларни янада кўтариш;

12) даромадларни солиққа тортишдан яшириш;

13) валюта жиноятлари;

14) кредитлаш соҳасидаги фирибгарликлар;

15) бож тўловлари бўйича фирибгарликлар;

16) банк соҳасидаги фирибгарликлар;

17) савдо-сотиқ соҳасидаги жиноятлар (сифатсиз, ўғирланган товарларни сотиш, харидорни алдаш ва шу кабилар);

18) кўчмас мулк, ер участкалари билан боғлиқ фирибгарликлар;

19) жиноят йўли билан топилган усулларни легаллаштириш ва бошқалар.

Бу тартиб иқтисодий жиноятлар умумлаштирилган ҳолда келтирилган. Уларни яна хусусий турларга дифференциялаш мумкин. Масалан, «хусусийлаштиришда фирибгарлик ва алдаш» турли кўринишларда со-

дир этилса ҳам, умуман олганда, солиқ жиноятлари билан боғлиқдир:

а) харидорларнинг тулов қобилияти хусусида нотўғри ахборотларни танлов ҳайъатига тақдим этиш;

б) корхонани меҳнат жамоаси томонидан нотўғри хусусийлаштириш (бунинг остида молиявий имтиёзларни олиш мақсади яширинган);

в) хусусийлаштирилаётган корхона қийматини қасдан пасайтириш;

г) хусусийлаштирилаётган корхонанинг бир қисм мол-мулкни яшириш ва уни алоҳида шахс томонидан ўзлаштириш;

д) танлов ҳайъати аъзоларини қулга олиш;

е) танлов иштирокчиларининг ўзаро тил бириктириши ва шу қабилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарликлар замонавий жамият иқтисодий ҳаётининг имманент томонидир.

Энг хавфлиси — иқтисодий жиноятлар турларининг ўсиш суръатлари эмас (уларни ифодаловчи рақамлар қанчалик ташвишга солувчи бўлишидан қатъи назар), балки давлат иқтисодий тизимининг криминаллашганлигини ифодаловчи иқтисодий жиноятнинг янги сифатга ўтишидир.

Хужалик юритувчи субъектларнинг криминал иқтисодий ҳатти-ҳаракати улар фаолиятини амалга оширишнинг шартига айланиб бормоқда. Баъзи мамлакатларда «хуфёна иқтисодиёт» деб жамият иқтисодий ҳаётининг муҳим соҳасини ажратишнинг мазмуни йўқолиб бормоқда, чунки амалий нуқтаи назардан бутун иқтисодий тизим криминаллашган.

Иқтисодий ҳаётнинг криминаллашувга мойиллигининг сарчашмаси шўро давлатининг парчаланиш даврига туғри келади. Экспертларнинг ҳисоб-китоби шуни кўрсатадики, 80-йилларнинг охирига келиб хуфёна иқтисодиёт соҳасида бевосита ва билвосита

камида 15–20 миллион киши (халқ хўжалигида банд кишиларнинг 12–15 фоизи) банд бўлган ва бу соҳада ишлаб чиқарилган маҳсулот саноат ва қишлоқ хўжалигида яратилган барча ялпи даромаднинг 9 фоизини ташкил қилган.

Шундай қилиб, тоталитар тизимда хўжалик юритиш соҳасида банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарият қисми жамият аъзоларининг қондирилмаган талабларини қондириш билан шуғулланганлар. Бу гуруҳдаги инсонлар муайян криминал иқтисодиёт гирдобига тушиб қолган, улардан бир қисми ўзларининг бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлар. Шўро даврида бир неча бор жиноятчиликка қарши кураш борасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга ҳаракатлар бўлган. Қонунчиликдаги ўзгаришлар, бир қатор хўжалик операцияларини криминал муносабатлар доирасидан чиқариш натижасида рўйхатдан ўтган иқтисодий жиноятчилик сони бирмунча камайтирилди. Аммо иқтисодий ҳаётни криминаллашувдан сақлаш функцияси тескари самара берди — криминал жараёнлар иқтисодий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Йиллар давомида хуфёна иқтисодиётнинг мавжудлиги тадбир корларнинг криминал иқтисодий фаолият кўрсатувчи типини юзага келтирди; у солиқлар тулашдан бўйин товлаб тадбиркорлик билан шуғулланишга ўрганган. Бундай шароитларда ҳар қандай киши учун эркин тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш у ёқда турсин, ҳатто тасаввур қилиш қийин иш бўлиб қолди.

«Ўрганган кунгил ўртанса қуимас» деганларидек, хуфёна иқтисодиёт шароитида иш тутган тадбиркорлар, шароит ўзгариб, эркин фаолиятга йул очилганида ҳам, улар фаолияти қонуний деб топилганда ҳам, уша эски криминал усулларга таяниб иш тутмоқдалар.

Ўз навбатида, хуфёна иқтисодиётнинг ичида ва ён-атрофида юзага келган криминал инфратузилма узига

янги фаолият маконини топган. Иқтисодий ислоҳотлар даврида юзага келган янги соф тадбиркорлик тузилмаларини улар узларида қабул қилинган «ўйин қоидаларига» бўйсундириб олмоқдалар. Шундай қилиб, легал «соф» тадбиркорлик фаолияти криминал шароитда ривожланишга мажбур булиб қолмоқда. Бундай шароит эса «...жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини оширади. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йуққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади. Ислоҳотлар ғоясининг ўзини обрўсизлантиради...»<sup>1</sup>.

Иқтисодий ҳаёт криминаллашувининг муҳим омили бўлиб, шахслари ҳокимиятга турли йўллар билан кириб олган жиноят оламининг нуфузли ўз мавқеларидан фойдаланиб катта даромадларга эга бўлаётгани хизмат қилмоқда. Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф-хатарлардан биридир<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, МДХ мамлакатлари ислоҳотларнинг бошланғич босқичига криминаллашишга генетик мойил бўлган иқтисодий тизим билан кириб келдилар.

Яна бир муҳим воқеликни таъкидлаш лозим. Бозор муносабатларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар даврида иқтисодиётнинг криминаллашув хавфи кучайди, чунки бу даврга хос бўлган капиталнинг бирламчи жамғарилиши шароитида жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги криминал ҳолатлар мураккаблашади ва зиддиятлар юзага келади.

Иқтисод криминаллашувининг умумий ҳолатида унинг энг куп «бузилган» муҳим соҳаларини алоҳида ажратиш мумкин. Унда соҳаларга кредит-молия, давлат мулкани хусусийлаштириш, инвестицияларни жойлаш-

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — 91-б.

<sup>2</sup> Каранг: Ўша жойда. — 92-б.

тириш, ташқи иқтисодий фаолият ҳамда истеъмол бозорини киритиш мумкин.

Жиноятчи гуруҳларни ўзига энг кўп жалб қиладиган соҳа — кредит-молия соҳасидир. Бу соҳада мужас-самланган пул маблағлари оҳанрабодек ўзига тортади, унда бир зумда катта маблағларга эга бўлиш имконияти мавжуд. Банк ишлари, пул ҳисоб-китоб тизими, қалбаки пуллар, сохта қимматли қоғозлар, банк ҳужжатларининг муомалада бўлиши бу соҳанинг ўта криминаллашувидан далолат беради.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳаси ҳам ўзининг криминаллашув даражаси билан ажралиб туради. Ноқонуний эксперт, ички ва дунё бозори нархлари уртасидаги фарқдан фойдаланиш. стретегик хом ашёларни контрабанда йули билан олиб чиқиб кетиш сунгги йилларда кенг тарқалди. Мисол тариқасида, Россия Федерациясида сохта ҳужжатлар орқали экспортни амалга оширган минглаб фирмалар фаолияти фош этилди. 2001 йилнинг тўққиз ойида экспорт қилинганлик учун қўшимча қиймат солиғини қоплашга асосиз берилган 6,9 миллиард рубль миқдоридagi зиён аниқланган. 2,2 миллиард рубль бюджетга қайтарилган.

Шу билан бирга, тўрт миллиард рубльдан ортиқ қўшимча қиймат солиғини ноқонуний тулашнинг олди олинган<sup>1</sup>.

Давлатларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги криминал тадбиркорликка қарши курашлари сунгги йилларда фаоллашди, аммо бу борада ҳали сезиларли натижаларга эришилгани йўқ.

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим соҳаси булган инвестицион фаолият ҳам криминал тузилмалар қулига ўтиб бормоқда, бу жараён иқтисодиётга, барқарор ривожланишга, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига катта зиён етказмоқда.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Труд-7. 2001. 10 янв.



Истеъмом бозори МДХ мамлакатларида энг криминаллашган соҳа бўлиб қолмоқда. Фирибгарлик, харидорларни алдаш, лицензиясиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, сохта шартномалар тузиш, олдиндан пул ўтказиш операцияларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш каби хатти-ҳаракатлар давлатга, жамиятга кўп миқдорда зиён етказмоқда.

Купгина мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ҳолатнинг юзага келиши асосида бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлик қилган даврда шаклланган иқтисодий тизимнинг криминаллашувга гинетик мойиллиги ётади. Совет даврида юзага кела бошлаган иқтисодиётнинг криминаллашуви ўтган асрнинг 80-йилларида ҳаддан ташқари кучайди, хунук ҳолга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди<sup>1</sup>.

Жамият иқтисодий ҳаётининг криминаллашуви юзага келишининг муҳим омили — бу давлат ҳокимияти механизмининг бузилиши ва ундаги номутаносибликлардир. Бу омилнинг иқтисодий тизимнинг криминаллашувига таъсири қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

1. Жамиятдаги умумий вазият криминаллашувининг кучайганлиги, бунинг натижасида хуфёна иқтисодиёт атрофида ҳамда ичида шаклланган криминал инфра-тузилма иқтисодий ислоҳотлар натижасида янги тадбиркорлик тузилмаларининг юзага келиши муносабати билан ўзининг фаолиятига янги макон топган ҳамда давлат ҳокимияти томонидан етарли қаршиликка дуч келмаган. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик криминал ҳудудда шакллана ва ривожлана борган, ҳаммани бу ҳудудда қабул қилинган «уйин қоидалари»га буйсунушга мажбур қилган.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — 90-б.

2. Фуқаролар ҳаётини ва мулкини ҳимоя қилиш функциясини тулақонли ҳал қила олмаган давлат хусусий тадбиркорларни ўз фаолиятларини нодавлат тузилмаларига таяниб амалга оширишга мажбур қилиб қўяди. Натижада бу фаолият криминал тус олади ва охир оқибатда иқтисодий муносабатларнинг криминал-лашувига олиб келади.

3. МДХ давлатларининг иқтисодиётида, айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида ташкилий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, молия тузилмаларидаги мавжуд алоқаларнинг узилиши натижасида юзага келган хаотик ҳолат бу мамлакатларда иқтисодий фаолиятнинг криминаллашувини ўзига хос рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлди ва ҳозирда ҳам муайян таъсирини сақлаб қолмоқда.

4. Мамлакатларда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг изчил эмаслиги, бу сиёсат йўналишларини башорат қилишнинг мураккаблиги сабабли капиталларни давлат назорати остидан у назорат қандай бўлишидан қатъи назар, «сизилиб» ўтиб кетиши учун қулай шароит туғилади. Ўз навбатида, бу сиёсатдаги чора-тадбирлар капиталларни ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига «тортилишини» рағбатлантиради. Сабаби, муомала соҳаси ишлаб чиқариш тармоғига нисбатан бир неча баробар енгил ва куп фойда келтиради. Бу даромад (фойда)ларни хуфёна фаолиятга жалб қилиш, уларнинг миқдорини кўпайтириш, назоратдан яшириш иқтисодий ва сиёсий беқарор вазиятларда осонлашади. Натижада муомала соҳасида жамғарилган капитал ишлаб чиқариш соҳасига жалб қилинмай, ўзининг криминал хусусиятини сақлаб қолишга ёки хорижга «чиқиб» кетишга ҳаракат қилади.

Янги давлат тизимининг шаклланишидаги номунаносибликлар, иқтисодий-ижтимоий сиёсатдаги камчиликлар ҳам иқтисодиёт криминаллашувининг омил-

ларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу йўналишдаги унинг таъсири қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

1) иқтисодий ҳаётда давлатнинг фаол агент сифатидаги аҳамиятини «бозор кучларининг эркин ўйини» деб номланган сохта илмий назария асосида пасайтириш, моҳиятан, криминал иқтисодий фаолият учун йўл очиб берди. Давлатга ҳокимиятни қайтариш, давлат органлари мавқеини янада оширишга қаратилган чоралар, афсуски, амалга ошмаяпти, улар кучли тўсиққа, коррупцияга йўлиққан лавозимдаги шахсларнинг қаршилигига учрамоқда;

2) криминоген ҳолатни юзага келтирувчи иқтисодий механизмни тартибга солувчи қарорларнинг қабул қилиниши (масалан, конвертациянинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, ривожланган мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органлари томонидан яқин ўн йилликда қабул қилинган қонунларни утиш даврида бўлган МДХ мамлакатларида андоза сифатида қабул қилиш, яъни иқтисодий, ҳуқуқий маконнинг тулақонли ривожланганлигини инobatга олмаслик криминоген ҳолатни янада кучайтириши);

3) иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини яратишдаги камчиликлар (масалан, хусусийлаштириш жараёнининг ҳуқуқий базасини яратишда бир қатор камчиликларнинг мавжудлиги);

4) иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-техник базаси уртасидаги номутаносиблик.

5) Бундай ҳолатнинг мавжудлиги тадбиркорни фаолиятининг бошиданоқ қонидани бузувчи ҳолатга солиб қўяди, бу эса, ўз навбатида, уни «талаш» объектига айлантиради, иккинчи томондан белгиланган тартибларни бузганлиги учун жазоланмаслик ҳолатини юзага келтиради. Биринчи ва иккинчи ҳолат ҳам иқтисодий фаолиятнинг криминаллашувига олиб келади;

б) иқтисодий жиноятчиликка қарши курашни сусайтиришда била туриб «хуфёна капитални» иқтисодий ислоҳотларнинг ресурс базаси сифатида фойдаланишда намоён бўлади. Бундай сиёсат юргизиш борасида муҳим бир ҳолат инобатга олинмайди, яъни хуфёна иқтисодиёт ўз фаолиятини бошдан криминал ишларга қўл урадиган, бундай фаолиятдан чўчимайдиган тадбиркорлар типини юзага келтиради.

7) аҳолининг мулкый табақаланиши ҳамда унинг аксарият қисми (айниқса, ёшлар)нинг ижтимоий, ғоявий, мафкуравий йуналишларини йўқотишларига, фақат «истеъмолчининг ғоясига» бўйсунувчи, бойликка ҳирс қўйган одамларга айлангириб қўйишида намоён бўлади.

Иқтисодий тизим криминаллашувининг натижаси сифатида давлат иқтисодий сиёсатининг криминал тизимларнинг иқтисодий манфаатларига қарам бўлиб қолишида намоён бўлаётган мойилликни эътироф этмасдан бўлмайди. Бу мойилликнинг намоён бўлиши ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини ислоҳ қилишга, замонавий технотузилманинг шаклланишига тўсқинлик қилади ва жамият учун салбий ижтимоий-сиёсий оқибатларни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, хуфёна иқтисодиётга жамиятга ва унинг аъзоларига зарар етказувчи, меҳнатсиз даромад олиш имконини туғдирадиган фаолият турлари киради. Кўриниб турибдики, хуфёна иқтисодиётнинг икки хусусияти—салбий, ноқонуний фаолият ва меҳнатсиз даромад ўзаро боғланган. Ўз турмуш тарзини зиён фаолият, масалан, порнографик бизнес ёки кераксиз маҳсулотни ишлаб чиқариш воситасида таъминлаш амалда меҳнатсиз даромад олишни билдиради. Ва, аксинча, меҳнатсиз даромад олиш фаолиятсизлик ёки салбий фаолият натижасида бойликка эга бўлиш демакдир.

Хуфёна иқтисодиётнинг таърифи бизга нима беради? Ҳайлаймизки, у куп нарсани ойдинлаштиради.

**Биринчидан**, инсонларнинг кўп қиррали фаолиятида иқтисоднинг ижобий ривожланишига тўсқинлик қиладиган жамиятда сон-саноқсиз зиён етказадиган, хуфёна деформацияланган, ижтимоий хавфли иқтисодиётни юзага келтирадиган сифатни алоҳида ажратишга имкон туғдиради. Бундай салбий томонларни аниқлаш, уларни ихоталаш, бартараф қилиш-жамиятнинг муҳим функцияси, унинг ҳар томонлама ривожланишининг сўзсиз шартидир.

**Иккинчидан**, хуфёна иқтисодиётга таклиф қилинган усулда ёндошиш уни хато ёки содда ҳолда тушунишдан холи бўлишга, унинг атрофида юзага келган купгина ~~ундирма фикрлардан~~ озода бўлишга имкон туғдиради. Бундай ёндошиш инсонларнинг турли фойдали фаолияти, унга рухсат берилганми ёки йўқми, легал ёки нолегал амалга ошириладими, ҳисобга олинганми ёки йўқми, ундан қатъи назар, тан олиниши ва рағбатлантирилиши лозимлигини тушунишга имкон беради. Ўз навбатида, инсонга, жамиятга ва табиатга салбий таъсир этувчи меҳнатсиз даромад олиш, қайси соҳада амалга ошишига қарамай, ўзгалар ҳисобига яшаш ҳоллари жазоланиши, бундай иллатлар йўқотилиши лозим.

**Учинчидан**, хуфёна иқтисодиётни жамиятдаги «рак усимтаси» сифатида, ижтимоий хавфли фаолият деб тушуниш, бу воқеликнинг спектрини аниқлаш, ички тузилишини, уни юзага келтирувчи ҳолатларни куриш ҳамда унинг шаклланиши ва тарқалишининг асосий сабаб ва механизмини очиш имконини туғдиради.

## ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ: ҚЎШИМЧА ИШ ЖОЙИДАН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ТАҲДИД

Бундан бир неча ўн йиллар аввал умумжаҳон хўжалигида бошланган глобаллаштирув жараёни, хўжалик фаолияти ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг эркинлашуви, хусусий секторнинг кенгайиши, коммуникация ва молиявий информацион технологияларнинг тезкор ривожланиши жаҳон иқтисодиётида сезиларли ижобий силжишларни юзага келтирди. БМТ маълумотларига қараганда, охириги 50 йил ичида ер аҳолисининг киши бошига тўғри келадиган даромади уч маротаба ошган. 1975 йили ўртача ривожланиш даражасига эга мамлакатларда Ер курраси аҳолисининг 55 фоизи яшаган бўлса, ҳозирга келиб бу рақам 65 фоизни ташкил қилди. 1975 йили қашшоқлар гуруҳи ер аҳолисининг 20 фоизини ташкил қилган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 10 фоиз даражасида.

Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ)нинг беш йиллик фаолияти давомида халқаро савдо айланмаси 37 фоизга кўпайган ва 6,5 триллион АҚШ долларини ташкил қилган.

Юқоридаги каби ижобий жараёнлар билан ёнма-ён хўжалик фаолиятида, иқтисод тизимида салбий ўзгаришлар бойлар ва қашшоқлар ўртасидаги тафовутнинг кучайишига сабаб бўлди. Сайёрамизда ҳозирги даврда бир миллиард 300 млн. киши кунига бир АҚШ доллари миқдоридаги даромад ҳисобига яшаб келмоқда. Бу рақам яқин орада 2 миллиардга етиши мумкин. Уч миллиард кишининг 3 долларлик даромадга кун кўриши кутилмоқда. Бундай ҳолатлар уюшган жиноятчиликни, коррупцияни келтириб чиқаради ва энг ташвишлиси шундаки, бу машғум воқеликка қарши «уруш» эълон

---

«Экономическое обозрение» журналида ҳамда «Труд-7» газеталарида эълон қилинган мақолалар асосида ёзилган.

қилинишига қарамай, аҳоли турмушини янада оғирлаштирмоқда.

Салбий ҳолатларнинг кишиларнинг ғайриқонуний йул билан топилган маблағлари ҳисобига юзага келиши иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш борасидаги меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан ҳам боғлиқдир.

Бу борада бир тескари ҳолатни ҳам инobatга олиш дозим — жиноятчи унсурларга қарши кураш йулида қабул қилинган қонунлар виждонли, ҳалол, қонунларга бўйсунадиган тадбиркорларга муайян қийинчиликлар туғдиради; уларнинг уз даромадлари туғрисида қўшимча маълумотлар тақдим этишларига туғри келади. Бу эса, уз навоатида, коррупцияга, амалдор тураларнинг ҳукмронлигига олиб келади, хуфёна иқтисодни кучайтиради.

Хуфёна иқтисодиётнинг баъзи хусусиятлари, қонунлар доирасидаги расмий муносабатлар билан бир қаторда, ҳар қандай ғайриқонуний, норасмий фаолиятда жамиятда қабул қилинган меъёрларнинг бузилишида ҳам намоён булади.

Сунгги йилларда умумжаҳон миқёсида хуфёна иқтисодий муносабатларнинг муттасил ўсиб бориши кузатилмоқда. Бу жараён, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда сезиларли булиб, хуфёна иқтисодиётнинг ўсиш сурьатлари расмий, легал иқтисоднинг ўсиши сурьатидан юқори булмоқда.

Утган асрнинг 70-йилларида хуфёна иқтисод Голландия ва Бельгияда авж олганди. Австрия, Франция, Италияда ҳам унинг улуши ортиб борганди. Унинг нисбатан паст улуши Англия, АКШ, Финландия, Япония ва Швейцарияда кузатилганди. Мутахассисларнинг фикрича, 1980 йилда Норвегия давлатида хуфёна даромадлари аҳолининг тахминан 18 фоизи олган, аҳолининг 15 ёшдан кагталарининг 26 фоизи нолегал хизматдан фойдаланган. Умуман олганда, бу мамлакат аҳолисининг

37,5 фоизи хуфёна иқтисодиёт билан боғлиқ соҳалардан фойдаланган.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, бозор муносабатларини шакллантираётган, собиқ тоталитар тузум асо­ратларидан қутулаётган мамлакатларда хуфёна иқтисо­диётнинг ўсиши демократик йўлда ривожланаётган мамлакатлардагидан анча юқори. Хусусан, Африка мам­лакатларида хуфёна иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 30, Чехияда — 18, Украинада — 50 фоизни ташкил қилган.

Экспертларнинг баҳолашига қараганда, 1996 йили Россия Федерациясида хуфёна иқтисоднинг ҳужалик оборотидаги улуши 50 фоизни ташкил қилган; бу соҳада 30 миллион киши нисбатан самарали меҳнат қилган.

Фарб экспертлари ЯИМнинг 40 — 50 фоизини хуфёна иқтисодиёт ташкил қилган ҳолатни хавфли «бўсаға» ҳолати деб таъкидлайдилар; бу ҳолатдан юқори бўлган миллий ҳўжаликлар ўзларини жуда оғир ҳолатга тушган деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда, хуфёна иқтисодиёт ўз таркибида турли табақадаги ижтимоий жиҳатдан муайян иерар­хияга мансуб бўлган «пирамида» муносабатларига асос­ланган гуруҳлардан иборат. Бу «пирамида»га кирувчи ва уни ҳаракатга келтирувчи кучлар манфаатлари аниқ ҳамда қаттиқ субординация боғлиқлигида бўлади. Ие­рархия ва субординация алоқалари иқтисодий фаолият­нинг муайян соҳасига, манфаатларни амалга ошириш усуллари ва шаклларига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Шароитларга таъсир даражаси бўйича энг юқори булган хуфёна иқтисодиёт ута жиноятчи унсурларни: гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ билан олди-сотди қилувчиларни, рекэтчилар, ёлланган қотиллар, қўшмачи (сутенёр)лар, хуллас, жиноий дунёни ташкил қилувчилар ҳамда юқори лавозимдаги давлат ва бош­қарув органларининг катта поралар ҳисобига давлат ла-



возимларини ва манфаатларини сотиш имкониятига эга бўлган вакилларини ўз ичига олади.

Ўртача даражадаги нолегал хўжалик юритувчиларга савдогар, молиячи, саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари, ўрта ва кичик бизнес, яъни бозор фаолиятининг «мотори»ни ташкил қилувчилар киради. Улар, одатда қонуний даромад оладилар, лекин шароит тақозоси билан бу даромадларни солиқ фондига қўшмасликка интиладилар (бундай ҳолат қабул қилинган солиқ ставкалари, пеня, жарималар уларнинг тадбиркорлик фаолиятига хавф соладиган ҳолларда юзага келади).

Бу гуруҳ юқори поғонанинг таъсир доирасида бўлади. Сабаби шундаки, уларнинг норасмий, ғайриқонуний шартномаларни, келишувларни бажаришларида юқори мавқега эга жиноят оламининг вакиллари ҳакамлар ўрнида бўлади. Шу билан бирга, нолегал тадбиркорларни жиноятчи тизимлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тазйиққа олдилар. Бундай ҳолатларнинг мавжудлигини инобатга олиб, бу ўрта даражадаги хуфёна «пирамида» ўз даромадларини ошкоралаштириш, расмийлаштиришга объектив тарзда интиладилар.

Қуйи даража ёлланиб ишлайдиган жисмоний ҳамда ақлий меҳнат вакиллари давлат органларининг қуйи босқичларида хизмат қиладиганларни ўз ичига олади. Улар даромадларининг асосий қисмини пора орқали олинган маблағлар ташкил қилади. Бу ҳолат, асосан, социалистик лагердан чиққан янги мустақил мамлакатларга хос бўлиб, у ривожланган мамлакатларда кам учрайди. Ривожланган мамлакатларда иш ҳақи ходимлар даромадининг 70 — 80 фоизини ташкил қилса, ҳамдўстлик мамлакатларида бу рақам бор йўғи 30 фоиз атрофидадир. Бу даражадаги «нолегаллар» жиноятчи унсурларнинг доимий тазйиқида бўлган манфаатларига мос келмайди. Чунки уларнинг «ҳимоя»си учун тулаш керак. Бу эса провард-оқибатда улар ишлаб чиқараётган, сотаёт-

ган (хизмат курсатаётган) маҳсулотлар нарҳини кескин ошириб юборади.

Юқорида қайд этилган барча гуруҳлар учун энг муҳими, «хуқуқий макондан» ташқарида қўшимча даромад олишдир. Бу гуруҳлар фаолиятида умумийлик ҳам айримлилик ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, жиноятчилик ва шулар каби гуруҳлар юқори табақадаги хорижий мамлакатларга капитал маблағлар ёки маҳсулотлар чиқараётганда тулов ҳужжатларини сохта-лаштириш, инвестициялар билан ғайриқонуний операциялар ўқизиш, стратегик хом ашёларни нолегал сотиш билан шуғулланадилар; қўйи табақадаги гуруҳлар ёлланма ишчи, амалий ходимлар ўз ақлий меҳнатлари натижаларини ёки жисмоний кучларини «экспорт» қилишлари мумкин, холос.

Шундай қилиб, хуфёна иқтисодиёт ўз моҳияти бўйича турли ижтимоий, баъзида ўта қарама-қарши интилишларга, манфаатларга эга; уларнинг ҳаммаси ҳам жамиятга хавф туғдирувчи бўлган гуруҳларни ўз ичига олади.

Россия Федерацияси оммавий ахборот воситаларининг, жумладан, «Труд» газетасида келтирилган далилларга кура, хуфёна иқтисодиёт бу мамлакатнинг расмий иқтисодиёти таҳдид солмоқда; бунинг устига, бу мамлакат билан яқин иқтисодий муносабатларда бўлган мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикасига ҳам салбий таъсир этмоқда. «Труд» газетасининг 2002 йил 10 январ сонидида эълон этилган «Пинҳоний очкўз аждаҳо (спрут)» номли мақолада қайд қилинишича, хуфёна иқтисодиётнинг «кулранг» қисми (ўз даромадларини яширадиган, сохта жиноят билан ва бошқа фирромликлар билан шуғулланадиган фирибгарларни), ҳукумат экспертларининг баҳоларига кура, 2001 йилда 58 млрд долларни, яъни ялпи ички маҳсулотнинг 18 фоизини ташкил этган.

«Расмий иқтисодиётни» юқорида тавсифланган «кулранг» қисми ёнида хуфёна иқтисодиёт ҳам ҳукм сурмоқда. Бу иккисининг қасрига РФ кўраётган зарар 90-110 млрд доллар деб баҳоланмоқда.

Мақолада гоят йирик ва типик хуфёна иқтисодиёт турларидан бири сифатида РФнинг Ханти-Мансий автоном округида жойлашган «Аста» номли ёпиқ турдаги акционерлик жамияти раҳбариятининг жиноий кирдикорлари ҳақида далиллар келтирилган. Истаган оддий виждонли кишининг газабини кўзғотадиган ва таажжублантирадиган фирибгарлик ана шу жамиятда содир этилган. Бу ўта оғир жиноят текширилганда маълум бўлғишича, унинг директори ихтиёридаги фирмалар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишда номи бору, ўзи йўқ-улик жонлардан фойдаланганлар. Ҳисоб варақалари пул маблағларини бегоналаштириш учун ва банкнотларни бошқа шаҳардаги корхоналарга, хусусий шахслар номига ўтказиш учун ўзининг тадбиркорлик фаолиятини давлатдан яширган. Жиноятчи гуруҳга жуда кўп фирма, жамиятларни, ҳатто халқ банкларидан бирини жалб этганлар; бегоналаштирган пулларни мижозларга топширадиган воситачи (даллол)лар ҳам жалб этилган. «Аста»ча хизмат қилишга тайёр айрим корхоналарнинг нафси бузуқ раҳбарлари, хуфёна тадбиркорлар ҳам топилган.

Солиқлар тўпланмаганлиги ва қўшиб ёзилган ғайриқонуний туловлар оқибатида давлат бюджети 55 млрд рубль йўқотган. Бундай мислсиз жиноят иштирокчиларига нисбатан 31 та жиноий иш кўз-ғатилган. «Аста»нинг директори ва уюшмаларнинг фирибгар раҳбарлари ҳибсга олинган. Ҳисоб варақалари бекор қилинган. Ҳаромхўрлар ўзлаштириб улгурмаган биргина нақд пулдан 1,9 млн рубль тортиб олинган.

Гарчи, бизнинг мамлакатимизда, бахтмизга, бундай катта миқёсли, кенг қамровли, ҳаддан зиёд оғир жиноятлар содир этилмаётган бўлсада, назорат бушаш-

тирилса, жинойтлар олди олинмаса, бундай ра-  
зилликларга борадиган, нафси ҳақкалак отадиган  
нусхалар топилиб қолиши мумкин.

Юртбошимизнинг кучли давлат барпо этиш учун  
кучли сиёсат юритиш концепцияси ўзини бутунлай  
оқлади. Хуфёна иқтисодиётга хос жинойтлар олди  
олиниб, унинг потенциал субъектлари жиловланмоқда.

Бироқ, эл-юртимизнинг айрим худудларида иқти-  
содий жинойтлар содир бўлмоқда. Масалан, халқ де-  
путатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан  
ташқари сессиясида сузлаган нутқида Президентимиз И.  
А. Каримов таъкидладиларки, бу вилоятдаги баъзи  
туманларда уюшган жинойтчилар экин ерларидан бир  
қисмларини ҳисоб-китобга киритмаганлар; хуфёна  
ерлардан олинган ҳосилларни ошқора ерларда  
етказилган ҳосилга қўшиб ёзиб, шу йўл билан устама  
мукофотларни кўзлаганлар. Бу билан кўзбўямачилик,  
қўшиб ёзиш ўз балоий нафсларини қондирганлар.  
Бундай хуфёна иқтисодий жинойтларнинг турлари  
агросаноатга ҳам утиб, давлатга нафақат моддий зарар  
етказган, балки маънавий, ахлоқий тарбия ишларига  
ҳам катта путур етказган. Бундай кўзбўямачиликларга ўз  
вақтида зарба берилмаса, жинойтчилар одилона суд  
олдида жавоб бериб, тегишли жазосини олмасалар,  
бошқаларга ҳам худди юқумли касалликдек юқаверади.  
Халқимизда чиллаки чиллакини куриб, чумак уради  
деган мақол бор.

Юртбошимиз ўз нутқида хуфёна иқтисодиётнинг  
агросаноатдаги ўзига хос кўринишлари, қўшиб ёзишлар  
юзберганини қайд қилиб, агросаноат жамоатчилигини  
хушёрликка, кучли давлатнинг жойлардаги кучли  
бўгинларини муросасизликка даъват этди.

## ХУФЁНА ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН БАҲОЛАНИШИ

Иқтисодиёт назарияси таърифига кўра, кишилар ўртасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва моддий бойликларни истеъмол қилиш, хизматлар ва тадбиркорлик қобилиятларидан фойдаланиш иқтисодий (ишлаб чиқариш) муносабатларни ташкил қилади ва уларнинг тизими (мажмуи) ҳар қандай жамиятнинг иқтисодидир.

Ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар, давлат билан ва ўзаро иқтисодий муносабатда бўладилар. Бундан ташқари, улар ўзларининг муваффақиятли фаолиятлари учун қулай бўлган ҳимоя тизимини ҳам яратадилар. Иқтисодий муносабатларни ҳимоя қилиш функцияси давлат зиммасига юклатилади.

Тадбиркорлар ўз товарлари ва курсатган хизматларидан тушган даромадни олиш жараёнида ҳужалик юритувчи бошқа субъектлар билан муайян иқтисодий муносабатда бўладилар. Бу муносабатлар меҳнатга ҳақ тўлаш, захираларни юзага келтириш, ишлаб чиқаришга кетган харажатларни қоплаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қарз воситаларини қоплаш ва шу кабилар жараёнида юзага келади. Энг муҳим иқтисодий муносабатлар давлат ва ҳужалик юритувчи субъект ўртасида солиқларни тўлаш жараёнида юзага келади. Солиқлар тадбиркорларни ички ва ташқи хавфдан сақлаш, иқтисодий муносабатлар шаклланишига қулай муҳит яратишга, ижтимоий соҳаларни таъминлашга ва бошқаларга сарфланади.

Бу муносабатлар молня-кредит институтлари (банк, кредит ва сугурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ва шу кабилар) орқали амалга оширилади.

Ўшунинг билан бирга ва моддий ресурсларнинг ҳаракати тегишли ҳуқуқий нормалар ёрдамида давлат органлари томонидан назорат қилиб борилади.

Бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларда ҳужалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар бозор ҳужалигининг иқтисодий қонунлари доирасида юзага келади. Улар жамиятга юқори самарали иқтисодиёт, халқнинг юксак турмуш даражаси, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, ишончли муодофаа қобилиятини ошириш ва жамоат тартибини таъминлашга имкон туғдиради.

Айрим ривожланган мамлакатларда иқтисодий муносабатларнинг шундай соҳалари мавжудки, улар қонун ҳужжатлари билан тўла таъминланмаган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳимоя остига олинмаган. Иқтисодий муносабатларнинг бу заиф томонларини деформациялашган деб аташади ва улар жиний унсурлар учун турли жиноятлар содир этишга қулайлик туғдиради.

Бир гуруҳ шахслар иқтисодий муносабатлардаги «ўйин қондасини» бузиб, ўз фаолиятлари натижасида мўмай ғайриқонуний даромад оладилар. Қондаларнинг бузилиши бир қатор сабаблар туфайли юзага келади. Масалан: биринчидан, иқтисодий муносабатларнинг аниқ тартибга солинмаганлиги; иккинчидан, қонунлар ва қонуности ҳужжатлардаги зиддиятлар; учинчидан, қонун бузишга мойил, ҳужалик фаолиятини юритиш қонунларига хилоф равишда иш олиб борадиган шахслар мавжудлиги.

Бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши йулидан бораётган бизнинг республикамизда ҳам ривожланган мамлакатлардаги хуфёна тадбиркорликнинг турли кўринишлари, афсуски, юзага келади. Шунинг учун ҳам ҳозирда хуфёна иқтисодий фаолиятнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва уни таг-томири билан йўқотиш усуллари, йўналишларини ишлаб чиқиш бугунги ислоҳотларни амалга ошириш дастуридан ўрин олиши ўта зарур масаладир.

Иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил ҳозирги шароитда бу соҳадаги энг криминоген ҳолатлар қуйидагилар эканлигини ажратиб кўрсатишга имкон беради:

- пул муомаласи. Унинг криминаллашуви жамият учун ўта хавфлидир. Чунки, бу иқтисодий тизимнинг барча бўғинларининг (пул муомаласининг жамиятнинг иқтисодий тизимида тутган ўрнидан келиб чиқиб) криминаллашувига сабаб бўлади. Купгина мутахассис, экспертларнинг фикрига кўра, ҳозирда пул муомаласи устидан назорат баъзи МДХ мамлакатларида криминал тизимлар қўлига ўтиб бўлган. Бундай ҳолат, албатта, молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган барча чора-тадбирларни йўққа чиқаради ва охир оқибатда иқтисодий ислохотларни амалга оширишни шубҳа остида қолдиради;

- мулкий муносабатлар, энг аввало, савдода, умумий овқатланиш шохобчаларида, шаҳарлардаги кўчмас мулкка нисбатан, ёқилғи, хом ашё мажмуида, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, қурилишда, агросаноат мажмуида, ер муносабатларида давлат мулкани ишлатиб, катта фойдалар олишда, шунингдек, юридик ва хусусий шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар;

- ташқи иқтисодий фаолият. Бу соҳада нафақат жинсий йўл билан, балки тез капитал жамғариш имкониятидан ҳам фойдаланилади. Шу билан бирга, бу соҳада криминал йўл билан ғайриқонуний капитал, энергетика, хом ашё ресурсларини ва, энг муҳими, стратегик ресурслар ноқонуний йўл билан экспорт қилинади. Бу мамлакатнинг халқаро бозордаги мавқеини туширади ва унга қарши демпинг сиёсатини ўтказишга асос пайдо қилиши мумкин;

- анъанавий криминоген соҳа истеъмол бозоридир. Бу бозорларнинг асосий қисмини криминал тизимлар бўлиб оладилар, сотиш миқдорини қатъий квоталаштиради, сотиш нархлари ва даромаддан олина-

диган «солиқлар» миқдорини белгилаб қўядилар, яъни савдо-сотик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун белгиланган туловлар тўғридан-тўғри криминал тизимларга берилишини таъминлаб қўядилар.

Криминоген хусусиятга эга хуфёна тадбиркорликни бартараф этиш иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш дастури доирасида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутиши лозим. Криминал хуфёна бизнеснинг олдини олиш мақсадида қуйидаги муҳим йўналишлардаги бирламчи функцияларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Халқ истеъмоли буюмлари ва хизматларини ишлаб чиқаришда яширин бизнесни йўқотишга қаратилган чоралар:

- нафақат қонунчиликда, балки реал иқтисодий ҳаётда ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг ҳуқуқийлигини таъминлаш, турли мулк кўринишлари ҳимоя қилинган давлат монополизмини тугатиш;

- хусусийлаштиришнинг кейинги босқичларини амалга ошириш учун нормал шарт-шароит яратиш;

- солиқ соҳасидаги қонунчиликни (Солиқ кодексини) такомиллаштира бориб, тадбиркорликнинг хуфёна кўринишдан (нолегал ҳолатдан) чиқишига шарт-шароит яратиш;

- янги корхоналарни тузиш жараёнини соддалаштириш, амалдорлар коррупцияси ва порахўрлигининг барча йўллари тўсиш;

- гайриқонуний тадбиркорликнинг барча кўринишлари юзага келишининг олдини олиш, бунинг учун «цеховик», «фирмач»ларга қарши маъмурий ва жинойий жазоларни, иқтисодий санкциялар тизимини (тадбиркорнинг даромади ва жамиятга етказган зарарини инобатга олиб) кучайтиришни кўзда тутиш.

2. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида гайриқонуний операцияларнинг ташаббус-



корлари ва ташкилотчиларига қарши қаратилган чора-тадбирлар:

- ноқонуний фойда олиш, бойиш мақсадида тузилган монополияларга қарши курашиш, монополияга қарши қонунлар самарасини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини монополистик тузилмаларни барбод этишга жалб қилиш;

- товарлар ва хизматларга белгиланган нархларни назорат қилиш, янги маҳсулот ишлаб чиқарилаётганда унинг нархини оширишга йўл қўймаслик;

- бозор ҳужалиги шаклланишининг асосларини бузувчи иқтисодий соҳадаги қузбўямачиликка қарши курашиш.

3. Турли қуринишдаги сохталикларга (сохта индустрияга) асосланган бизнесга қарши қаратилган чора-тадбирлар:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қалбаки пул ишлаб чиқаришга қарши курашини кучайтириш;

- бозор муносабатлари қонунларига асосланган нормал валюта бозорини яратиш, миллий валюта қадрини ошириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий қилиш;

- қимматбаҳо қоғозларни қалбакилаштиришга қарши курашиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш;

- санъат асарларини қалбакилаштиришнинг олдини олиш, аукционларда махсус, ихтисослашган магазинларда назоратни кучайтириш, очиқ, ошкора савдотиқни йўлга қўйиш.

4. Одамларнинг бузуқ, ғайриахлоқий эҳтиёжларини қондирадиган бизнес соҳасидаги (наркобизнес, қимор ўйинлари, порнография ва бошқалар) жиноятчиликка қарши фаол кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш:

- гиёҳвандлик моддаларини ишлаб чиқиш, сотиш, тарқатиш учун жавобгарликни кучайтириш, гиёҳвандлик

моддаларини тарқатиш билан шуғулланадиганларга нисбатан моддий санкцияларни кенг қўллаш;

- наркобизнес юзага келишининг моддий ва бошқа шартшароитларини аниқлаш, гиёҳванд усимликлар экилган майдонларни топиш, уларни йўқ қилиш чораларни куриш;

- тегишли ҳуқуқий ва моддий санкциялар (бу борада Ғарб мамлакатлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда) ёрдамида уйинлар бизнеси устидан қатъий назорат ўрнатиш. Бундан қўзланган асосий мақсад даромадларнинг хуфёна иқтисодиётга ўтиб кетиши ва фирибгарликларнинг олдини олишдир;

- порнобизнес билан шуғулланувчилар устидан қатъий давлат назорати ўрнатиш, бу фаолият билан шуғулланувчилар, бундай маҳсулотларни тарқатувчиларга белгиланадиган ҳуқуқий ва моддий санкцияларни кучайтириш.

5. Молия соҳасида фирибгарлик билан шуғулланувчиларга қарши кураш чора-тадбирлари:

- умум эътироф этган жаҳон стандартлари даража-сидаги ҳуқуқий, молиявий, бухгалтерияга оид норматив ҳужжатларни яратиш (бу борада Ҳамдўстлик мамлакатларида катта ишлар амалга оширилди).

- молия соҳасидаги бизнес криминаллашувининг олдини олиш ва бундай хатти-ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини молия, солиқ органлари, аудиторлик ташкилотлари билан (шу жумладан, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти билан) мувофиқлаштириш;

- молия-банк соҳасидаги фаолиятни назорат қилиш учун Ғарб мамлакатларида мавжуд андазалар асосида махсус иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил ўтказувчи хизматларни ташкил қилиш.

Бугунги кунда қўлаб мамлакатлар иқтисодиётининг криминаллашув даражаси бизнес соҳасидаги хуфёна жа-

раёнларни енгиб ўтиш буйича мақсадга йўналтирилган фаолиятни муаммоли қилиб қўймоқда. Бундай ҳолат юзага келишининг сабаби нафақат криминал ва давлат ҳокимиятидаги баъзи элементларнинг қаршилигида эмас, балки ҳали ғайриқонуний ишларга қўл урмаган хўжалик субъектларининг хуфёна ишларга мойиллигидадир. Янги иқтисодий тизим юзага келиши шароитида иқтисодий-ҳуқуқий тартиботни тиклаш буйича илгари тупланган тажрибадан тула фойдаланиш лозим. Умум-ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминламай туриб, тадбиркорлик фаолиятидаги криминаллашувга бўлган мойилликни енгиб бўлмайди. Шу билан бирга, иқтисоддаги криминал вазиятга бевосита таъсир этувчи тегишли чора-тадбирларсиз мамлакат миқёсида умумий барқарорликка эришиб бўлмайди.

Давлатнинг хуфёна иқтисодиётга таъсир ўтказиш борасидаги шундай чора-тадбирларидан бири хуфёна даромадларни легаллаштиришдир. У хуфёна тадбиркорликни зарарсизлантириш буйича чора-тадбирлар тизимида ҳал қилувчи урин тутади. Таъкидланганидек, хуфёна иқтисодиёт кўпқиралли ва уни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг Жиноят кодекслари моддаларида кўрсатилган жавобгарликка мос келадиган фаолиятлар билан шуғулланадиган шахслар, яъни гиёҳвандлик моддалари, қуроллар билан савдо-сотиқ қилувчилар, рэкетчилар ва бошқалар киради. Маълум даражада бу гуруҳга ҳокимият ва бошқарув тизимининг коррупциялашган вакиллари ҳам киради. Хуфёна (криминал) иқтисодиётнинг бу гуруҳини ташкил этувчилар миқёси қандай булиши жамиятда ҳуқуқий норматив базанинг ривожланиш даражаси, ҳар қандай бугиндаги ҳокимият ва бошқарув тузилмаларига нисбатан қонун устунлиги билан белгиланади.

Хуфёна иқтисодиётнинг иккинчи гуруҳига муайян вазиятлар таъсирида ҳуқуқий макон чегарасидан четда қолган бўлса-да, гайриқонуний бўлмаган фаолият билан шуғулланувчилар киради. Бу фаолиятни хуфёна тадбиркорлар, хужалик юритувчи субъектлар, яъни тижоратчилар, молиячилар, саноатчилар ва аграр соҳа вакиллари, кичик ва урта бизнес соҳасидагилар (айниқса, яқин ва узоқ хорижга қатнайдиган «челнок» тижорати билан шуғулланувчилар) амалга оширадилар. Бу гуруҳга мансуб субъектлар очиқ, легал бизнес билан шуғулландилар ҳамда келгусида «урта мулкдорлар синфи»га асос соладилар.

Бу гуруҳ тадбиркорларнинг хуфёна иш тутишларига меъёр чегараларидан чиқиб кетган даромад солиқлари, тўловлар, юқори бож йиғимлари сабаб бўлади. Бу мазкур тадбиркорларни олган фойдаларининг 70–80 фоиздан ҳам ортиғини беришга мажбур қилади.

Ривожланган мамлакатларда фойданинг 30–35 фоизи миқдоридан солиқ, тўлов ва йиғимларни тўлаш энг мақбул ҳисобланади. Юқори солиқ, бож ва бошқа тўловлар шароитида хужалик субъектлари олдида уч йўналишда иш тутиш имконияти қолади:

а) ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш)ни тўхтатиш, тадбиркорлик фаолиятини тугатиш, сармояларни хорижга олиб чиқиб кетиш;

б) солиқ ва бошқа тўловлар тўлашда имтиёзлар, квоталар (албатта, бепул эмас) олиш имкониятларини қидириш, коррупциялашган шахслар билан тил топишиш ва криминал йўлга утиб олиш; в) солиқ тўлашдан бўйин товлаш, нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш, хуфёна иқтисодиёт томонга утиб кетиш.

Эътироф этилган уч йўналишдан иккитаси хуфёна иқтисодиёт мазмунига мос ҳамда улар маълум босқичда бир-бирлари билан рўпара келадилар. Уларни умумий манфаат (юқори даромад олиш ҳамда уни тақсимлаш) ва уни амалга ошириш шакллари боғлайди: масалан, сармояларни, аҳоли жамғармаларини хорижга олиб

чиқиш, уларни валютага алмаштириш ва «сандиқ», «ёс-тиқ»ларда сақлаш.

Шу билан бирга, бу икки йуналиш уртасида муҳим фарқлар ҳам бор.

Биринчи фарқ шундан иборатки, криминал тузилмалар асосан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш соҳаларида мавжуд. Даромаднинг бир қисмини «узлаштириб олиш» асосида ноиқтисодий усул ётади, бу усул хуфёна тадбиркорларни (нафақат уларни) то буюртма билан одам улдиришгача олиб борадиган ишлар билан боғлиқ.

Хуфёна хўжалик юритувчилар аввал бошданоқ ўзлари яратган даромад эгалари ҳисобланадилар ва юқорида қайд этилган сабаблар туфайли мажбур бўлиб, ўз даромад (фойда)ларини ҳуқуқий нормалар таъсири остидан чиқариш йул-йуриқларини қидирадилар.

Иккинчи фарқ — хуфёналашган биринчи гуруҳдагиларга иқтисоддаги мавжуд хуфёна иқтисодиётнинг доимий кўпайишига сабаб бўлувчи шарт-шароит, ундаги камчиликлар, ҳокимият ишидаги номутаносибликлар кўл келади, улар бундай ҳолатдан «самарали» фойдаланадилар. Бугунги кунда мазкур элементлар турли мамлакатларда 30 дан 90 фоизгача корхона, фирма, ташкилот ва муассасалар фаолиятини назорат қиладилар. Уларда криминал даромадларнинг аксарият қисми яратилади.

Хуфёна тадбиркорлар ўз даромадларини қонуний йўллар билан легаллаштиришдан манфаатдордирлар ва бунга бир қатор шароитлар сабаб бўлади:

- биринчидан, хуфёна иқтисодиётнинг ресурс имконияти аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилаши мумкин;

- иккинчидан, кўп миқдордаги инвестицияларсиз иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқиб бўлмайди, чунки ишлаб чиқариш суръатлари капитал қўйилмалар ҳажмига қараганда тезроқ пасаяди. Масалан, Ўзбекистонда sanoatдаги камайиш суръатлари 17—19 фоизни ташкил қилганда барча манбадаги капитал қўйилмалар ҳажми

26–28 фоизгача камайган. Россия Федерациясида 1998 йил саноат ишлаб чиқариши тахминан 4–5 фоизга, капитал маблағлар эса 15–17 фоизга қисқарган. Яна шуни таъкидлаш лозимки, хуфёна иқтисодиётнинг жуда катта ресурслари хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишига «ҳисса қўшмоқда».

Якка тартибда хорижга қатнайдиغان савдогарлар ҳам Туркия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистонда янги иш жойларини яратишга уз «ҳиссалари»ни қўшмоқдалар. Италиялик мутахассисларнинг фикрича, Россия Федерациясининг «челноклари» маълум шароитлар яратилганда, уз мамлакатаида кичик ва урта бизнесни капитал маблағлар билан тула таъминлаши мумкин экан;

• учинчидан, маълумки, куч ишлатиш усули билан («ҳарбий коммунизм» сиёсати амалга оширилган даврни эсланг) маблағларни олиш мумкин эмас. «Янги иқтисодий сиёсат» юритилган давр мобайнида хуфёна капиталлар иқтисодий мантиққа мос солиқ сиёсати ёрдамида легаллаштирилган эди (истеъмолчини тайёр маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган ишлаб чиқаришда хусусий тадбиркордан олиндиган солиқ ўша даврда 25 фоизни ташкил қилган, бу эса шундай тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш фаолигини оширган эди). Коллективлаштириш хусусидаги қарорнинг қабул қилиниши хусусий ишлаб чиқаришдан олиндиган солиқлар дастлаб 30 фоиз ва 20 йиллар охири 30-йиллар бошида – 90 фоизгача ўсишига олиб келди, натижада капитал маблағларнинг қолган қисми, сармояларнинг аксарияти яширин муомалага ўтиб кетишга мажбур бўлди.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ҳамда жинойтларга қарши курашиш мақсадида хуфёна тадбиркорлар фаолиятини легаллаштириш куйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутати:

1) солиқ ҳуқуқи нормалари билан боғлиқ бизнесни амалга ошириш қулай бўлиши учун давлат сиёсатининг солиқ, хусусийлаштириш, ташқи иқтисодий ва бошқа

йуналишларида молия ва солиқ ҳуқуқи нормаларини узгартириш ва бу ҳаракатларга олдини олиш тусини бериш зарур;

2) криминал элементлар ҳамда хуфёна тадбиркорлар капитали ўртасидаги фарқни ажратиш лозим. Умуман иқтисодий жиноятчилик, коррупция, хўжалик ҳамда солиқ қонунчилигида, бутун ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қулаш фаолиятида бу фарқларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир;

3) мамлакат, шу жумладан, хорижда яшайдиган тадбиркорлар, фаолияти ва бу фаолиятнинг кафолатларига янгича ёндашиш талаб этилади. Уларнинг капиталларини мамлакатга қайтариш ҳамда инвестиция ресурсига айтантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4) ҳуқуқий макон чегарасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан ижтимоий назоратни кучайтириш, солиқ ҳуқуқбузарликлари, жиноятлари хусусидаги маълумотларни давлат ва унинг мутассади органлари, нодавлат ташкилотлари билиши ҳамда баҳолашини таъминлаш;

5) аҳолини турли қуринишдаги молиявий фирибгарликлардан, аҳоли жамғармалари, сармоялари ва умуман хусусий мулк институтларини самарали ҳимоя қилишни ташкил қилиш орқалигина ҳокимият ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаши мумкин.

Хуфёна сармояларни легаллаштириш маъмурий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий усулларнинг уйғунлигида амалга оширилади ва бу борада легаллаштиришга таъсир этувчи қўйидаги чора-тадбирларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- легаллаштириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш. Уларга солиқ тўланадиган базани қисқартириш. (масалан, ЯИМнинг 25–30 фоизи миқдоригача); солиқ қарздорлигини реконструкция қилиш (қайта ишлаш, энгил ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги кичик ва ўрта бизнесга нисбатан); ишлаб чиқаришни кенгайтириш,

янги иш жойларини яратиш учун фойдаланиладиган фойдани солиқ таъсиридан чиқариш; солиқ тўловларининг аксарият қисмини ишлаб чиқариш соҳасидан шахсий истеъмол соҳасига, хусусий шахсларга ўтказиш;

- капиталлар хуфёна тадбиркорликка кириб кетишининг олдини олиш мақсадида жаҳон амалиёти билан уйғун ҳолда фуқароларнинг даромад ва харажат декларацияларини қўллаш. Бу хўжалик юритиш ҳуқуқини белгилайдиган ҳуқуқий нормаларда олдиндан бўладиган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, хорижга кетган капиталларнинг амнистиясини қилиш ва мамлакатга қайтариш дастурларини қўллаш билан бирга амалга оширилиши керак. Акс ҳолда, декларациялардан фойдаланиш фақат хуфёна иқтисодиёт куламлирининг кенгайтишига олиб келади.

Даромадлар ҳақида декларацияларни шахсий истеъмол соҳасида қўллаш, ишлаб чиқариш ва муомала соҳаларида эса бирон-бир мақсад учун йўналтирилган маблағларнинг легаллигини тасдиқловчи ҳужжатларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Акция олиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, озиқ-овқат ва энгил саноатга инвестициялар киритиш даромадлар ҳақидаги декларацияни топширмасдан амалга оширилишини белгилаб қўйиш тўғри бўлади. Бу чора-тадбирлар қайд қилинган соҳаларга кўплаб маблағлар кириб келишини, хуфёна иқтисодиётнинг ҳуқуқий майдонга чиқишига кумаклашади;

- хорижий мамлакатларда яшаётган, ўша ерларда ўз маблағларини жойлаштирган ҳамюртларимизга нисбатан муайян бир сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Баъзи мамлакатларда, хусусан, Россияда хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш бўйича нафақат сиёсий, балки иқтисодий ёрдамлар бериш кўзда тутилган. Россия ҳукумат дастурида (1996 йил 17 майда қабул қилинган) буюртмаларни хориждаги руслар ишлайдиган корхоналарга жойлаштириш, зарурият туғилганда бундай корхоналарни ўша мамлакатнинг ташқи қарзларини



тулаш учун Россияга бериш чоралари кузда тутилган. МДХ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам хуфёна тадбиркорларнинг капиталлари ғайриқонуний равишда хорижга олиб чиқилиши ва у ерларда жойлаштирилишининг олдини олишга қаратилган дастур ишлаб чиқилишига зарурият туғилмоқда. Бу ерда эътибор қаратиладиган ҳолат шундан иборатки, ўз маблағларини хорижга олиб чиққан Ўзбекистонлик тадбиркорларга ўз юртларида иш юритишлари учун аниқ белгиланган имтиёзлар, қулайликлар, кафолатларни белгилловчи ҳуқуқий нормалар борлигини тушунтириш лозим. Хорижда хуфёна ишлаётган ҳамюртларимизни, биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, иккинчидан, криминал тизимларнинг тазйиклари доимо чўчитиб, «ушлаб» туради.

Ҳозирда хуфёна тадбиркорлик фаолиятини, хуфёна капитални легаллаштириш муаммосидан кўз юмиш жуда ҳам хавфли. Ҳуқуқий ва иқтисодий йўналишдаги барча илмий ва амалий ходимлар, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштирокида хуфёна даромадларни легаллаштириш дастурини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш вақти келди. Хуфёна иқтисодиётни легаллаштиришнинг самарадорлиги жамиятда барқарорлик, тотувлик, ҳокимият органларига ишончни мустақкамлашни таъминлаш буйича жамоавий пойдевор мавжудлигига боғлиқ.

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ХУФЁНА ТАДБИРКОРЛИК

Тадбиркорлик фаолияти миллий хужаликни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Унинг шаклланиши, ривожланиши ва амалга оширилишининг асосий шарти бир неча муҳим элементлардан ташкил топган.

Шахсий манфаатдорлик тадбиркорликни ҳаракатга келтирувчи мотив сифатида бозор хужалиги субъектлари фаолиятини йуналтирувчи «қузга қуринмайдиган қул» булиб юзага чиқади. Шунинг учун ҳам қулга киритилган натижаларни ўзлаштириш даромадларни кирим қилиш, жамғариш тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

Бозор тадбиркорлик фаолиятини рўёбга чиқарадиган майдон сифатида моҳиятан тадбиркорликнинг функционал хусусиятини амалга оширишга имконият туғдиради. Бозор институтлари қанчалик ривожланган ва етуклик даражаси юқори булса, тадбиркор ўз фаолиятида шунча кам тусиқлар билан туқнашади ва ўз имкониятларининг тулиқ очилишига эришади. Аксинча, бозор хужалигининг ривожланмаганлиги имкониятлар доирасини торайтиради, тадбиркорларни бозор муносабатлари камчиликларидан фойдаланиб, ғайриқонуний йуллар билан қўшимча даромад олишга ундаш билан тадбиркорлик фаолиятининг йуналишларини бузиб қурсатади.

Рақобат бозор бошқарувини таъминловчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Моҳиятига қура, рақобат шахсий манфаатни амалга ошириш чегараларини белгилашнинг иқтисодий қуролидир. Бозор хужалигининг ўзига хос томони шундаки, иқтисодий эркинликни талаб қилиш куп ҳолларда ўзгалар эркинлигини чеклаш

билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам хўжалик юритишда энг яхши натижаларга эришиш учун беллашув тадбиркорлик учун ўта қулай шароитларни яратиш омилидир. Рақобат асосида иқтисодий ҳокимлик тарқоқлигини таъминлаш, бунинг учун тадбиркорлик фаолиятининг рақобатдошлигини қўллаб-қувватлаш, ҳаддан зиёд иқтисодий ҳокимликнинг бир шахс қўлида жамланишига йўл қўймаслик, монополлашув мойиллигига қаршилик кўрсатиш ётади.

Бозор иқтисодиётида давлатнинг ўрни жуда муҳимдир. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, давлат тадбиркорлик фаолиятини нормал амалга оширишга муайян даражада таъҳид солувчи ҳамдир. Энг муҳим муаммо давлат аралашувининг муқобил восита ва шакллари ни танлаш ҳамда бу аралашувнинг зарур тармоқларини топишдадир. Бозор муносабатлари ишламаётган, бозорнинг камчилиги мавжуд ҳолларда давлатнинг аралашуви заруратга айланади. Бозорга хос ахборотнинг асимметрияси, шаксиз давлат аралашувини тақозо этади, аммо бу аралашув норматив бошқарув шаклида амалга оширилади. Тулиқ ривожланмаган бозор муносабатларида давлатнинг кенг қўламдаги аралашуви талаб этилади ва бу аралашув солиқлар ва субсидиялар ёрдамида бошқариш кўринишида бўлади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўпгина, хусусан, иқтисодий тартибдаги (иқтисодни индустриаллаштириш даражаси, иқтисодий фаоллик даражаси) ҳамда миллий ўзига хослик (давлатнинг жамиятдаги анъанавий ўрни, ижтимоий менталитет) омилларига боғлиқ. У ёки бу омилни қабул қилишни аниқ билиш мумкин эмас. Давлатнинг хўжалик ҳаётига аралашуви иқтисодий самарадорликни таъминлашга хизмат қилсагина ўзини оқлайди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳолатда давлатнинг аралашуви чекланган бўлиши лозим.

Тадбиркор ўз фаолиятининг турли томонларига доимий таъсир этувчи ҳар хил омиллар таъсири остида бўлади.

Тадбиркорлик омиллари — булар тадбиркорлик функцияларининг амалга оширилишини белгиловчи имкониятлардир.

Тадбиркорликнинг ташқи — тадбиркор атрофидаги муҳит хусусиятини белгиловчи ва ички — тузилишининг ўзига хослигидан келиб чиқувчи омиллари фарқланади.

Ташқи омилларга тадбиркор фаолиятининг муайян шароитларини детерминловчи қўйидагилар киради:

**Табий-демографик омиллар** — (иқлим шароити ва ер сифати, хом ашё базаси, аҳолининг сони, уларнинг жинсий тузилиши ва шу кабилар) — корхоналарнинг тармоқлар бўйича ихтисосланганлиги ва уларнинг жойлашиши, харажатлар даражаси ҳамда ишчи кучидан фойдаланиш имкониятларини аниқлайди.

**Ижтимоий-маданий омиллар** — аҳолининг маънавий-ахлоқий нормалари, диний қарашлари, маълумоти даражаси — эҳтиёжнинг шаклланиши ва шу каби омиллар, талабнинг ўзига хослиги, тадбиркорликни ташкил этиш ва унинг этикасига, тадбиркорликнинг ўзига бўлган муносабатга таъсир этади.

**Технологик омиллар** — (мамлакатнинг индустриал ривожланиш даражаси, фан-техника тараққиёти технологияларнинг мавжудлиги ва уларнинг қўлланилиши ва шу кабилар) — нафақат ишлаб чиқариш хусусияти ва шаклини, балки тадбиркорлик фаолиятининг усулларни ҳам белгилайди.

**Иқтисодий омиллар** — бозор механизмнинг ривожланганлик даражаси, ялпи талабнинг ҳажми, рақобат курашининг даражаси, пул тизимининг барқарорлиги, аҳоли даромадлари ва уларни тақсимлаш хусусияти, жамғармаларнинг даражаси, солиқ сиёсати ва шу кабилар — чекланган ресурслар тақсимланишининг шарт-

шароитини ва тадбиркорлик фаоллигининг даражасини белгилайди.

**Тузилмавий омиллар** — банк тизими ва суғурта ишининг ривожланиши, таъминот ва реализация каналларининг ривожланганлиги, бозор воситачиларининг (маслаҳат, юридик хизмат, реклама, транспорт ва бошқа агентликларнинг) мавжудлиги, алоқа воситаларининг тараққиёти ва ахборот билан таъминланганлик — тадбиркорлик фаолияти имкониятларини кенгайтира бориб, товар айирбошлаш операцияларининг интенсивлигига сабаб бўлади ва уларнинг фаоллиги даражасини белгилайди.

**Ҳуқуқий омиллар** — тадбиркорлик ҳуқуқининг ривожланиш даражаси ~~ҳўжалик агентлари ўртасидаги~~ узаро муносабатларнинг тартибга солинганлиги, тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги, улар фаолиятининг кафолатланганлиги — нафақат тадбиркорлик фаолиятига замин бўлади, балки унинг фаоллик даражасини ҳам белгилайди.

**Сиёсий омиллар** — сиёсий институтларнинг барқарор фаолият кўрсатиши, жамият ва давлат ўртасидаги узаро муносабатларнинг хусусияти, бошқариш усуллари ва қарорларнинг қабул қилиниши — тадбиркорликнинг ижтимоий йўналганлиги, унинг жамиятга интеграцияланиши ҳамда унинг ғоясини белгилайди.

Тадбиркорликнинг ички омиллари қуйидагиларда ўз аксини топган:

- биринчидан, бозор муносабатлари агентларининг ҳужалик юритишга асоси даражасини белгиловчи мулкӣ муносабатларнинг ривожланганлиги; ҳужалик операцияларини амалга оширишни белгиловчи мулк эгасининг аниқ ҳуқуқларини белгилаш, мулкнинг турли шакллариининг ривожланиши; мулк муносабатларини демократлаштириш;

- иккинчидан, тадбиркорнинг ўз функцияларини амалга оширишининг мазмуни ва шаклларига таъсир

этувчи хужаликнинг ички булим ва булинмалари тузилишининг узига хос томони киради.

Жамиятда хужалик субъектларининг ривожланиши жараёнида уларга таъсир этувчи омилларнинг таъсирчанлик даражаси узгариб туриши мумкин. Ундан ташқари, баъзи омиллар уз таъсир кучини йуқотиши ва, аксинча, олдин кузатилмаган янги омиллар урни келиши мумкин. Утиш даври тадбиркорликка таъсир этувчи омиллар роли ва аҳамиятини тубдан узгартириб юбориши мумкин.

Шунинг учун ҳам тадбиркорликнинг икки функциясини фарқлаш лозим. Давлат аралашувининг тартибга солинганлиги тадбиркорлик фаолиятини ҳамда бу фаолиятнинг фаоллик даражасини белгилайди.

Тадбиркорлик фаолиятини белгиловчи ички омилларга:

- биринчидан, мулкый муносабатларнинг ривожланганлиги, хусусий мулкнинг кафолатланганлиги, мулк эгасининг аниқ белгиланган ҳуқуқлари мавжудлиги, капитал (маблағ)ларининг оборотини, ҳаракатини таъминловчи ривожланган мулк қуринишлари, мулкый муносабатларнинг демократлашганлиги каби омиллар киради;

- иккинчидан, хужалик ячейкаларининг ички тузуми (ташқилотлаштирилганлиги, бир-бирига боғлиқ тузилмаларнинг алоҳидалиги, ташқилотни бошқаришнинг шакли ва хусусияти)нинг алоҳидалиги билан боғлиқ омиллар киради.

Хужалик жараёнининг ривожланиши билан ҳар қандай омилнинг таъсири ва ўрни узгариб боради. Бу табиий ҳолат, албатта. Бир омилнинг таъсири кучайса, иккинчисининг таъсири йуқолиши, ёки сусайиши, янги омилларнинг юзага келиши мумкин. Утиш даврининг шарт-шароитлари тадбиркорликка таъсир этувчи омилларнинг ўрни ва аҳамиятини, шунингдек, уларнинг узаро боғлиқлигини тубдан узгартириб юборади.

Шунинг учун ҳам тадбиркорлик функциясининг икки гуруҳини алоҳида фарқлаш лозим. Улардан бири тадбиркорнинг ўзи фаолият курсатаётган муҳит шароитига мослашиш борасидаги жорий функцияларни ва уларнинг ўзгаришига таъсирчанлик қобилиятини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан тадбиркорлик функцияси бошқариш фаолиятининг бир куриниши сифатида намоён бўлади.

Молия ва ишлаб чиқаришни, кадрларни, моддий бойликларни ва маҳсулотни сотишни бошқариш-булар тадбиркор ҳал қиладиган муҳим функциялардир.

Шаклан ва моҳиятига қўра, бошқариш билан боғлиқ бўлган тадбиркорликнинг бу вазифалари бир қатор ўзига хосликларга эга.

Молиявий ресурсларни бошқариш, сиртдан қараганда, пул маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш билангина боғлиқдай туюлади. Аслида, бу функцияларнинг мазмуни анча чуқурдир. Молиявий ресурсларни бошқаришнинг бош функцияси — энг кам таваккалчилик асосида максимал фойда олишдир. Бу функцияни бажариш мобайнида тадбиркор, бир томондан, жалб қилинган молиявий ресурсларнинг нархини минималлаштиради, иккинчи томондан, инвестицион маблағлардан самарали фойдаланиш ҳисобига, улардан олинадиган фойдани максималлаштиришга ҳаракат қилади. Бу, ўз навбатида, корхона активларининг ўсиши ва барқарор молиявий ҳолатнинг юзага келишини таъминлайди.

Моддий-техник таъминот функцияси улар захирасини минималлаштириш ҳисобига амалга оширилади. Бу функцияни амалга оширишнинг энг мураккаб томони — бозор конъюктурасининг олдиндан башорат қилиб бўлмаслигидадир. Шунинг учун ҳам тадбиркор моддий-техник таъминотнинг бозор ва нобозор шаклларини боғлиқ ҳолда қўшиб олиб бориши лозим.

Ишлаб чиқаришни бошқариш куп жиҳатдан унинг техник ва технологик томонлари билан боғлиқ бўлиб, кам харажат сарф этиб, куп маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

Замонавий тадбиркорлик тизимида кадрларни бошқариш уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан узвий боғланган. Бир томондан, инсон омилининг аҳамияти ортиб бориши меҳнат ресурсларининг сифатини ўстириш устида ғамхўрлик қилишни талаб қилади ҳамда улар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришга тамоман янгича ёндошишни тақозо этади. Иккинчи томондан, тадбиркорлик функцияларининг тубдан табақаланиши ҳамда бўлиниши муҳим муаммони, яъни уларни бир йўналишга жалб қилиш, улар фаолиятини умумлаштиришга олиб келади. Бозор шароитида кадрларни бошқариш масаласи стратегик аҳамиятга эга бўлиб, тадбиркор фаолиятининг муҳим функцияси унинг ютуғини белгиловчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

Юқори рақобат кураши мавжуд бўлган, истеъмолчи манфаати ишлаб чиқарувчиникидан устун турадиган бозорда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишни бошқариш муҳим ўрин тутаяди. Бу фаолиятнинг самарасини сотиш, қадоқлаш, реклама, хатто товарнинг сифати эмас, балки истеъмолчининг талабини аниқлаш белгилайди.

Тадбиркорлик функцияларининг иккинчи гуруҳини хужалик фаолиятига таъсир этувчи ва муайян оқибатларни юзага келтирувчи функциялар ташкил қилади.

Шу нуқтаи назардан тадбиркорликнинг функцияларидан бири бозор мувозанатини ўрнатишдир. Фойда олиш имкониятидан фойдаланиш мақсадида тадбиркор ишлаб чиқариш ҳисобига таклиф ҳажмини купайтиради. Бойликларни бир бозордан иккинчисига утказиш йули билан мувозанатга эришилади. Иккинчи томондан, тал-



биркор қушимча ресурсларни жалб қилиш ҳисобида ишлаб чиқаришни купайтириб, уларни самарали жойлаштиришга имкон туғдиради ва шу билан ресурслар бозорида барқарор шароитни юзага келтиради.

Тадбиркорнинг узгартириш функцияси. Бозорда юзага келган ҳолатни инновацион фаолият воситасида ўзига фойдали томонга йуналтириш орқали тадбиркор нафақат янги бойликлар ва технологияни яратади, балки бозорда юзага келган муҳитни ўзгартиради, янги бозорларни, рақобат курашининг янги шаклларини юзага келтиради. Шундай қилиб, тадбиркор тадбиркорлик фаолиятининг фаол субъекти сифатида узгартириш функциясини адо этади. Тадбиркорнинг, бир томондан, бозор мувозанатини урнатиш функцияси билан, иккинчи томондан, бу мувозанатни бузиши уртасида зиддият йуқ. Чунки тадбиркорлик фаолиятининг функцияси турғун эмас, балки узгарувчан мувозанатни урнатишга қаратилган.

*Ижтимоий функциялар.* Тадбиркорлик фаолияти бир қатор ижтимоий функцияларни бажариш билан ҳам боғлиқ. Хўжалик юритиш соҳасида сезиларли натижаларга эришиш тадбиркорни ишлаб чиқарилаётган бойликларнинг ассортиментини узгартириш ва купайтириш, уларга янги истеъмол хусусиятларини бериш каби масалаларни ҳал этишга ундайди. Натижада, истеъмолчиларнинг маҳсулотларни танлаш имкониятини кенгайтиради, улар турмуш тарзининг усишига имкон туғилади. Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш эса технологияни такомиллаштиришга, атроф муҳитни химоя қилиш, экологик муаммоларни ҳал этишга имкон туғдиради.

Шундай қилиб, тадбиркорнинг фаолияти (тадбиркорлик) фуқаролар ва улар уюшмаларининг ташаббускорлигига асосланган ҳолда амалга оширилган мустақил фаолият булиб, фойда олишга йуналтирилгандир. Бу фаолият таваккалчилик, мулкый жавобгарлик асосида

корхонанинг белгиланган ташкилий-ҳуқуқий кўриниши доирасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари—республика фуқаролари ва хорижий мамлакат фуқаролари ҳамда фуқаролар уюшмаларидир. Фуқаролар давлат рўйхатидан утгандан сунг тадбиркорлик мақомини оладилар. Рўйхатдан утмасдан тадбиркорлик билан шуғулланиш ман этилади, баъзи ҳолларда жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

Тадбиркор бозор ҳужалигининг энг муҳим, асосий фаолият кўрсатувчисидир. Тадбиркорлик фаолиятининг асосида тадбиркорда мавжуд булган ресурслардан (пул, моддий бойлик, меҳнат ва ҳ.к.) унумли фойдаланиш ётади. Тадбиркор мулк эгаси, менежер (бошқарувчи)дан муайян фарқ қилади. Тадбиркорнинг ҳуқуқий мавқеи, фойдани тақсимлашда қатнашуви, фаолиятининг кафолатланиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини моддалари билан тартибга солинади. Хусусан, корхона тузиш, унинг фаолияти учун зарур мол-мулк сотиб олиш; барча турдаги ҳужалик субъектларига моддий, молиявий, меҳнат, ахборот ва табиат ресурсларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқини бериш; мулк шаклидан қатъи назар, барча корхоналарга бир текис имкон яратиш; ноқонуний хатти-ҳаракатлардан корхоналар мулкани ҳимоя қилиш; тадбиркорлик соҳасини белгиланган доираларда мустақил танлаш; алоҳида корхоналарнинг бозордаги монопол мавқега эришишига йўл қўймаслик, виждонсиз рақобат курашининг олдини олиш.

Тадбиркорлик — юқори меҳнат унумига эришишга рағбатлантирувчи, жамиятнинг ижтимоий талабларини қондиришга қаратилган фаолиятдир. Тадбиркорликнинг ривожланиши у ёки бу мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси ва, энг аввало, иқтисодда хусусий соҳанинг эркин ривожланиши билан белгиланади. Тадбиркорлик фаолияти қонунларнинг фаол ишлашини, молия-кредит ва валюта сиёсати, инвестиция,

солиққа тортиш, тузилмавий узгаришлар, бозор инфраструктурасининг шаклланиши ва ривожланиши (биржалар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, аудиторлик фирмалари ва бошқалар)ни тақозо қилади. Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий қўринишидан қатъи назар, тадбиркорликка баҳо беришда дунё амалиётида қабул қилинган ва қўлланиб келинаётган мезонлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишбилармон одамлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишларида купгина қийинчиликларга дуч келадилар. Буларнинг ҳаммаси рўйхатдан утказишнинг мураккаблиги, банкларда ҳисоб варағини очишнинг серташвишлиги билан боғлиқдир. Бюрократик тусқинлар купгина тадбиркорларнинг криминал иқтисодий муносабатларга киришига сабабкор бўлиб келмоқдалар. Буларга яна бюрократик рэкетни ҳам қушиш мумкин. Охир оқибатда, бизнес билан шуғулланувчилар куп мураккаб муаммоларни ечишларига туғри келади. Бундай ҳолатлар уларни криминал муносабатларга орқа қилишга, коррупциялашган, жиноий элементларга қушилиб қолишларига олиб келади. Акс ҳолда, тадбиркор тазиқ остида уз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлиб қолади.

Хуфёна (криминал) фаолиятнинг иқтисодий-ижтимоий салбий оқибатлари расмий иқтисодиётдан муайян ресурсларнинг узлаштирилиши натижасида инвестициялар ҳамда оборот воситалари ҳажмининг камайишида яққол намоён бўлади. Бунинг оқибатида ишлаб чиқариш суръатлари пасаяди, бюджетга тушадиган солиқ ва бошқа мажбурий туловларнинг ҳажми камаяди, иш ҳақи ва нафақаларни тулаш уз вақтида амалга оширилмайди, аҳолининг турмуш даражаси пасаяди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Россия Феде-

рациясида хуфёна иқтисодиётнинг ҳажми 90 – 110 млрд АҚШ доллари миқдорида баҳоланади<sup>1</sup>.

Жамоатчиликнинг хуфёна иқтисодиётнинг даромадларига салбий муносабати давлатнинг иқтисодиёт соҳасининг хавфсизлигини таъминлаш масаласига эътибор қаратишни, қонунчиликни ҳимоя этишни талаб қилади. Бу эса юридик ва жисмоний шахсларнинг хужалик ва молиявий фаолияти устидан маъмурий ҳамда молиявий назорат чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Хуфёна фаолият учун, албатта, жазо чоралари курилиши шарт.

Маъмурий-буйруқбозлик даврида шаклланган иқтисодиётдаги хуфёна муносабатлар бозорга утиш даврида ҳам мавжудлигича қолмоқда. Уларнинг куринишлари ва тузилиши муайян узгаришларга учради. Сиёсий барқарорликнинг сусайиши, иқтисоддаги инқирозий ҳолатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланаётган иқтисодий жиноятлар сонининг нисбатан камайиши криминал хусусиятга эга бўлган хуфёна бизнеснинг барқ уриб ўсишига сабабчи бўлди. Жиноий статистика сиёсий ҳолат мураккаблашган, миллатлараро низолар кучайган, миллатчилик ҳаракати авж олган, умумий жиноятчилик ўсган шароитда иқтисодий жиноятларнинг камайишини таъкидлайди.

Хуфёна тадбиркорлик мураккаб, зиддиятли воқеликдир. У жамиятдаги ижтимоий ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатлар тизими ва такрор ишлаб чиқаришнинг барча циклларига тулиқ алоқадордир.

Уларга жамият томонидан назорат қилинмайдиган моддий-товар бойликларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш, давлат бошқарув органларидан яширилган давлат ва нодавлат мулкани ғайриқонуний йуллар билан шахсий ва гуруҳий манфатлар йулида фойдаланиш борасидаги ижтимоий-

---

<sup>1</sup> Труд-7. 2002. 10 янв.

иқтисодий муносабатлар, иқтисодий фаолиятнинг норматив ҳужжатларда ва турли қоидаларда белгиланмаган ҳужалик юритишнинг турлари билан шуғулланиш ва бошқалар киради. Хуфёна тадбиркорлик асосида салбий, жиноий хатти-ҳаракат ётади, шу билан бирга, хуфёна иқтисодиёт — муайян ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хуфёна тадбиркорлик иқтисодиётга иккиёқлама таъсир кўрсатади.

Биринчидан, у цивилизациянинг, бозорнинг қонунларига бўйсунмайди ва шу нуқтаи назардан унинг ривожланиши йўлида кучли тўсиқ сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан, хуфёна бизнес ишбилармонлари ўз капитал маблағларини муомалага жалб қилиб, жамиятнинг бозор муносабатларига тезкор ўтишига имкон туғдирадилар. Хуфёна иқтисодиётнинг таҳлил қилинган бу кўринишлари хуфёна тадбиркорлик фаолиятининг муайян эҳтиёжларидан келиб чиқади ҳамда жамиятдан яширилган фойдани ўзлаштиришга йўлланган. Таъкидлаш лозимки, хуфёна бизнеснинг фойдаси нафақат бу фаолият билан туғридан-туғри шуғулланувчиларга, балки ҳокимиятнинг турли поғоналарида коррупциялашган лавозимдаги шахслар, жиноий тузилмалар вакилларининг ҳам даромадларига айланиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодга, давлат бюджетига, инсонларнинг турмуш тарзига, ижтимоий муносабатларга салбий таъсир этади, жамиятнинг маънавий, мафкуравий ва ахлоқий асосларини емиради.

Хуфёна иқтисодиётни юзага келтирувчи хуфёна тадбиркорлик барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимларда мавжуддир. Афсус-надомат билан тан олиш керакки, охириги йилларда Ўзбекистонда хуфёна тадбиркорлик фаоллашиб бормоқда ва бу воқеликни нафақат бозор муносабатларининг шаклланиши, балки олдинги тизимдан мерос қолган ўта марказлашган бошқарув тизими таъсирининг сусайиши ҳамда самарали бозор ме-

ханизмининг устивор ҳолатни эгалламаганлиги билан ҳам таърифлаш мумкин. Хуфёна бизнеснинг кўлами, тузилиши, хавфи мамлакат иқтисодий ривожининг ўзига хослиги, шаклланаётган ҳужалик механизми, мулк-ий муносабатларнинг ривожланганлиги ва бошқалар билан узвий боғланган. Утган давр мобайнида хуфёна иқтисодиётнинг мавжуд турлари ўзгарди, янги қўринишлари ёки ўта яширинган турлари юзага чиқа бошлади. Йилдан-йилга хуфёна бизнеснинг бузғунчилик хусусияти купроқ намоён булди, иқтисодий ва миллий хавфсизликка таҳдид сола бошлади.

Юқорида кўриб чиқилганларни хуфёна бизнеснинг ноқриминал турига киритиш мумкин. Ҳозирда товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг кўпгина турлари, хусусан, хуфёна қўрилиш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, хусусий киракашлик, тиббий ва педагогик фаолият, репититорлик, уй-жойни ижарага бериш ва бошқалар нолегал меҳнатдан чиқиб, расмийлаштирил-моқда. Бундай ҳолатнинг юзага келишига тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши, молиявий назоратнинг кучайиши, янги жиноят, маъмурий, фуқаролик ва бош-қа кодексларнинг қабул қилиниши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, хусусан, солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментларига кенг ҳуқуқларнинг берилиши сабаб бўлмоқда. Муайян даражада сохта ва норасмий муносабатлар кўлами нодавлат тузилмалар-нинг ривожланиши билан қисқариб бормоқда. Қўшиб ёзишлар, ҳисоботни бузиб кўрсатишлар, сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш хара-жатларининг камайиб бориш ҳолатлари кузатилмоқда.

Хуфёна бизнеснинг тузилишида қриминал иқтисодий муносабатлар алоҳида ўрин тутлади. Қриминал бизнес — жиноий жавобгарликка тортиладиган, фойда олиш мақсадида моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишдир. Бозор

муносабатларига утиш даврида ҳуқуқбузарликларнинг турлари кўпайди, «қора» (хуфёна) иқтисодиёт соҳалари кенгайди. Хуфёна тадбиркорликнинг криминал муносабатлари иқтисодий жиноятларнинг барча қуринишларини, шу жумладан, қасддан содир этилган ва, айниқса, уюшган жиноятларни ҳам уз ичига олади. Порахўрлик, товламачилик ва бошқалар кенг тарқалиб, расмий иқтисодий муносабатларнинг барча томонларини қамраб олиб, легал бизнесни нолегал томонга айлантириб юборади.

МДХ мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятининг ҳолати шундайки, унда бирон-бир ҳаракат, масаланинг ечими порасиз, «бер-берсиз» амалга ошмайди. Иқтисодий муносабатларнинг вертикал бўйича боғлиқлигида порохўрлик кенг тарқалган воқеликка айланиб бормоқда. Лавозимдаги шахсларнинг «рэкети» ҳам кенг тарқалмоқда, пора берувчи ва уни олувчилар тузилмасининг ўзгариши кузатилмоқда. Горизонтал бўйича хуфёна иқтисодий тадбиркорликнинг шакли сифатида намоён бўлаётган жинорий рэкет юзага келди ва кенг тарқалмоқда. Ундан ташқари турли янги «хизмат»лар, хусусан, рақиблардан, бошқа рэкетчилардан ҳимоя қилиш, иқтисодий маконларни қуриқлаш, янгиларини эгаллашга ёрдам бериш, куч, қўрқитув йули билан қарзларни ундириш каби фаолият билан шуғулланадиганлар ўзларининг тизимларини юзага келтирдилар.

Давлат ва нодавлат мулкни уғирлашнинг тузилиши ўзгарди. Бу ҳуқуқбузарликнинг анъанавий шакллари, биринчи навбатда, давлат мулкни тасарруф этиш ва хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ янги ғайриқонуний хатти-ҳаракат билан бойиди.

Лавозимдаги шахслар, туралар турли йуллар билан давлат мулкнинг ҳокимият вакиллари, хуфёна бизнесменлар, директорлар корпуси ва криминал тузилмалар қўлига утишига кенг имконият туғдирдилар ва катта

миқдордаги мулкка эга бўдилар. Ҳозирда эгалланган мулкни қайта тақсимлаш жараёни кетяпти.

Янги ҳужалик тузилмаларининг юзага келиши кўпгина ҳолларда хуфёна капиталларни қонуний юзага келган иқтисодий тузилмалар иштирокида легаллаштириш йўли билан боғлиқ бўлмоқда. Бир томондан, фирма, корхоналар, тадбиркорлар ўртасидаги норасмий иқтисодий муносабатлар ва, иккинчи томондан, уларнинг банклар билан муносабатлари кўп ҳолларда криминал тусга эга бўлиб бормоқда. Масалан, тижорат банклари имтиёзли шартлар бўйича кредитни расмийлаштиришади, бунда номинал (ҳуқуқий) ҳамда фактик (хуфёна) фоизлар ўртасидаги фарқ банк таъсисчилари ва тадбиркор ўртасида тақсимланади, фоизлар ҳисоботларда кўрсатилмайди ва бу суммадан солиқ туланмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини, олинган даромадни солиқдан яшириш норасмий, хуфёна криминал иқтисодий муносабатларнинг энг кўп тарқалган турига айланиб бормоқда. Қонунчилик томонидан хуфёна бизнес турларини легаллаштириш катта самара бермади, сабаби, бу чоралар катта-катта даромадларни олиш имконини йўқ қиларди. Бундай ҳолат мураккаб ҳамда ута «қаттиқ» солиқ тизими сақлангунча мавжуд бўлиб қолаверади. Криминал йўналишдаги ҳамда криминал ўтмишга эга бўлган тадбиркорлар даромадини легаллаштириш амалий мумкин эмас: улар ўз одатларини, турмуш тарзларини, фикрлашларини, эскича иш тутишларини ўзгартирмайдилар. Ҳужалик субъектларининг узини тутишдаги криминал ҳолатлар қонунга итоаткор бошқа тадбиркорларга ҳам «юқиб», уларни криминал нормалар бўйича иш тутишга ундайди. Бундай ҳолатларда ўзгача кўринишларда иш тутишга тўғри келади. Энг аввало, иқтисодий, аниқроғи, иқтисодий-ҳуқуқий таъсир чораларини куриш мақсадга мувофиқдир.



Хуфёна бизнеснинг ўзга кўринишларининг ҳам тузилмаси ўзгариб бормоқда. Гиёҳвандлик авж олмоқда, секин-асталик билан яна қимор ўйинлари тикланмоқда, фоҳишабозликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари юзага келмоқда, қўшмачилик авж олмоқда, фуқароларнинг шахсий мулкани ўзлаштириш (масалан, хусусийлаштирилган квартиралар эгасини йўқ қилиб, ҳужжатларини сотиш орқали) фаоллашмоқда.

Криминал бизнеснинг олдин номаълум булган кўринишлари, хусусан, одамларни гаровга олиш (ва, айниқса, киднеп)нинг кўпайиши ва уларни озод қилиш учун катта миқдорда пул талаб қилиш, қизларни ўғирлаб, мамлакатдаги ва хориждаги бузуқхоналарга пуллаш ва шу қабила юзага келди.

Юқорида қайд этилган криминал тадбиркорликлар хуфёна иқтисодиётда йилдан-йилга кўпайиб ҳал қилувчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу қайд этилган жиноятлар қаторига валюта ва қимматли қоғозлар, сохта пул ишлаб чиқариш, сохта акционерлик жамиятини тузиш, ғайриқонуний банк операцияларини ўтказиш, халқаро даражадаги фирибгарлик ва бошқа бир қатор жиноятларни киритиш мумкин. Бу масаланинг яна бир муҳим томони меҳнат бозори ва ундаги спекулятив бизнес кенг тарқалиб, жамият хавфсизлигига таҳдид соладиган даражага етиб келди.

Йилдан-йилга кўп тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар давлат назоратидан қочиб, у билан ҳужалик субъекти сифатида иқтисодий муносабатга кирмасдан, яширин фаолиятга, «сояга» ўтиб олмоқдалар. Хуфёна тадбиркорлик аҳолининг муайян гуруҳлари манфаатини кузлаб ўз сафига миллион-миллион инсонларни жалб қилиб, яширин бизнесмеларни янада бойитиб бормоқда.

Хуфёна бизнеснинг натижасини сўнгги йилларда иқтисодий жиноятларнинг кўпайишида кўриш мумкин.

Жамиятда хуфёна молиявий капиталнинг ҳоқими-ятдаги, коррупциялашган лавозимдаги, жиноят ола-

мидаги вакиллари катта кучга эга бўлдиларки, улар уз қанотлари остига МДХ мамлакатлари аҳолисининг та-лай қисмини ва жуда катта ҳажмидаги даромадларни йиғдилар ва йиғмоқдалар.

Уюшган жиноятчилик иқтисодиётнинг турли тармоқ-ларига фаол таъсир кўрсатмоқда, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига кириб бормоқда. У уз қўлига крими-нал соҳалар (гиёҳванд моддалар, порнография, тамаки ва алкоголь бизнеси, автомобилларни, қуроолларни со-тиш, қалбаки пулларни яшаш, фоҳишабозлик, валюта контрабандаси, қарзларни ундириш буюртмали қотиллик, «рэкет» ва бошқалар)ни олиб, тўхтовсиз ра-вишда хужаликлар бошқарувининг криминал кўриниш-ларини такомиллаштириб бормоқда. Улар жумласига террор. лавозимдаги шахсларни сотиб олиш, шантаж, қўрқитиш ва бошқалар киради. Уюшган жиноятчилик интеллектуал мулк соҳаларига ҳам кириб бормоқда ва унинг натижаларини (компьютер дастурларини, аудио-видео маҳсулотларни ва шу кабиларни) узлаштириш оқибатида катта даромадларга эга бўлмоқда.

Уюшган жиноятчиларнинг алоҳида эътибори хом ашё соҳалари (олтин, қимматбаҳо тошлар, рангли ва нодир металлар, нефть маҳсулотлари, балиқ овлаш ва бошқалар)га қаратилган. Экспертларнинг фикрича, Рос-сия Федерациясида кейинги йилларда 20 тонна олтин узлаштирилган. 1996 йили бу мамлакатда жинойий обо-ротдан 41 тонна ноёб балиқ икраси ва 800 тонна балиқ мусодара қилинган.

Хуфёна тадбиркорларнинг халқаро муносабатлари ҳам кенгайиб бормоқда. Улар мамлакат иқтисодиётида, ҳокимият тузилмаларида уз мавқеини кучайтириб, турли босқичдаги ҳокимият тузилмаларига тазйиқ ўтказмоқдалар. Россиянинг баъзи ҳудудларида ҳокимият мафия қўлига ўтиб бормоқда, дейилган тахмин туғри бўлиб чиқмоқда.

Молиявий ахволини мустаҳкам қилган хуфёна капитал ўз мавқеини янада яхшилаш мақсадида «жиноят оламининг» вакилларини ўзларига ҳимоячи сифатида расмийлаштирмоқдалар. Давлат органлари, ҳокимиятлар ҳам ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) орқали хуфёна тадбиркорликка, унинг юқори даромадлар олишига қулай шароит яратмоқдалар. Улар бойлик ва ҳокимиятга бўлган йўлни очиб бормоқдалар ва бу хизматлари эвазига миллион-миллион мукофот олмоқдалар.

Давлат аппаратидаги ходимларнинг криминаллашуви охир-оқибатда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «...давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади»<sup>1</sup>.

Коррупция амалдорларнинг давлат манфаатини «соштиш» орқали бойишга йўл очиб беради. МДХ мамлакатларининг купчилигида (Россия Федерацияси, Украина ва бошқалар) ҳокимиятнинг кўпгина қатламлари коррупция домига тушиб қолганлар. Мамлакатни ислоҳ қилишда у ерда амалга оширилаётган ўзгаришларни юзага келтириш расмий равишда мулкни коррупция орқали ҳокимият алмаштиришнинг бир элементига айланиб қолди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг емирилиши хуфёна жараёнларнинг ўсишига, энг аввало, иқтисодий жиноятларнинг купайишига, назорат органларининг нейтраллашувига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг турли йўналишларининг издан чиқишига олиб келди.

Шундай қилиб, хуфёна бизнес ҳозирда шаклланган криминал тузилмалар ва коррупция домига илинган амалдорлар бирлашган бир бугун тизимдек намоён

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — 91-б.

булмақда. Хуфёна молиявий капитал жиноий элементларни ўзига бўйсундириб, ҳокимиятдаги амалдорларни ўз томонига тортиб, уюшган жиноий гуруҳларни юзага келтирди. Бу кучларнинг бир-бири билан қўшилиши мамлакатларнинг ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеликларни белгиловчи, баъзида ҳал қилувчи ўзига хос криминал иқтисодий муносабат тизимига айланди.

Бундай шароитларда криминал капиталнинг кучини сезган давлат қўпгина ҳолларда у билан ҳисоблашишга, унинг манфаатларини эътиборга олишга мажбурдир. Фикримизнинг тасдиғи сифатида баъзи мамлакатларда мавжуд банк капиталининг раҳнамолари билан булган келишувларни айтиб ўтиш мумкин. Бу келишувларда банкларнинг кам таъминланган аҳоли қатламларини ҳимоя қилиш мақсадидаги баъзи тутган йўллари ўзгартириш масалалари куриб чиқилган.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати мамлакатнинг хужалик ҳаётини мустаҳкамлашга, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга, ижтимоий адолат мезонларини ўрнатишга қаратилган бўлиши лозим. Ҳукуматнинг қарорлари очиқ ҳолда ёки муайян яширин ҳолда мамлакат миллий бойлигини хуфёна тизимлар, хуфёна бизнес раҳбарлари фойдасига тақсимланишга имкон бермаслиги лозим. Ана шундагина бу воқеликнинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги қиёфаси ва мазмуни ўзгара бошлайди, хуфёна бизнес чекина боради.

## «ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК» ТУШУНЧАСИ, САБАБЛАРИ

Ҳуқуқбузарликларнинг юридик белгилари бизнинг ҳамда ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳуқуқшунослик фанларида етарлича ўрганилган. Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарлик деганда шахсга, мулкка, давлатга ёки жамиятга зарар етказадиган ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф айбли қилмиш тушунилади.

Ушбу таъриф ҳуқуқбузарликнинг қуйидаги муҳим белгиларидан келиб чиқади:

- 1) субъектнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракати;
- 2) ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига етган зарарнинг мавжудлиги;
- 3) биринчи ва иккинчи хусусиятлар ўртасидаги сабабий боғланишликнинг мавжудлиги;
- 4) ҳуқуқбузарнинг айби борлиги.

Ҳуқуқбузарлик жамият учун хавфли хусусиятга эга. Унинг бу хусусияти ҳуқуқбузарлик шахсга, давлатга, мулкка, жамиятга объектив зиён етказиши ёки етказиш хавфини туғдириши мумкинлигини билдиради. Ҳозиргача илмий адабиётларда ҳуқуқбузарлик ижтимоий хавфлими ёки фақат жиноят шундай хавф туғдирадими деган мавзуда баҳслар тўхтагани йўқ. Бизнинг фикримизча, истисносиз барча ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлидир, акс ҳолда, қонунчилик томонидан ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жазо чораларини изоҳлаш мумкин бўлмасди.

Ҳуқуқбузарлик ғайри ҳуқуққий хусусиятга эга. Ҳуқуқбузарлик ҳуқуққа қарши қаратилган, юридик нормаларда кўрсатилган қоидаларни бузган қилмиш бўлиб, ҳар қандай шахс томонидан эмас, балки ўз хатти-ҳаракатига ҳисоб бера оладиган, бу хатти-ҳаракатни

бошқара оладиган шахс томонидан содир этилади. Ақли норасо (ёки лаёқатсиз) шахслар содир этган ҳаракат ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.

Ҳуқуқбузарлик — фикрлаш тарзи эмас, балки хулқ-атвордир. Хулқ-атвор ғайриҳуқуқий ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликда намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарлик — айбли қилмиш. Агар шахснинг хатти-ҳаракатида айб бўлмаса, гарчи, шаклан бу ҳаракат амалдаги ҳуқуқ-тартиботга зид келса ҳам, у ҳуқуқбузарлик деб аталмайди.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар турли-тумандир. Шунга қарамай, уларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: жиноятлар ва қилмишлар. Ҳуқуқбузарликнинг оғир қуриниши жиноятдир. Қилмиш - жиноятларга хос даражада ижтимоий хавфли бўлмаган, бошқарув, меҳнат, мулк ва ўзга муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликдир.

Ҳуқуқбузарлик — ҳуқуқ доирасидаги хулқ-атворнинг антиподи.

Ҳужалик ҳуқуқида жавобгарлик асосини ҳужалик ҳуқуқбузарлиги ташкил қилади.

Ҳужалик ҳуқуқбузарлиги деганда ҳужалик юритувчи субъектларга, иқтисодиёт соҳасидаги бутун ҳуқуқ-тартиботга зарар етказувчи айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш тушунилади.

Ҳужалик ҳуқуқбузарлигининг таркиби - уни ташкил этувчи элементлар мажмуидир. Ҳуқуқбузарлик узининг барча элементларига эга бўлгандагина юридик жавобгарлик учун асос бўла олади. Ҳужалик ҳуқуқбузарлиги таркибининг элементларига қуйидагилар киради: хатти-ҳаракатнинг ғайриҳуқуқийлиги, зарарнинг мавжудлиги, ғайриҳуқуқий хулқ-атвор (зарар мавжуд булмаганда) ва унинг зарар келтирувчи натижалари (зарар етказилганда) уртасидаги сабабий боғланиш).

Ушбу элементларни кенгроқ кўриб чиқамиз.

Хатти-ҳаракат ҳуқуқ нормалари ва уларга асосланган ҳуқуқ муносабатлари (бу муносабат иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқлари)нинг бузилишини билдиради.

Ғайриҳуқуқийлик, яъни қилмишнинг қонун томонидан тақиқланганлиги уч хил ифодаланади. Биринчидан, бевосита тақиқлар билан, иккинчидан, билвосита тақиқлар билан. Бунда ҳуқуқ нормасида ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат аниқ белгиланади ва уни содир этганлик учун жавобгарлик урнатилади. Бу шуни англатадики, таърифланган ёки айтиб утилган хатти-ҳаракат қонун билан тақиқланган. Учинчидан, ҳуқуқ нормасида ижобий, ҳуқуқий хатти-ҳаракатни ифодалаш орқали. Бундай ҳолатда аксинча бўлган хатти-ҳаракат номаъқул ва шунинг учун тақиқланган ҳисобланади.

Хужалик муносабатларида ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат, кўпинча ҳаракатсизлик шаклида бўлади.

Мажбурият юқловчи ҳуқуқий муносабатларда субъектнинг тегишли хатти-ҳаракат меъёри шартномада ёки ваколатли орган томонидан белгиланган узаро алоқа тартибида ёхуд ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар шаклидаги боғлиқликни белгиловчи ва уларга субъектив ҳуқуқ ва шу ҳуқуқ орқали берилувчи юридик мажбуриятларни белгилайдиган қонун томонидан урнатилади.

Шартнома хусусиятига эга бўлмаган ҳуқуқий муносабатларда ғайриҳуқуқийлик қонунчилик томонидан урнатилган тадбиркорлик муомаласини, хужалик юриши қоидаларини бузишда ифодаланади.

Зарарларнинг мавжудлиги. Зарарлар хужалик ҳуқуқ-бузарлигининг бир элементи сифатида намоён бўлади. Зарар жабр кўрган томонга қуйидагилар орқали етказилган бўлиши мумкин:

- мулкка шикаст етиши ёки унинг йуқ қилиниши;
- бунинг оқибатида харажатлар юзага келиши;
- мажбуриятларни бажармаслик оқибатида фойдадан куруқ қолиш.

Зарарнинг таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасида келтирилган бўлиб, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим булган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин булган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган булса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда туланишини талаб қилишга ҳақли»<sup>1</sup>.

Хужалик ҳуқуқида зарар мураккаб институт бўлиб, Фуқаролик кодексиди белгиланган мулкый жавобгарлик билан тула мос тушмайди.

Хужалик ҳуқуқбузарлиги таркибининг яна бир элементи зарарлар ва гайриҳуқуқий хатти-ҳаракат уртасиди сабабий боғланиш, яъни ҳодисалар уртасиди шундай боғлиқликки, бунда улардан бири зарурят тариқасиди иккинчисини келтириб чиқаради. Ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш учун ҳар бир ҳуқуқбузарлик факти бўйича у содир этган хатти-ҳаракат ва келтирилган зарар уртасиди сабабий боғлиқлик манжудлигини аниқлаш лозим. Бошқача айтганда, етказилган зарар гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг бевосита натижаси (оқибати) бўлиши керак.

Хужалик ҳуқуқбузарлигида гайриҳуқуқий хатти-ҳаракат ва зарарли натижалар уртасиди узаро боғлиқлик кўпинча кўзга яққол ташланмайди. Бундай ҳолатларни хужалик юритиш борасиди муносабатларнинг реал мураккаблиги билан тушунтириш мум-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. — Т.: Адолат, 1996. — 11-б.



кин. Кўпинча суз катта ҳажмли турли номдаги (номенклатурадаги) товарлар, хизматлар, ишлар хусусида кетади. Бу борада муҳим иш ғайриқонуний хатти-ҳаракат вақт нуқтаи назаридан зарарли натижадан олдин амалга оширилганлигини аниқлашдир. Агар бундай ҳолат аниқланмаса, демак улар уртасида сабабий боғланиш йуқ ҳисобланади.

Хужалик ҳуқуқбузарлигининг яна бир элементи-тадбиркорнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатда (зарарлар мавжуд булмаганда), шунингдек, тадбиркорнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракати ва унинг зарарли натижаларида (зарарлар мавжуд булганда) айби мавжудлиги.

Хужалик ҳуқуқбузарлигида жавобгарликнинг асоси бўлган айб тўғрисидаги масала хужалик ҳуқуқиди назариясида турлича ҳал қилинади.

Айб-хужалик фаолияти субъектининг қонунни (шартномада унга асосланиб уз зиммасига олган мажбуриятларини) бузишига руҳий муносабатидир. Айб қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида булиши мумкин. Айбнинг шакллари жавобгарликни белгилаш жараёнида ҳисобга олинади. Бундай ҳолларда айбнинг шаклларини тўғри аниқлаш ўта муҳим функция бўлиб юзага чиқади. Лекин ҳуқуқбузарликнинг иқтисодий табиатини, моҳиятини аниқлашдай мураккаб ва асосий аҳамиятга эга булган муаммода умум эътироф этган ёндашув йуқ.

Ушбу асарда асосий эътибор турли куринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг иқтисодий хусусиятига қаратилган, бундан мақсад, уларнинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишни ташкилий томондан самарали амалга ошириш учун уларнинг юзага келиш сабабларининг «поғонама-поғона»лиги хусусида аниқ тасаввурга эга булиш зарур. Хужалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг иқтисодий сабабларининг хусусияти қуйидагиларни белгилайди.

**Биринчидан**, бозор муносабатларига утиш даврида жиноятчиликнинг иқтисодий сабабларини ишлаб чиқариш кучларининг ривожланмаганлиги ташкил қилади. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари тараққиётини белгилайди. Зеро, ушбу омил жиноятчиликка бевосита ёки билвосита таъсир этади. Уларнинг асосий йўналишлари: а) жамият аъзоларининг талаб ва эҳтиёжлари (бу ерда маданиятли шахснинг онгли, реал талаб ва эҳтиёжлари назарда тутиляпти) ҳамда бу талаб ва эҳтиёжларни легал кондира олиш имкониятини берувчи моддий бойликлар ишлаб чиқариш даражаси ўртасидаги зиддиятларнинг юзага келиши; б) ҳозирда ҳам баъзи касблар сақланиб қолганки, улар ўз хусусияти ва мазмунига кўра, кун кечириш воситасидан маънавий эҳтиёж воситасига ўтишга кумаклашмайди ва бу билан индивидда жамиятга қарши хусусиятлар шаклланишини енгиллаштиради; в) шахснинг ҳар томонлама, баркамол ривожланиши учун зарур имкониятларнинг камайиши (буш вақт камайиши ҳисобига); г) аҳолининг маданий, маънавий даражасини ошириш учун ажратиш мумкин бўлган моддий ресурслар ва инсон захираларининг чекланганлиги.

Умуман олганда, ўтиш даври шароитларида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси бевосита ёки билвосита, куп ёки кам даражада ҳуқуқбузарликнинг барча қолган омиллариининг мажмуини белгилайди.

**Иккинчидан**, ўтиш даврида ҳуқуқбузарликнинг иқтисодий табиатини мулк шакллариининг турли-туманлиги туфайли юзага келадиган зиддиятлар белгилайди. Шу билан бирга, турли мулк шакллариининг мавжудлиги объектив заруриятдир. Зиддиятлар эса «бизники» ҳамда «меники» тушунчалариининг бузиб талқин қилиниши, давлат мулкининг «ҳеч кимники» деб

талқин қилиниши, ҳаётга нисбатан истеъмолчи нуқтан назаридан ёндашиш каби қуринишларда юзага келади.

*Учинчидан*, давлат томонидан белгиланган молия-ҳуқуқ нормаларининг мукамал эмаслиги ва бунинг оқибатида давлатга, корхона ва фирмаларга моддий зиён етиши ҳуқуқбузарликнинг иқтисодий сабабларидан бири ҳисобланади. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўлмиш давлат, хужалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар бюджет, солиқ, кредит, пул муомаласи, валюта операцияларида иштирок этадилар ва қонунчиликдаги номутаносибликлардан фойдаланадилар. Бироқ хужалик юритувчи субъект мослашган товар ишлаб чиқарувчи бўлиб, унинг мақсади — фойда олиш ҳар доим ҳам давлат манфаати билан мос келавермайди бу эса, уз навбатида, молия муносабатларида криминоген омилларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

*Туртинчидан*, пул-кредит муносабатларидаги номутаносибликлар, хусусан, бозор муносабатларига ўтишда нақд пул операцияларининг юзага келиши ҳам ҳуқуқбузарликнинг иқтисодий сабаби сифатида юзага чиқди. Ушбу жиноий бойишнинг моҳияти нақдсиз пулларни муайян мукофот эвазига (нақд пулнинг 10–15 фоизи миқдоридан) иқтисоднинг турли соҳаларидан тижорат тузилмаларига нақд пулга айлантириб узлаштириш ташкил қилади. Нақд пулларни узлаштиришдан дастлаб кооперативлар ташкил топганда кенг фойдаланилган. Бундай операцияларнинг олдини олиш борасида ҳукумат томонидан тегишли чоралар қурилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қискартириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарори билан нақд пул маблағларининг муомаласи қаттиқ назорат остига олинди.

Бу борада Россия Федерацияси ҳукумати ҳам бир қатор қарорлар қабул қилган. Жумладан: «Россия Феде-

рациясида юридик шахслар ўртасида нақд пул билан хисоб-китоб қилиш ҳажмини белгилаш тўғрисида»ги Россия Федерацияси Министрлар Кенгашининг 1993 йил 30 июндаги 620-сонли, 1994 йил 17 ноябрдаги 1258-сонли, 1995 йил 18 сентябрдаги 191-сонли қарорларини келтириш мумкин. Бу борада мамлакат марказий банкининг тегишли қарори ҳам мавжуд.

Лекин шунга қарамасдан, Россияда, хусусан, Москва шаҳрида ушбу даромад «манбаи» уртача 60 трлн рублни ташкил қилган (баъзи тадбиркорлик тузилмалари кунига 25 млрд рублни нақд пулга айлантирган ҳоллар ҳам учраган).

Пул маблағларини сохта авизо ёрдамида бундай оммавий ўзлаштириш инфляция жараёнига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган ҳолатдир. Экспертларнинг фикрича, нақд пулга айлантириш жараёнининг пул-кредит тизимига таъсири мутахассислар томонидан кам ўрганилган, лекин, фирибгарлик билан ўзлаштирилаётган пул маблағларининг 20 – 30 фоизини ташкил қилади. Тақиқловчи молия-ҳуқуқ нормалари молия муносабатлари субъектларини бундай ҳаракатларга йўл қўймасликка, молия интизомини бузмасликка чорлайди, холос. Катта миқдордаги нақд пул операциялари молия ҳуқуқбузарлиги, деб тан олинади. Юқорида келтирилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизми, афсуски, ҳали тула ишлаб чиқилмаган.

*Бешинчидан*, ўтиш даврида ҳуқуқбузарликларнинг иқтисодий сабабларидан яна бири (хўжалик юритиш фаолиятида янги юзага келгани) солиқ қонунчилигидаги, даромад (фойда)ни ва солиқ солишининг бошқа объектларини яширишни юзага келтирувчи муайян камчиликлардир. Солиқлар—бюджетга ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондларига тушадиган пул тўловларидир. Улар қонун билан белгиланган тартибда ва миқдорда олинади.

Давлат ўзига юклатилган функцияларни амалга оширишда тегишли моддий-техник базани яратиш учун солиқлар белгилайди. Солиқларнинг асосий функцияси - фискал, давлат хазинаси билан боғлиқ булиб, ҳар доим ҳам солиқ туловчиларнинг мақсад функциясига мос келавермайди, натижада солиқ ҳуқуқбузарлигининг юзага келишига сабаб булади.

Солиқ туловчининг бир қатор мажбуриятлари ичида энг муҳими -- солиқларни ўз вақтида ва тула ҳажмда тулаб боришдир. Бошқа мажбуриятлари давлат органларининг даромадлар ва бошқа солиқ объектларини камайтириб курсатиш, яширишнинг олдини олиш ва аниқлаш каби фаолияти билан боғлиқдир.

~~Хужалик амалиётида солиқ туловларини минималлаштиришга қаратилган ҳуқуқбузарликлар кўп учраб туради. Ўзбекистон Республикасида 2001 йилда солиқ туловлари бўйича қарздорлик 21 млрд сумни, Россия Федерациясида (1997 йил) 60 трлн рублни ташкил қилди. Бу эса Россияда ишлаб чиқилган ЯИМнинг тахминан 1,7 фоизини ташкил қилади. Охириги икки йил мобайнида солиқ ислоҳотларини амалга ошириш натижасида Россияда (жисмоний шахсларга нисбатан 13 фоизли даромад солигининг жорий қилиниши) солиқ туловчилар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин бу чоралар ҳам солиқ ҳуқуқбузарлигини йўқота олмайди.~~

Солиқ туловчининг бундай ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракати кўпгина иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий омилларга боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам солиқ ҳуқуқбузарлигига қарши курашишда иқтисодий-ҳуқуқий таъсир усулларини комплекс тарзда олиб бориш лозим. Иқтисодий ҳуқуқбузарликларнинг бирламчи сабабларидан бўлган солиқ ҳуқуқбузарлиги солиқ қонунчилигининг такомиллашмаганлиги натижасидир. Бу қонунчиликни бузганларга, солиқ тулашдан бўйин товлаганларга, давлат олдидаги мажбуриятини бажармаган-

ларга нисбатан жиноий жавобгарликни қўллаш масаласини долзарб қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарлик кузда тутилган<sup>1</sup>. Россия Федерациясида 1996 йил 13 июнда қабул қилинган «Россия Федерациясининг Жиноят кодексини кучга киритиш тўғрисида»ги қонунда мамлакат қонунчилигида биринчи марта «солиқ жиноятлари» тушунчаси ва 198-моддадаги «Фуқаронинг солиқ тўлашдан бўйин товлаш» ҳамда 198-моддадаги «Ташкилотлардан олинадиган солиқлардан бўйин товлаш» каби жиноят таркиблари учун жиноий жавобгарлик киритилди.

Ушбу жиноятларнинг хавфлилиги шундаки, бу жиноятлар оқибатида давлатга моддий зарар етказилади, унинг ўз ваколатларини бажаришга йўлланадиган пул маблағлари камайиб кетади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда солиқ органларининг амалиёти курсатишича, фирма ва ташкилотларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаши билан боғлиқ жиноятлари кўп учраб туради. Бу жиноятлар бухгалтерия ҳужжатларига сохталаштирилган маълумотларни киритиш ва бунинг натижасида даромад ёки харажатларни, ўзга солиқ объектларини яширишда ифодаланади.

Уй ва квартиралар, транспорт воситалари ҳамда бошқа фойда бермайдиган, лекин мавжуд қонунларда солиқ солиш объекти ҳисобланувчи мулк солиқ объектлари бўлиши мумкин.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг объектив томонининг муайян белгилари, хусусан, қуйидагилар бўлиши мумкин:

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001. — 97-бет.

1) бухгалтерия ҳисоботининг турли шаклларида курсатилган корхоналарнинг молиявий натижалари (фойда) туғрисидаги маълумотларнинг бир-бирига мос келмаслиги;

2) корхоналар бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг якуний синтетик бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келмаслиги (баланс ва молиявий натижалар ҳисоб маълумотлари билан тасдиқланганда);

3) ҳисобдаги ёзувлар (бухгалтерия ҳисоби счётларининг корреспонденциялари) ва уларни тасдиқловчи дастлабки ҳужжатларнинг ҳужалик операциялари реал мазмунига мос келмаслиги;

4) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидаги ёзувлар учун ҳужжатли асосларнинг йўқлиги.

Солиқ инспекторлари ҳамда солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимларини чалғитишга қаратилган, ҳужжатлар билан амалга ошириладиган турли фирибгарликлар ҳам юзага келиши мумкин. Қайд этилган жиноятда туғридан-туғри қасд мавжуд бўлиб, бу ҳаракатни содир этган солиқ конунчилигини бузганликда айбдор мансабдор шахслар ҳам, хусусий шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 198-моддаси «Фуқароларнинг солиқ тулашдан буйин товлаши» деб номланиб, даромадлар хусусидаги мажбурий декларацияни тақдим этмаганлиги ёки даромадлар ва харажатлар декларациясига қасддан сохта маълумотлар киритганлик учун бу модда буйича жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бундай модда киритилмаган. Бу ҳақда мутахассислар уз фикрларини айтишлари лозим.

Юқорида қайд этилган жиноят объектив томонининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда солиқ тулашдан буйин товлашнинг турлари қуйидагилар билан боғлиқ.

1. Даромадлар ёки киримни яшириш орқали:

- иш бажарилганлиги ёки хизмат кўрсатилганлиги хусусидаги далолатноманинг мавжудлигига қарамай, маҳсулотларни сотишдан келган даромадларни яшириш;

- товар сотилгандан сўнг юкхати ва бошқа бухгалтерия ҳужжатларини йўқотиш ёки алмаштириш йўли билан чакана савдодан тушган даромадни яшириш;

- кредит бериш бўйича шартнома (қарз олинган маблағлар солиққа тортилмайди) тузиш йўли билан даромадларни солиқдан яшириш. Бундай ҳолатларда кредит берувчи кредитни қайтаришни талаб этмайди, кредит олган корхона эса ўз иш фаолиятини тугатади ёки маълум муддатдан сўнг кредит шартномасини йўқ қилади;

- маҳсулотларни сотиш натижасида олинган мулкый даромад ҳажмини яшириш мақсадида товар-моддий бойликларини фактурасиз жунатиш;

- ишончли шахслар орқали сотилган маҳсулотлардан келган нақд даромадни бухгалтерияда ҳисобга олмаслик;

- корхоналар ва ташкилотларга берилган кредитлардан келган фойдани бухгалтерия ҳисобларида акс эттирмаслик;

- асосий бўлмаган, лекин устав фаолияти натижасида ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотишдан келган фойдани камайтириб, уни лебиторлик қарзи сифатида акс эттириш;

- сотилган маҳсулот ҳажмини камайтириб кўрсатиш;

- хусусий шахслардан маҳсулотларни харид қилганда уларнинг сонини камайтириб кўрсатиш ёки нархини ошириб кўрсатиш.

2. Корхона фондларидан фойдаланиш орқали:

- молиявий ёрдам тариқасида корхонанинг махсус фондларига (хизмат кўрсатгани, иш бажаргани, жунатган маҳсулоти учун) маблағлар утказиш;

- турли манбалардан тушган маблағларни «иқтисодий рағбатлантириш» фондига утказиш;



- буюртмачи тәмонидан қўйилган шартларда туғридан-туғри корхона фондига маблағ сифатида утказилган маҳсулотлар, товарлар, хизматлар нархини атайлаб пасайтириш;

- таъмирлаш фондига нормадан зиёд маблағларни утказиш;

- асосий воситалар тезкор амортизациясининг нормативларини ғайриқонуний қўллаш;

- вақтинча молиявий ёрдам олиш орқали маҳсулотни сотмасдан, иш бажармасдан хизмат курсатмасдан моддий рағбатлантириш фондларини тулдириш;

### 3. Ҳисоб-китоб рақамларидан фойдаланиш орқали:

- узаро келишувлар асосида бошқа корхоналар ҳисобварақларидан фойдаланиб, молиявий операцияларни амалга ошириш;

- тижорат банкларидаги счётлардан фойдаланиб (узунинг ҳисоб-китоб рақамидан ташқарида) молиявий операциялар утказиш;

- кейинчалик солиқ тўламасдан фойдаланиш мақсадида валюта тушумларини хорижий шериклар ёки вакиллар ҳисоб-китоб рақамларига жойлаштириш;

- корхоналарнинг банкларда валюта ҳисоб-китоб рақами йўқлиги туфайли миллий пулга айлантирганда тегишли солиқ тўловларини тўламаслик;

- солиқ органларига хабар бермасдан турли банкларда ҳисоб-китоб рақамларини очиш;

- ҳисоб-китоб рақамларини беркитиш, корхона мулкнинг унинг аъзолари уртасида тақсимлаш орқали солиқ тўлашдан буйин товлаш;

- юридик шахсларнинг жисмоний шахсларнинг банкдаги ҳисоб-китоб рақамларига воситачилик хизматлари учун даромад солиғини ундирмасдан маблағлар утказиши;

- бажарилган иш (хизмат) учун маблағни корхона ҳисоб-китоб рақамига эмас, балки корхона раҳбарининг шахсий ҳисоб-китоб рақамига ўтказиши;

- хорижда сотилган маҳсулотлардан тушган даромадларни у ерда очилган шахсий еки корхона ҳисоб-китоб рақамларига «иккиламчи» шартномалар асосида ўтказиш. Бу шартномалар «легал ва расмий»ларидан фарқ қилиб, келишув буйича, белгиланган сумма хориждаги ҳисоб-китоб рақамига тушгандан сунг йўқ қилинади.

4. Харажатлар буйича амалга ошириладиган «ҳийланайранг»лар орқали;

- ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулотнинг нархига қўшилган фойда миқдорига қўпайтириш, бунда бран фактик таннархи асосида эмас, балки улгуржи нархи буйича ҳисобга олинади;

- шахсий пай асосида уй-жой қурилишида фойдаланилган материаллар қийматини маҳсулот таннархига қўшиш;

- юқори гурувчи ташкилотнинг бошқарув аппаратини сақлашга кетадиган сарфларни ишлаб чиқариш харажатларига қўшиш;

- дефект ведомости ва объектларни руйхатдан чиқариш далолатномаси йўқ булгани ҳолда, ишлаб чиқариш харажатларига автотранспорт ва бошқа техникани таъмирлаш учун ажратилган эҳтиёт қисмларни қийматини қўшиш;

- олинмаган маҳсулот учун олдиндан туланган суммани харажатларга қўшиш;

- корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан маблағ билан таъминладиган харажатларни маҳсулот таннархи харажатларига асоссиз равишда қўшган ҳолда маҳсулот таннархини ошириб курсатиш;

- хориждан келтириладиган асбоб-ускуналар, анжомлар, материаллар ва шу кабиларнинг қийматини

кейинчалик буладиган харажатларни сохталаштириш мақсадида ошириб кўрсатиш;

- меҳнатга ҳақ тулаш харажатларини ошириш.

5. Шахсий манфаатларни кўзлаб суиистеъмол қилиш воситасида амалга ошириладиган солиқ ҳуқуқ-бузарликлари орқали:

- бир вақтнинг узида хусусий корхоналар эгаси бўлган давлат корхоналари ходимларининг давлат корхоналари моддий ва пул воситаларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши;

- товар-моддий бойликларининг қийматини балансдан ташқари «маъсулият билан сақлаш учун топширилган товар-моддий бойликлари» счётида ифода-далаб, шахсий фойдаланиш учун бериб қўйиш;

- ишлаб чиқариш мақсадида ижарага олинган биноларни корхона ходимларига яшаш учун ижарага бериш;

- корхона ҳисобидан хизматчи ва ходимлар ҳаёгини қисқа муддатларга суғурта қилиш ҳамда суғурта суммасини унинг муддати тугагандан сунг уша ходимларнинг шахсий ҳисоб-китоб рақамларига ўтказиш;

- сақлаш (омбор)га қабул қилинган товар-моддий бойликларини ҳисоб журналларида тулалигича рўйхатдан ўтказмаслик.

6. Ходимлар сонини расман кўпайтириб содир этиладиган солиқ ҳуқуқбузарликлари орқали:

- нормаларда белгилангандан ортиқча иш ҳақи суммасини яшириш учун ходимлар сонини (сохта шартномалар асосида ишлайдиганлар ҳисобига) сунъий кўпайтириш;

- солиқ солишда имтиёزلардан фойдаланиш учун ногиронларни расман ишга қабул қилиш.

7. Ҳужжатларни сохталаштириб солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этиш орқали:

- сохта харид ҳужжатларидан фойдаланиш;
- молиявий ҳисоб-китоб ҳужжатларини сохталаштириш (масалан, иш бажарилганлиги хусусида сохта нарядларни тулдириш);

- тижорат операцияларини амалга оширишда сохта ҳужжатлар (топиб олинган паспортлар, юкхати ва бошқа ҳужжатларни ўзга шахсларга расмийлаштириш)дан фойдаланиш.

8. Ғайриқонуний янги тизимларни ташкил қилиб солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этиш орқали амалга ошириш:

- корхоналар базасида молия-хўжалик фаолиятини ажратмасдан янги тижорат тузилмаларини яратиш;

- конунларда кўзда тутилмаган хайрия ташкилотлари ва фондларини ташкил қилиш;

- бюджетга тушадиган қарзни туламаслик мақсадида корхоналар ишини тугатиш ва уша таъсисчилар томонидан янги, олдингисига меросхўр булмаган тузилмаларни тузиш.

9. Ғайриқонуний фаолият юритиб, солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этиш орқали:

- даромад солиғи ставкасини камайтириш мақсадида савдо-сотик фаолияти қуриниши остида воситчилик фаолияти билан шуғулланиш;

- даромад солиғини тўлашда имтиёз олиш мақсадида узининг асосий фаолиятини қурилиш ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти ниқоби остида юритиш;

- солиқ органларида рўйхатдан ўтмасдан тижорат фаолияти билан шуғулланиш;

- лицензияли тижорат фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш;

- бир минтақадаги корхоналар ишлаб чиқарган товарларни хусусий шахслар орқали муайян мукофот эвазига бошқа минтақаларда сотиш;

- акциз солиғини туламаслик мақсадида хом ашёни сотиб, кейинчалик ундан тайёрланган маҳсулотни буюртмачининг материалидан ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатида утказиш;

- корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобни лимитланган чеклар орқали амалга ошириш ва улардаги суммаларни норасмий ҳолда нақд пулга айлантириш;

- давлат корхоналарининг бошқа мулк шаклидаги корхоналар билан катта суммадаги жарималар тулаш шарти билан олдиндан келишилган ҳолда шартномалар тузиши;

- давлат корхоналарининг бошқа мулк шаклидаги ташкилотларга улар ҳеч қандай иш бажармаган ва хизмат кўрсатмаган бўлса-да, қайтармаслик шарти билан пул маблағларини утказиши;

- кўрсатилган молиявий ёрдамдан солиқ туламаслик;

- солиқ тулаш бўйича имтиёзлар мавжуд бўлган даврлардагина (икки, беш йил мобайнида) фаолият кўрсатиш.

10. Пул маблағларини қайд этиш ва сақлаш тартибини бузиб солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этиш орқали:

- товарнинг улгуржи нархини туғридан-туғри акциз ставкаси миқдorigа кўпайтириш орқали акцизни товар нархига қўшиш. Бу эса ушбу туловни камайтиришга олиб келади;

- бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун туланган, аванс туловларини солиқ туланадиган оборотга киритмаслик;

- солиқ органлари текшируви натижасида белгиланган молиявий санкцияларни корхона ихтиёрида қоладиган фойдага эмас, балки баланс фойдасига қўшиш;

- пул суммаларини корхона кассасига қабул қилмаган ҳолда молия-ҳужалик операцияларини нақд пулда

амалга ошириш; корхона кассасида пул маблағларини сақлаш қоидаларига риоя қилмаслик.

*Олтинчидан,* ҳуқуқбузарликларнинг иқтисодий сабабларидан бири ташқи иқтисодий фаолият туғрисидаги қонунчиликнинг такомиллашмаганлигидир.

Сунгги йилларда баъзи МДХ мамлакатларида солиқ туламаслик мақсадида алкоғолли маҳсулотларни «сохта экспорт» қилиш кенг тарқалмоқда. Бунинг сабаби шундаки, баъзи мамлакатларда, хусусан, Россияда хорижга экспорт қилинаётган маҳсулотларга имтиёзлар белгиланган, улар ҚҚС (қушимча қиймат солиғи) тулашдан, акциз солиғидан озод қилинади. Бундай ҳолат акциз товарлари ҳаракати устидан назорат сусайганлигидан келиб чиқади.

Бундан ташқари, бу мамлакат қонунчилиги ишлаб чиқарувчи корхоналарга товарлар хорижга реал олиб чиқиб кетилмагунича ҚҚС ва акциз солиғини экспорт товарлари қийматига киритмасликка рухсат беради. Бу эса, ўз навбатида, турли ҳуқуқбузарликларни юзага келтиради.

## ҲИСОБ-КИТОБ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР — ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

Ҳозирги даврда тулов топширикномаси ва талабно-масидан фойдаланиб, шунингдек, ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда бошқа тулов ҳужжатларини қўлаб содир этиладиган жинойтларнинг усуллари кескин купайиб бормоқда. Суд амалиёти шундан далолат бермоқдаки, ҳар бир муайян ҳолатда ~~жинойтчилар иқтисодий ҳаётдаги~~ реал ўзгаришларга тез ва «малакали» равишда мослашмоқдалар ҳамда банк қонунчилигидаги номутаносибликлар, камчиликлар каби қонун ва қонун ости ҳужжатларидаги зиддиятлардан уларининг манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланмоқдалар.

Банк тизимини ва ҳисоб-китоб тартибини қайта ташкил этишнинг дастлабки босқичларида туловлар тулов талабномасининг акцептли (дастлабки ёки кейинги) ёки акцептсиз кўринишларида амалга оширилганда, солиқ органлари пул маблағларини жинойий ушлаштириш билан кенг тўқнашадилар. Бундай ҳисоб-китобда талабнома-ларга уларнинг банкка келиб тушиши билан операция куни давомида пул туланарди. Туловчи талабномалар узининг банкка келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни давомида бу туловномаларга пул тулашдан бош тортиши мумкин. Акцептдан воз кечганлик хусусидаги ариза олинган куни воз кечилган сумма миқдори туланган талабнома асосида маҳсулот етказиб берувчининг счётидан туширилган маблағлар туловлар амалга оширилган ҳисоб счётидан учиради.

Юқорида айтилганларни инобатга олиб, шунини таъкидлаш мумкинки, жинойтчилар қалбаки фирма ту-

зиб, унинг ҳисобидаги пул маблағларини сохта шартномани рукач қилиб, товарсиз талабномалар асосида ўзлаштириб оладилар ва шундан сўнг фирмани тугатадилар. Бу суммаларни тиклаш амалий томондан мумкин эмас, чунки олувчининг ҳисоб-китоб рақамида ё пул маблағи бўлмайди ёки у иш фаолиятини тугатган бўлади.

Кейинчалик сўнгги акцепт тартибидаги талабномалар орқали ҳисоб-китоблар амалда тўхтатилди. Бунинг натижасида ўзгаларнинг пул маблағларига тажовуз қилиш камайди, лекин бошқа қуринишдаги, хусусан чек китобчаларидан фойдаланиб жиноят содир этиш ҳозирги кунда тез-тез учраб туради.

Масалан, тадбиркор пул маблағларини ўзлаштириш мақсадида корхона номидан харидор сифатида бирор ногиронлар ва боқувчисиз болаларни ижтимоий ҳимоя фонди билан олди-сотди шартномаси тузади ва уларда қатта пул маблағи йўқлигини била туриб, лимитланган китобчадаги сохта ҳисоб чеклари бўйича олдиндан пул ўтказади. Сўнг шартномани бекор қилади ва ўз ҳисоб-китоб рақамига чекда курсатилган суммани тушириб, нақд пулга айлантиришга ва ўзлаштириб олишга уринади.

Сохта лимитланган чек китобчалари банк ходимларидан тегишли рағбатлантириш эвазига қўлга киритилади. Хусусан, Россиядаги фирмалардан бири раҳбарининг ўринбосари бир банкнинг раҳбарияти билан жинойий тил бириктириб, 600 млн рубльни ифодаловчи чек китобчасини олган, аслида эса бундай сумма фирма счётида умуман бўлмаган. Чекда курсатилган суммага шартнома тузилган. Шартнома турли ҳийла-найранг билан бекор қилиниб, чекда курсатилган сумма нақд пулга айлантирилган ва ўзлаштирилиб юборилган.

Юқорида келтирилган тўлов усуллари билан бирга, ҳисоб-китоб операциялари аккредитивларнинг ўзгача



шакли бошқа шаҳардагилар билан ҳисоб-китоб қилинаётганда қўлланилади. Бунда ҳисоб-китоб тури шартномада курсатилган бўлади ёки маҳсулот етказиб берувчи санкция тартибида харидорни ҳисоб-китобнинг шу турига утказди.

Ҳисоб-китоб аккредитив шаклининг моҳияти шундан иборатки, пул туловчи уз банкига туловни товар-моддий бойликларини етказиб берувчи жойлашган жойда амалга оширишни топширади. Ҳисоб-китобнинг бундай турида қўйидагилар амалга оширилади:

1) харидор узига хизмат курсатувчи банкка аккредитив очиш хусусида ариза орқали мурожаат қилади, бунинг учун муайян бир суммани депонентга утказди;

2) харидор банки маблағларни «аккредитив» рақамида бронлаштириш йўли билан аккредитив очади, бундай ҳолатда пуллар харидорнинг ҳисоб-китоб ёки ссуда рақамидан руйхатдан чиқарилади;

3) харидорнинг банки маҳсулот етказиб берувчининг банкини аккредитив очилганлиги ва унинг шартлари хусусида хабардор қилади, бу банк эса, уз навбатида, маҳсулот етказиб берувчини бу ҳақда огоҳ этади. Харидор банкида аккредитивнинг очилиш факти маҳсулот етказиб берувчи банкининг «аккредитивлар» баланс счётида акс эттирилади; аккредитив шarti, яъни пулни тулаш шarti, одатда, товар ортилганлиги хусусида маҳсулот етказиб берувчининг ҳужжати тақдим этилишидир. Шартномада бошқа шартлар курсатилган булиши ҳам мумкин;

4) маҳсулот етказиб берувчи унга хизмат кўрсатаётган банкка шартнома шартлари бажарилганлиги хусусидаги ҳужжатни топширади, сўнг банк унинг ҳисобига унга ўтказилиши лозим бўлган суммани харидор, яъни аккредитив берувчидан олиб ўтказди;

5) етказиб берувчининг банки харидор банкига пул ўтказилганлиги хусусидаги ҳужжатларни (дебет ави-вози)ни тақдим этади;

б) харидор банки ҳужжатни олгандан сўнг «аккредитив» счётидан туловни амалга оширади ва шу билан маҳсулот етказиб берувчининг банкига берилиши керак бўлган қарзни узади.

Аккредитивларнинг ўзига хос белгиси тулов топшириқномаси ва тулов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилишда бўлганидек, харидор жойлашган манзилда эмас, балки маҳсулот етказиб берувчи жойлашган жойда амалга оширилади. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли харидорнинг муайян пул суммасини банкда олдиндан депонентлаш орқали маҳсулот етказиб берувчига туловини кафолатлайди.

Ушбу ҳисоб-китоб шакли муайян камчиликларга эга бўлгани учун кенг тарқалмади. Бу камчиликларга қуйидагилар қиради: биринчидан, юк оборотини муайян муддатларга чўзиш имконияти мавжудлиги; иккинчидан, пул туловчиларнинг ўз маблағларини аккредитивга қўйиш учун депонентлаши пул оборотини секинлаштиради ва вақтинчалик молиявий қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Ҳисоб-китобнинг кафолатланган шакли сифатида аккредитив маҳсулот етказиб берувчиларга молия интизомига риоя қилмайдиган ёки тулов қобилияти номаълум туловчилар билан ҳисоб-китоб қилганда қулай ҳисобланади.

Шу билан бирга, аккредитив туловчи учун олдиндан пул ўтказишга қараганда қулай ҳисобланади, чунки олдиндан пул ўтказишда турли товламачиликларга йўл қўйилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиёти аккредитив ҳисоб-китоби амалга ошириладиганда ҳам ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилиш ҳоллари тез-тез учраб туришини кўрсатмоқда. Аккредитивдан фойдаланиладиганда пул маҳсулот етказиб берувчининг банкига ўтказилади ва олувчи муайян шартларни бажарганда (одатда, товар ортилганлиги хусусидаги ҳужжат кўрсатилганда) пулни олиши мумкин бўлган ҳоллар ана шундай ҳуқуқбузарликларга олиб

келади. Фирибгарлар банкка товар ортилганлиги ёки аккредитивнинг бошқа шартлари хусусидаги сохта ҳужжатларни тақдим этадилар ва пулларни олиб ғойиб бўладилар.

Масалан, Россия Федерациясида «Россия» ҳисоб-китоб чекларининг амалга киритилиши билан улар ишончли ҳимоя қилинмаганлиги, чиқариш ва тақдим этишда бошқа камчиликлар мавжудлиги сабабли куплаб фирибгарлик ҳоллари руй берди. Бу чек бланкаларига ва уларни тўлдиришда зарур ҳужжатларга эга бўлган жиноятчилар уларни аслида йўқ корхона ва банкнинг қалбаки штампи ва муҳри билан тасдиқлаб, товар етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузадилар ва олинган товарларга тўлдирилган чек билан ҳисоб-китоб қиладилар. Чек сохта бўлгани учун туловчи банк курсатилган суммани утказмайди, мол етказиб берувчи товарига пул ололмайди.

Ёки бошқа бир мисол. Охиригача тўлдирилган чек банкка тақдим этилади, у чекни қабул қилади ва тегишли проводкани амалга оширади. Аммо эртаси куни жиноятчилар турли баҳоналар билан шартнома бекор қилинганлигини рукач қилиб, банкдан чекни қайтаришни талаб қиладилар. Банк бу олди-сотди бўйича муайян проводкаларни амалга оширганлиги учун олдинги сохта чек ўрнига ҳаққоний чекни ёзиб беради.

Ушбу тулов воситасининг юқори даражада жиноий-лашганлигини ҳисобга олиб, ҳозирги кунда Россия Федерациясида юқорида қайд этилган «Россия» чекини қўллаш қатъий чеклаб қўйилган.

Ҳисоб-китоб муносабатлари соҳасида юзага келадиган жиноятлар орасида кредит карточкаларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкани ғайриқонуний равишда ўзлаштириш тез-тез содир бўлиб туради. Пластик карточкалар ҳозирги даврда дунёда энг кенг тарқалган тулов воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Улар харид қилинган товарлар, бажарилган иш, курсатилган хизмат

учун узининг банкдаги ҳисобидан туловни амалга оширишга мулжалланган. Улар асосан икки кўринишда бўлади: кредит ва дебет (ҳисоб-китоб) карточкалари. Кредит карточкалари олдиндан келишилган сумма миқдориди муайян бир вақт мобайнида кредит лимитини кўзда тутди. Дебет карточкаси уни олган мижоз банкдаги ўз ҳисоб-китоб рақамига маълум миқдордаги суммани омонатга қўйишини ва келгусида шу сумма доирасида харажатларни амалга оширишини кўзда тутди.

Кредит карточкалари пластикдан тайёрланади ва маълум улчамларга эга бўлади. Ҳар бир карточканинг ўз рақами бўлади ва унда эгасининг исми шарифи, ишлатилиш муддати кўрсатилади. Карточканинг орқа томонида ўта сезгир магнит лентаси бўлиб, ундаги маълумотлар ва эгасининг шахсий имзоси махсус электрон аппарат ёрдамида ўқилади. Масалан, хорижий компаниялар (Visa, Mastercard, American Express ва бошқалар) кредит карточкаларни банкда ҳисоби бор мижозларга берадилар. Бу уларга товар, хизматлар учун карточка эгаси бўлган компания пулидан кредитга туловларни амалга ошириш имконини беради. Карточка эгаси бўлган компания кейинчалик ҳисоб-китоб пулини карточка эгаси бўлган мижозга пул тулаши учун тақдим этади. У эса, ўз навбатида, бу суммани тулайди ёки муайян асосли сабаблар мавжуд бўлса, тулашдан бўйин товлаши мумкин.

Мижознинг тулов қобилияти йўқлигида, карточка йўқотилса, ўғирланса, компания (банк)лар бундай карточкани (ҳаққоний бўлмаган карточкалар) «стоп-листлар» рўйхатига киритадилар. Ушбу рўйхат ҳудудлар (Европа, Африка, Шимолий Америка, МДҲ ва шу кабилар) бўйича тузилади.

Карточкаларнинг бундай рўйхатда бўлиши компания (банк)ларга қатта миқдорда зиён етказди. Шунинг учун ҳам баъзи ҳолларда тегишли ҳудудларга карточкаларни

киритмайдилар, балки уларни кутроқ криминал йўлда фойдаланадиган ҳудудларга булиб ёзадилар. Компания (банк) руйхатни тузиб жойлардаги агентларга ахборот учун юборади. Ушбу руйхатни олган дақиқадан бошлаб келишув бўйича масъулият ва кредит карточкасини суи-истеъмол қилиш оқибаотида юзага келган тегишли зиён уларни қабул қилган муассаса зиммасига юклатилади.

Кредит карточкалари уларни муомалага киритган компания ёхуд банк-эмитентнинг шахсий мулки бўлиб, унга (кارتочканинг олд томонига номи ёзилган ва орқа томонига имзоси қўйилган қонуний эгасига) товарларни сотиб олиш ва хизмат курсатишда ҳақ тўлаш учун фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Карточка эгаси ҳар қандай шароитда ҳам ундан фойдаланиш ҳуқуқини узга шахсга бермаслиги банк-эмитент ҳамда карточка эгаси уртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

Кредит карточкалари бўйича ҳисоб-китоб тизими қўйидаги ўзаро муносабатлар субъектларини ўз ичига олади: биринчидан, карточкалар эмиссиясини амалга оширган банк-эмитентни; иккинчидан, карточкадан фойдаланаётган мижозни; учинчидан, карточкалар бўйича хизмат курсатадиган, мижоз билан ҳисоб-китоб қиладиган субъектни (фирма, компания ва бошқалар); туртинчидан, банк билан мижозга хизмат курсатадиган субъект уртасидаги алоқани амалга оширадиган ҳисоб компаниясини.

Ўзбекистон Республикасида Марказий банкнинг, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкнинг ҳамда Асака-Банкнинг кредит карточкалари эмиссия қилинган.

Россия Федерациясида ҳам кредит карточкалари орқали хизмат курсатиш инфрагузилмаси ҳозирда яхши йўлга қўйилмаган. Шунга қарамасдан, Россия ва бошқа кўпгина хорижий мамлакатларнинг карточкалари муомалага киритилган. Россияда Visa, Mastercard,

American Express, Diner & Club ва бошқа халқаро карточкалар ҳам муомалада мавжуд. Уларни Россиянинг энг йирик банклари – Инкомбанк, Кредобанк, Мост-банк, Мосбизнесбанк ва бошқалар муомалага киритдилар.

Ушбу ва бошқа кредит карточкалари банклар билан ҳамкорлик қиладиган ҳисоб-китоб компанияларига тегишлидир. Бундай очик карточкалар муомаласининг тизими унга жаҳондаги ҳар қандай мамлакат, хусусан, Ўзбекистон ва Россия банкларида уларнинг карточкаларини сотиш имконини беради.

Россияда муомалага киритилган карточкалардан фойдаланишда суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида дебит карточкалари шаклидан фойдаланилади.

Карточкалар бозор субъектларининг барчалари учун жуда қулайдир. У банк учун маблағлар жалб қилиш, мижозларни нақд пулсиз операцияларга ўтказиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш йўлидир. Бу қулайлик мижозларга ўз мамлакатларида ва хорижда хизмат кўрсатишни осонлаштиради, кредитни автоматик равишда олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари билан биргаликда кредит пластик карточкаларни кенг муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилган. Ундан ташқари, ушбу қарорда Тошкент шаҳрида тажриба тарзида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тулашга босқичма-босқич ўтишни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда тижорат банклари зиммасига юклатилган.

Товар (иш бажариш, хизмат курсатиш)га пул туланаётганда кредит карточкалари махсус аппарат-империнтерларга киритилади. Ундаги учта счёт бланкка (слипга) тегишли реквизитлар туширилади. Слипларга кредит карточкасининг эгаси имзо чекади. Агар имзо кредит карточкасидаги намуна имзога мос келса, тулов амалга оширилган ҳисобланади.

Банкларнинг савдо корхоналари, яъни уз мижозлари билан алоқаларини ҳисоб компаниялари таъминлайди.

Россияда хорижий пластик карточкаларни қайта ишлашни 1987 йилдан буён карточкалар билан иш олиб борадиган Интурсервис амалга ошириб келмоқда. Бу ташкилот Visa, Eurocard компанияларининг агенти сифатида иш бошлаган. Visa 1988 йилнинг охиридан бешлаб Россия банкларини уз аъзолигига қабул қила бошлади ва улар бу компания карточкаларини, сунг бошқа компанияларнинг кредит карточкаларини муомалага чиқара бошладилар.

Интурсервис 1992 йили Inpas LTD ва бошқа компаниялар билан Бирлашган кредит карточкалари компаниясини ташкил қилди. Бу компания барча кредит карточкаларини назорат қилар эди. Сунг American Express билан карточкалар муомаласи буйича тузилган шартномага мувофиқ, унинг функциясини American Express LTD (Россия) ҳисоб-китоб маркази бажарди.

Россиянинг баъзи молия муассасалари (Мост-банк, Диалогбанк, Кредит Москва) Еврокард-Мастеркард кредит карточкалари буйича ёпиқ турдаги Кардмарказ акциядорлар жамиятини, кейинчалик Юнионкард, СТВ каби бошқа ҳисоб-китоб марказларини туздилар. Ҳисоб-китоб марказлари, шунингдек, тулов тизимининг авторизацияси (тулов қобилиятининг мавжудлигини текшириш) буйича ҳам хизмат курсатадилар.

Жойлардан карточкалар туловга тақдим этилганда кредит карточкалари буйича авторизация операциялари

телескоп сурови асосида (ҳозирда Россияда телекоммуникацион тизимлар ҳам жорий қилина бошланди) ҳисоб-китоб марказларининг операторлари орқали амалга оширилади. Марказга келган барча ахборотлар халқаро тулов тизимларига узатиш мақсадида компьютерларга киритилади. Суровлар операторлар томонидан стандарт бланкаларни тўлдириш орқали рўйхатга олинади.

Ҳисоб-китоб марказлари тулов тизимидан ўз суровларига авторизация кодини, яъни кредит карточкасини эмиссия қилган банкнинг жавобини оладилар.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кредит карточкалари орқали ҳисоб-китоб қилишда жиноий фирибгарликлар тез-тез учраб туришини кўрсатмоқда. «Электрон талон-тароҳ» қилиш натижасида ушбу ҳуқуқий муносабатлар субъектларига сезиларли зиён етказилади. Масалан, Буюк Британияда бундай суиистеъмолликлар йилига ўн миллионлаб фунт стерлинг миқдорида зарар келтиради.

Visa тизимидаги карточкалардан «берухсат» фойдаланиш натижасида компанияга йиллик оборотининг 1,2 – 1,7 фоизи миқдорида зиён етказилган, бу эса 2 – 3 млрд. долларни ташкил қилади.

АҚШ савдо паталаси кредит карточкалари буйича фирибгарликларнинг йиллик қийматини тахминан ярим миллиард доллар миқдорида баҳолайди. Хусусан, 1992 йили пластик карточкалардан ғайриқонуний фойдаланишнинг ўзидан етган зиён, банкоматлардан нотўғри фойдаланиш натижасида етказилган зарар инобагга олинмаганда ҳам, бир миллиард доллардан ортиқ бўлган.

Кредит карточкалари билан боғлиқ жиноятларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) ҳақиқий кредит карточкаларидан ғайриқонуний равишда фойдаланиш; 2) тулов квитанцияларидан фирибгарлик



йулида фойдаланиш; 3) сохта кредит карточкаларидан фойдаланиш.

Биринчи гуруҳга тўлов воситалари бўлган кредит карточкаларини узгартирмайдиган ва сохталаштирмайдиган хатти-ҳаракатлар киради. Бу гуруҳга кирган суиистеъмомчиликларнинг қуйидаги қуринишларини таъкидлаш мумкин: ўзга шахс номига ёзилган карточкалардан фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш ҳамда ноқонуний эгасининг ундан ҳуқуқларда белгиланган ҳолни бузиб фойдаланиш.

Йўқотилган карточкалардан фойдаланиш биринчи гуруҳ жиноятчилик турига киради. Жиноятчилар яна карточкаларни ўғирлаб, унинг эгаси номидан фойдаланган ҳоллар ҳам тез-тез учраб туради. Зарур бўлган ҳолларда ~~карточка эгасининг кодидан ёхуд сохта~~ гувоҳномадан фойдаланилади.

Бундай ўғирликлар:

а) компания карточкани эгасига почта орқали юбораётганда (бундай ҳолатда суиистеъмомликни амалга ошириш тахмини юқори булади. Чунки карточкани юборган ҳам, уни олувчи ҳам йўқолганлик хусусидаги маълумотга дарҳол эга бўлмайди);

б) карточка эгалари ўз мамлакатларида ёки хорижда бўлганида чўнтакесар ўғрилар, меҳмонхона хизматчилари ва бошқа тоифадаги шахслар томонидан содир этилади.

Йўқотилган ёки ўғирланган кредит карточкалари товарлар олиш, курсатилган хизматга ҳақ тўлаш учун ишлатилади. Бу хатти-ҳаракатлар ё савдо корхонасининг ходимлари билан тил бириктирилган ҳолда, ёки бу корхоналарнинг кассирлари орқали, ёхуд учинчи шахс билан тил бириктириб амалга оширилади. Бундай жинойий ҳаракатлар давомида карточка эгасининг имзоси сохталаштирилиб кўпинча сохта ҳужжатлар тайёрланиб, карточка эгаси номидан тақдим этилади. Баъзи ҳолларда қимматбаҳо мол-мулк сотиб олинади ва

карточка унинг қонуний эгасига билдирилмай ташлаб кетилади.

Ривожланган мамлакатлар ҳудудларида, эндиликда эса Ўзбекистонда ва Россияда ҳам кредит карточкалари банкомат-автоматлардан нақд пулларни олишда ишлатилади. Шу муносабат билан кредит карточкаси эгасининг шахсий кодини билиб олиб, ўғирланган ва йуқотилган карточкаларга нақд пул олиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди.

Кредит карточкаларининг қонуний эгалари икки йуналишда улардан ғайриқонуний фойдаланишлари мумкин. Биринчи ҳолатда, карточка эгаси уз ҳисоб-китоб счётида кам валюта маблағи борлигини била туриб, ишончли суиистеъмол қилган ҳолда, кредитлаш лимитидан куп булган сумма олишга ҳаракат қилади.

Масалан, бир хорижий фуқаро уз шахсий ҳисоб-китоб счётида 3750 АҚШ доллари була туриб, хизмат кўрсатувчи ходимнинг техник хатоси натижасида Россия банкдан кредит карточкаси орқали 110 минг доллар пул олиб, банкка катта зиён етказган.

Шуни таъкидлаш лозимки, фуқаро узи яшайдиган мамлакатда мавжуд банк операциялари қоидаларига мувофиқ, мижоз кейинчалик урнини тулдириб қуиш мажбуриятини олганда, кредит карточкалари буйича лимитда кўрсатилган суммадан купроқ пулни олиши мумкин. Бироқ бу фуқаро катта миқдордаги АҚШ долларини олган, бу эса нақд пул бериш буйича мавжуд стандартлар (50 минг долларгача) нормаларига мос келмайди. Шунинг учун агар эмитент сумманинг тула миқдори хусусида суров олганида, суралаётган сумманинг кредитлаш лимитидан катталиги билинарди ва кредит карточкаси эгасига авторизация қилишга рад жавоби берилган буларди. Карточка эгаси бундан тартибни ва уз ҳисобидаги суммани била туриб, ғайриқонуний йул билан пул воситаларини узлаштирган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан яна қуйидаги йул билан кредит карточкаларидан гайриқонуний фойдаланиш ҳоллари рўйхатга олинган. Хорижлик меҳмон Россия фуқароси билан тил бириктириб, унга, ўз ихтиёрига кўра, кредит карточкасини фойдаланишга беради. У билан карточкадан фойдаланиш муддати олдин келишиб олинади ва бу муддат хорижий меҳмоннинг бу мамлакатда бўлиш кунларига мос келади. Одатда карточка эгаси мамлакатдан кетаётганда уни йўқотганлиги хусусида ариза беради. Россия фуқаросининг кредит карточкасидан фойдаланиш жараёни хорижий меҳмоннинг шахсини тасдиқловчи гувоҳномани қалбакилаштириш ~~ски~~ счётлар нусхаларини (имзосини) хорижий меҳмон томонидан олдиндан тўлдириб олиш орқали амалга оширилади.

Биринчи гуруҳ суиистеъмолликлар иккинчи гуруҳ жиноий ҳуқуқбузарликларига яқин ва улар ҳам счётлар (слип)лардан фирибгарлик билан фойдаланишга асосланади. Бундай ҳолатда қуйидаги вариантлар бўлиши мумкин:

- меҳмонхона, ресторан ва шу каби жойларда ёддан чиқариб қолдирилган карточкалардан шу муассасалар ходимлари слип кўчириб оладилар, карточка эгасининг имзоси қалбакилаштирилади ва ундан кейинчалик гайриқонуний товарлар олиш ва хизматлар учун пул тулашда фойдаланади;

- шу йўсинда тайёрланган чеклар узга шахсларга сотилади ва улар корхоналарга тақдим этилади;

- кредит карточкаси эгасининг рухсатсиз ундан бир эмас, бир неча нусха отгиск (слип) кўчириб олинади ва у бўйича товарлар олинади, хизматлар учун ҳақ туланади; бундай хатти-ҳаракатлар одатда ресторанларда амалга оширилади.

Бундан ташқари, Россияда импринтерлар (ижара қурилмалари)ни уғирлаш ҳолатлари учраб турибди.

Унинг ёрдамида қалбаки слип ясалади, сунг товар олишга тақдим этилади.

Учинчи гуруҳга қалбакиликлар киритилган пластик воситалар ёки ўзгартирилган кредит карточкалар ҳамда тулиқ сохталаштирилган карточкалардан фойдаланиш каби жиноятлар киреди.

*Сохта маълумотлар киритилган кредит карточкаларидан фойдаланиш.* Бу гуруҳ жиноятларга, тулов воситаларини ўғирлаш ва уларнинг реквизитларига (рақами, эгасининг исми ва фамилияси унинг имзоси, магнит йулидаги рақамли коди) янги маълумотлар киритилади. Бу маълумотлар фирмалар билан тузилган шартномалардан, банкдаги счётлар ва уларнинг нухаларидан олинади. Кредит карточкаларига узгартишлар қуйидаги йуллар билан киритилади:

а) мавжуд карточканинг юза томонига ўйилган ҳарф ва рақамларни (лезвия, скальпель ёрдамида кесиб олиш ва ўзга маълумотларни ёпиштириш;

б) иссиқлик воситасида қалбакилаштириш; бунда карточка маълумотларини йуқотиш учун пластмасса «дазмолланади». Бу усул биринчи мартаба 1980 йилда пайдо бўлди. Аксарият кредит карточкалар полихлорвинил материалидан гайёрланади. Бу материал иссиқлик таъсирида эластик ҳолатга келади. Уни иситиш учун турли иссиқлик манбалари: дазмол, шам, иссиқ сув, микроўлқинли печь ва бошқалардан фойдаланадилар. Қиздирилган карточка текисланади. Фирибгар иссиқлик билан ишлов беришдан олдин дунгликлар (рақам ва ҳарфлар)даги бўёқларни учиради. Жиноятчилар ҳарфларни терадиган машиналарга эгалар, улар ёрдамида пластмассага ҳарф ва рақамлар биринкетин сиқиб қайтадан ёзилади. Шундай қилиб, эски белгилар ўрнига янгилари карточкага туширилади.

Карточкаларни сохталаштириш процедураси жуда қиммат бўлгани учун бу ишларни фақат катта уюшган жиноий гуруҳлар, амалга ошириши мумкин.

Сохталаштиришнинг яна бир кўриниши соф пластмассалар - «white plastic crime»дан фойдаланишдир. Бу ҳолда кредит карточкаси шаклидаги соф, тоза пластмасса олинади ва унга ҳаққоний маълумотлар (карточка рақами, муомалада бўлиш вақти, исм-шарифи ва ҳ.к.лар) киритилади. Бундай карточкалар, жиноий гуруҳлар билан ҳамкорликда иш юритаётган магазин эгаларига тақдим этилади. Магазин эгалари шу йўсинда ҳисоб компаниялари билан сохта оборотни амалга оширадilar. Тула сохта кредит карточкалари хорижда ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда ҳамда Россияда бундай фактлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳозирча аниқлангани йўқ.

Юқорида зикр қилинган жиноятларнинг уюшганлик ва уни амалга ошириш механизми бўйича таснифи куйидагича: жиноят якка жиноятчи ёки уюлмаган жиноий гуруҳлар томонидан; уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга оширилади.

Биринчи гуруҳ жиноятлар, ўз навбатида, миллийлик таснифи бўйича тизимлаштирилиб ўрганилиши мумкин. Бу асос бўйича икки йўналиш фарқланади: а) резидентлар, яъни мамлакат фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар; б) норезидентлар, яъни хорижий мамлакат фуқаролари томонидан содир этилган жиноятлар.

Ўзбекистон ҳамда Россия фуқаролари томонидан содир этилган бу турдаги жиноятларни профессионал маҳорат билан амалга оширилган деб бўлмади. Улар кичик криминал оламига оид шахслар орқали содир этилади. Бу шахслар «ўғирлаш-сотиш» ёхуд «ўғирлаш-сайр қилиш» қабилида иш тутадilar. ҳужжатлардаги имзоларни ўта қўпол равишда сохталаштирадilar. Савдо шохобчаларида бундай шахслардан қўшимча ҳужжатлар талаб қилинганда улар тезда кўздан ғойиб бўладilar.

Хорижий мамлакатлар фуқаролари томонидан содир этилган жиноятларнинг икки кўринишини шу ўринда келтириш мумкин. Биринчисига, собиқ Совет Иттифоқининг фуқаролари содир этган жиноятларни киритиш мумкин. Улар хорижий мамлакатларга борганда кредит карточкаларини ўзлаштириб, бу тизимдаги заиф жойларни, айниқса, МДХ мамлакатларида кредит карточкаларининг эндигина қўлланилаётганлигини, улардан фойдаланиш бўйича купгина ходимларнинг билими, тажрибаси йўқлигини инобатга олиб, жиноятлар содир этмоқдалар.

Жиноятчилар ўзларининг янги яшаш жойларида карточкани йўқотганликлари хусусида ариза берадилар, Россияга келиб эса карточкалар бўйича туловни амалга оширишни талаб қиладилар. Шунингдек, улар йўқотилган, угирланган карточкалардан ҳам фойдаланадилар.

Ярим уюшган гуруҳ одатда ғайриқонуний йўллар билан олинган кредит карточкаларини олган шахслардан иборат бўлади. Кейинчалик бу шахслар ўз жинойий хатти-ҳаракатларига савдо корхоналари (кассирлар)ни тортадилар. Бунинг йўллари турлича: кассирларга, уларнинг қариндошларига тазйиқ ўтказиш, ғаразли, манфаатпараст шахсларни топиш.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, бундай гуруҳларнинг аъзолари кредит карточкалари билан ҳисоб-китоб қилиш тизимини яхши биладилар. Турли саволлар туғилганда, ноаниқликлар юзага келганда бундай шахслар ўзларини жуда бемалол тутаядилар. Масалан, улардан шахсини тасдиқловчи гувоҳнома сўралганда, «гувоҳномам машинада қолибди» деган важни рўкач қилишади ва бошқа йўналишда кетаверадилар.

Бундай гуруҳнинг сони 2—4 кишидан ошмайди. Баъзи ҳолларда бу гуруҳ савдо корхонаси ходимларидангина иборат бўлади. Бундай гуруҳлар томонидан купгина жиноятлар содир этилади (тахминан. кредит карточка-

лари билан қилинадиган суиистеъмолликларнинг 40 фоизи уларнинг зиммасига туғри келади).

Уюшган жиноий гуруҳ қатнашчилари ҳисоб-китоб тизими, кредит карточкалари орқали хизмат кўрсатиш бўйича чуқур билимга эга буладилар ва жиноятни содир этишда «юксак касбий маҳоратни» намоён этадилар. Бундай гуруҳ иштирокчиларининг ҳар бири муайян «касб»га — бири кредит карточкаларини ўғирлашга, бошқалари карточкаларни сохталаштиришга ва ҳоказога ихтисослашадилар. Гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси фойдадан муайян фоиз миқдорига мукофот оладилар.

Бундай гуруҳлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг икки йўналишини қайд этиш мумкин: мамлакат ичидаги уюшган гуруҳлар ва халқаро уюшган гуруҳлар. Иккинчи гуруҳда ролларнинг тақсимланишидан ташқари жиноятни содир этиш ҳудудлари ҳам тақсимланади. Масалан, карточкалар АҚШда ўғирланса, уларни туловга тақдим этиш бошқа мамлакатда — Ўзбекистонда, Россияда ёки аксинча бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, кредит карточкалари ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш хавфсизлиги бугун дунёда, хусусан, МДХ мамлакатига, Ўзбекистонда ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

## СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (51-модда)да ҳар бир фуқаронинг қонун томонидан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти кўрсатилган<sup>1</sup>.

Қонун томонидан белгиланган солиқ ва тўловларни тўлаш мажбурияти, бир томондан, тўловчининг уз маблағларидан мосуво бўлишини истамаганлигида бўлса, иккинчи томондан, давлатнинг солиқ қонунчилиги асосида солиқ органлари ёрдамида унинг мажбурий ундирилишини ўз ичига олади. Солиқ тўловчининг ўзини бундай тугиши, яъни меҳнати орқали топган мол-мулкни ҳимоя қилиши, албатта, табиий ҳолат. Ўзларини қонунга итоаткор деб билган фуқаролар ҳам турли йўллар билан солиқ тўлашдан қутулишга ҳаракат қилдилар, чунки улар ҳам давлат солиқларни фақат уз манфаатини ўйлаб белгилайди, деган фикрда бўладилар.

Шунинг учун ҳам солиқ тўлашдан бўйин товлаш энг кўп тарқалган ҳуқуқбузарликлардан биридир. Бундай ҳолат кам ривожланган, ижтимоий-иқтисодий тизими заиф мамлакатларга ҳам, юксак тараққий қилган мамлакатларга ҳам бирдек хосдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар давлат бюджетининг даромадларини белгилайди. Бу даромадлар мамлакат мудофааси, хавфсизлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: XII чакириқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. — Т.: Ўзбекистон, 1998. — 18-б.



ривожланиш дастурларини молиялаштиришни, давлат бошқарувини таъминлайди.

Бюджетда аккумуляция қилинган маблағларнинг асосий қисмини солиқ туловлари ташкил қилади ва улар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини молиявий таъминлашга қаратилган. Бюджет ёрдамида давлатнинг турли дастурлари, ҳудудларнинг маҳаллий ривожланиш режалари, турли тармоқларнинг нормал ишлашини таъминлаш, ҳарбий-саноат мажмуида конверсия қилиш, атроф муҳитни асраш, аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг бир текис ривожланишини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва шу каби бир қатор ишлар амалга оширилади.

Шундай экан, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар натижасида бюджетнинг даромадлар қисмига путур етади ва охир-оқибатда давлатнинг молиявий ҳолатига катта зиён етказилади. Солиқ тулашдан бўйин товлашнинг салбий оқибатларига қуйидагилар киради:

- давлат хазинасига пул маблағларининг келиб тушмаслиги янги пул миқдорини эмиссия қилишга олиб келади. Бу, ўз навбатида, инфляциян жараёнларни юзга келтиради;

- давлат томонидан мулжалланган пул миқдорининг бюджетга келиб тушмаслиги, уни янги солиқлар турини жорий қилишга ундайди. Бу эса, ўз навбатида, солиқ туловчиларнинг солиқ тизимига қаршилигини, уларнинг норозилигини кучайтиради, солиқ туламасликнинг янги-янги йулларини уйлаб топишга мажбур қилади;

- солиқнинг бюджетга келиб тушмаслиги давлатнинг норентабел, аммо жамият учун муҳим соҳаларини (жамоат транспорти, озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг баъзи соҳалари) молиялаштиришга ажратилган маблағларни камайитиришга мажбур этади, бу эса, охир-оқибатда иқтисоддаги барқарорликнинг бузилишига сабаб бўлади.

Яна муҳим бир нарсани таъкидлаш лозим: солиқ тулашдан буйин товловчилар солиқ тулаш мажбуриятини тулақонли бажарувчи субъектлар устига юклама қўйишга, яъни уларни қўшимча солиқлар тулашга мажбур этадилар. Натижада ижтимоий адолат тамойиллари бузилади.

Солиқ борасидаги ҳуқуқбузарликларнинг моҳияти, уларнинг қирралари мамлакатимизда ҳали яхши ўрганилгани йўқ. Шу сабабли бу жуда ҳам долзарб ва муҳим муаммонинг баъзи масалаларига тухталиб ўтмоқчимиз.

Ушбу ўқув қўлланмасини ёзишдан асосий мақсад солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни иқтисодий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида қарашдан иборат. Бу функцияни бажаришнинг мураккаблиги солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон иқтисоди учун янги ҳолат эканлиги, иқтисодий ва ҳуқуқий фанлар томонидан ҳали кам ўрганилган ва ҳозирда ҳам бу муаммога етарли эътибор қилинмаётганлигида кўринади.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўрганишни уларни юзага келтирадиган иқтисодий сабаблардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу сабабларни ўрганиш орқалигина солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга аниқ ва кенг маънода иқтисодий таъриф бериш мумкин. Бу борада асосий эътиборни солиқ ҳуқуқбузарликларининг таснифини тузишга қаратиш керак, чунки бу масала республикамизда чоп этилган на иқтисодий ва на ҳуқуқий адабиётларда ўз ифодасини тўлиқ топмаган.

Ушбу ўқув қўлланмасида солиқларни четлаб ўтиш ва солиқ ҳуқуқбузарликлари борасидаги ҳаракатларга алоҳида таъриф берилган. Биринчиси, моҳиятан ҳуқуқий мазмунга эга, иккинчиси эса ғайриқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади.

Шунингдек, қўлланмада солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Бу масаланинг назарий томондан ишланиши

хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига кенг тарқалган солиқ хуқуқбузарликларига, унинг хавфли кўриниши бўлган жиноятларга қарши курашишда ёрдам беради.

Кейинги йилларда солиқ соҳасидаги хуқуқбузарликлар иқтисодий жиноятлар ичида биринчилар қаторига чиқиб олди. Бундай ҳолатнинг сабаби, биринчидан, солиқ соҳасидаги деликт хатти-ҳаракатни аниқлаш қийин ва, иккинчидан, солиқ соҳасидаги хуқуқбузарликка йўл қўйган шахсни жавобгарликка тортиш мураккаб масаладир. Шунинг учун ҳам солиқ соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг сабабларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Маънавий
2. Сиёсий
3. Иқтисодий
4. Молиявий-техник

Аксарият солиқ туловчилар солиқ туланидиган объектларни солиқ маҳкамасидан яширишда ва бу борадаги бошқа жиноятларни содир этганларида муайян ахлоқий жавобгарликни ҳис этмайдилар. Сабаби, солиқ борасидаги қонунлар хусусиятидан келиб чиқилса керак. Мантиқан шуни таъкидлаш мумкинки, бу борадаги қонунларни, бошқа қонунларга нисбатан, албатта, шартли равишда, кўпроқ ҳурмат қилиш лозим. Қонун ҳамма учун умумий, доимий ва муросасиз бўлиши керак. Шу билан бирга, барча солиқ қонунларидан юқоридаги хусусиятларни талаб қилиш мумкин эмас.

Биринчидан, солиқ қонунлари умумий характерга эга эмас, чунки ҳозирги даврда солиқларни персонификациялаш тенденцияси ҳамда уни ҳар бир индивидуал ҳолатга мослаш ва шу орқали турли имтиёзларни белгилаш кузатилмоқда.

Иккинчидан, солиқ қонунлари доимо узғаришда. Солиқ солинадиган объектларнинг янгилари юзага келади.

эскилари эса солиқ тизимидан чиқарилади. Бундай ҳолат МДХ мамлакатлари учун жуда хосдир.

Учинчидан, бизнинг мамлакатимизда солиқ қонунчилиги Солиқ кодекси қабул қилингандан сунг муайян тартибга тушди. Бу ерда жуда муҳим бир нарсани, яъни давлат ўз мақсадини амалга ошириш учун солиқ ва туловлар ставкасини белгилашини таъкидлаш мумкин. Давлатнинг сиёсий ҳокимиятини амалга ошириш борасидаги харажати утиш даврида бошқа бир текис ривожланаётган мамлакатлар билан таққослаганда бир оз юқори бўлиши табиий ҳолдир.

Солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, тебранишлар иқтисодий хусусиятга эга бўлса ҳам, муайян даражада, афсуски, солиқ қонунчилигининг обрусини туширади.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг сиёсий сабабларига турли ижтимоий гуруҳларнинг солиқ туловчи қисмига, сиёсий ҳокимият эгалари томонидан тазйиқ ўтказишлар мавжудлигини киритиш мумкин. Бу ҳолат фақат кучли сиёсийлашган жамиятдагина мавжуд бўлиши мумкин. Лекин солиқ туламасликнинг иқтисодий сабаблари муҳим ўрин тутди.

Иқтисодий ҳисоб-китоб қилиш, одатда, солиқдан бош тортишга сабаб бўлади. Куп ҳолларда солиқ ҳуқуқбузарликлари реал банкротликдан чўчиб содир этилади. Бу ҳолат иқтисодий конъюктура билан ҳам боғлиқдир. Солиқ туловчи солиқни четлашдан келадиган фойда тулаш ва шу туфайли юзага келадиган ташвишлар узини оқлайдими ёки йўқми, шуни ҳисоб-китоб қилади. Бу ҳолатда яна солиқ ставкаларининг даражаси ҳам муҳим ўрин тутди, яъни ставка қанча юқори бўлса, солиқ тулашдан бош тортиш шунча кўпаяди, чунки солиқ туланмаса, ундан келадиган фойда кўпаяди. Бунда солиқ туловчининг иқтисодий ҳолати, тулов қобиляти муҳимдир. Солиқ туловчининг руҳияти шундайки, иш яхши юришаётганда қўшимча ташвишларга дуч келмаслик учун солиқни уз вақтида, тула ҳажмда тулашга ин-

тилади. Кам даромад оладиган солиқ туловчи эса уз ка-  
момадини солиқ тулашдан бош тортиш орқали  
тулдирмоқчи булади.

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи кичик тадбиркорлар  
руҳиятида иқтисод ривожланган сари уларга ишлаш им-  
конияти камаётгандек нотутри фикр урнашиб  
қолишига олиб келади. Бу фикрни узгартириш ушбу  
мамлакат ҳукуматининг муҳим функцияларидан бири-  
дир. Бу функцияни ҳал қилишда солиқ ислоҳотини  
ўтказиш, уни такомиллаштириш, соддалаштириш ало-  
ҳида урин тутади.

Бизнинг фикримизча, солиқ ҳуқуқбузарликлари со-  
дир этилишининг иқтисодий сабаблари ва уларни  
таҳлил қилишда молиявий техник сабабларни ҳисобга  
олиш ҳам ута муҳимдир.

Бунинг сабаби, биринчидан, солиқ қонунчилигининг  
такомиллашмаганлиги ҳамда солиқ қонунларида  
кўпгина ноаниқликлар, юридик нонсенс ҳолатлари  
мавжудлигидадир.

Иккинчидан, солиқ органлари ходимларининг мала-  
каси камлиги ва уларнинг техник воситалар билан кам  
таъминланганлигидадир.

Учинчидан, солиқ суммасини ҳисоблашнинг техник  
жиҳатдан ута мураккаблигидадир. Солиқ тизимидаги бу  
мураккабликдан ҳатто солиқ органларининг ўзлари ҳам  
баъзида қийналиб қоладилар. Солиқ туловчилар эса ун-  
дан хоҳласалар, «хамирдан қил суғургандай» енгил  
чиқиб кетишлари мумкин.

Кўп ҳолларда солиқ ўндириш техникасининг мурак-  
каблиги солиқ туловчиларга қонунни бузмасдан со-  
лиқдан буйин товлаш имконини туғдиради.

Солиқ туланадиган объектни тула ва аниқ белгилаш,  
уларнинг солиқ туловчининг декларациясида туғри  
кўрсатилишига эришиш учун мураккаб тадқиқотларни  
ўтказиш талаб этилади. Солиқ туланадиган объектлар  
сонининг ортиши солиқ органлари ишини мураккаб-

лаштиради, солиқ туловчиларнинг эса ўз объектларини имтиёзли солиқ туланадиган объектлар тариқасида тақдим этишига имкон беради. Афсуски, бундай ҳоллар тез-тез учрайди ва улар алоҳида иқтисодий изланишлар объекти ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик тушунчаси ҳуқуқ назарияси томонидан чуқур ўрганилган. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликни ҳам шу асосда ғайриқонуний айбли қилмиш, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида ўз мажбуриятларини қисман ёки тўла бажармаслик юзасидан вужудга келадиган ҳуқуқий мажбурият, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик субъекти ҳуқуқларининг бузилиши деб қабул қилинса, мақсадга мувофиқ булар эди.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг юридик таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳуқуқбузарликнинг объектив томони, объекти, ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони, субъекти. Шунингдек, юридик таркиб солиқ борасида ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун санкция (жарима) кўринишидаги юридик маъсулиятни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни (масалан, белгиланган тартибни бузган ҳолда солиқ тулаш объектлари ҳисобини олиб бориш, бу, ўз навбатида, текширилаётган муддат ичида даромадларни яширишга олиб келади), ёки ҳаракатсизликни (масалан, солиқ органларига берилиши керак бўлган солиқларни ҳисоблаш ҳамда тулаш учун зарур ҳужжатларни тақдим этмасликни) ўз ичига олади.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг объекти бўлиб, солиқ ҳуқуқбузари содир этган ҳуқуқбузарлик тан олинади, яъни солиқ ундириш, бож, турли йиғимлар ва солиқ тизимига бирлашган бошқа мажбурий туловларни белгилаш ва ундириш бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу муносабатлар солиқ ҳуқуқи нормалари билан бошқарилади ва уларнинг мазмунини ифодалайди.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг субъектив томони айб-лиликда ифодаланади. Муайян ҳуқуқбузарликка нисбатан олинганда қасддан ёки эҳтиётсизлик каби айб қуринишлари қўлланилади.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг субъекти солиқ тўловчи, учинчи шахслар ва солиқ органлари булишлари мумкин.

Ҳуқуқ назариясидан маълумки, солиқ соҳасида юридик жавобгарлик кузда тутилган хатти-ҳаракат солиқ ҳуқуқбузарлиги дейилади. Солиқ ҳуқуқбузарликлари учун турли санкциялар кузда тутилган. Шу билан бирга, ижтимоий хавфли солиқ ҳуқуқбузарликларига солиқ жиноятлари каби жинойий жавобгарлик қўлланилади (Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 168, 179, 180, 181, 184-моддалари).

~~Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 41-~~ бобининг «Яқунловчи қонунлар»ида солиқ муносабатлари субъектларининг жавобгарлиги (132-модда) хусусида айтилган, лекин бу Кодексда «солиқ ҳуқуқбузарлиги» тушунчасининг таърифи, тавсифи берилмаган.

Бизнинг фикримизча, Солиқ кодексиде «солиқ ҳуқуқбузарлиги» тушунчасининг таърифи кузда тутилганда, бундай хатти-ҳаракатга жарималарни белгилашда унинг аҳамияти катта булур эди.

Юқориде келтирилган фикрлар асосиде қуйидаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар гуруҳларини таъкидлаш мумкин:

1. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар. Бу гуруҳ солиқ тўловчининг хўжалик фаолиятида қонунларга хилоф равишда қаршилиқ кўрсатишини ўз ичига олади. Бу қуйидагиларда, яъни солиқ органлари мансабдор шахсларининг тadbиркорларни солиқ ҳисоб-китобига қуйишга гайриқонуний эътирози мавжудлигида, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамлари орқали ўтказиладиган операцияларни тўхтатиб қуйишида ёки

солиқ туловчи мулкани гайриқонуний «ҳисобга» олишда, ҳисоб-китоб ҳаракатларини, ҳисобот ҳужжатларини узгартириш, кенгайтириш, қупайтириш бўйича асоссиз талаблари борлигида ва бошқаларда ўз ифодасини топади.

Солиқ туловчининг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларга солиқ соҳасидаги сирларни ошкор этиш, яъни қонун йули билан солиқ сирларини ташкил қилган солиқ органининг лавозим эгаси ёки ўз касбий ёки лавозимига оид мажбуриятларни бажариш чоғида узига маълум бўлиб қолган ахборотларни гайриқонуний ишлатиш ёки узга шахсга бериш киради.

2. Бюджетнинг даромад қисмини тўлдиришга қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг асосий субъекти бўлиб учинчи шахслар юзага чиқади. Амалиётда солиқ муносабатларининг бу иштирокчилари қонун талабларига тула риоя қилмайдилар. Улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга солиқ ва жарималар бўйича туланмаган қолдиқ суммаларини олиш талабларининг бузилиши, яъни банк ёки кредит ташкилоти томонидан солиқ органлари ёхуд суд қарори орқали туланадиган суммаларнинг умуман ўтказилмаганлиги ёки ўз вақтида ўтказилмаганлиги киради.

Бюджетнинг даромад қисмини тўлдирмасликка қаратилган ҳуқуқбузарликлар ичида энг кўп тарқалгани солиқ тулашга мўлжалланган маблағларни ноқонуний ишлатишдир. Бу ҳуқуқбузарлик банк ёки кредит ташкилотларнинг солиқ туловчилардан тушган солиқ миқдорларини ўтказмаслик ёки муддати бузилиб ўтказишларда ифодаланади.

3. Солиқ тизимига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларга қуйидагилар киради:

- асоссиз равишда қонунларда кўзда тутилмаган ҳолларда солиқ тулашдан озод қилиш (имтиёзлар тизимини яратиш ёки қонунларда белгиланмаган ёки



бошқа ҳолларда мансабдор шахсларга берилган ваколатлардан нотўғри фойдаланиш);

- ноқонуний солиқни киритиш ёки белгилаш;

- ноқонуний солиқларни ундириш (тўғридан-тўғри ёки билвосита мажбурлов йўли билан солиқ ундириш, яъни қонунлар билан белгиланмаган ёки киритилмаган солиқларни тўлашга ундаш ҳамда ғайриқонуний катта ҳажмдаги солиқларни тўлашга мажбур қилиш. Шу билан бирга, қонунларда белгиланган муддатлардан олдин солиқ тўлашга мажбур қилиш ҳам ушбу гуруҳга мансубдир).

4. Солиқ тўлаш мажбуриятларига қарши ҳуқуқбузарликларда қўйидаги турларни, хусусан, солиқни тўламаслик ёки уз вақтида тўламаслик ҳамда солиқлар бўйича имтиёзлардан ғайриқонуний фойдаланишни таъкидлаш мумкин. Имтиёзларни нотўғри белгилаш, солиқ органларига имтиёзли солиқлар тўлаш учун тегишли ҳужжатларни, асосланмаган маълумотларни солиқ органларига топширишлар ғайриқонуний имтиёзлар ҳисобланади.

5. Солиқ туловчининг мажбуриятларини бажариш қафолатлари тизимига қарши ҳуқуқбузарликлар қўйидагилардан иборат:

- солиқ туловчининг ғайриқонуний ҳисоб-китоб счётини очиши;

- солиқ туловчига ғайриқонуний равишда ҳисоб-китоб счётини очиш;

- касса интизомининг бузилиши (қонунда белгиланган тартибдан четга чиқиб нақд пулларни қабул қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши);

- ғайриқонуний ҳисоб-китоблар (нақд пуллар бўйича операцияларнинг қонунларда белгиланган миқдорларини бузиб амалга ошириш);

- солиқ туловчи ҳақидаги ахборотларни солиқ органларига беришдан бўйин товлаш.

6. Бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерлик ҳамда солиқ ҳисоботларини тузиш, бухгалтерия ҳисобини олиб бориш борасида содир этилган ҳуқуқбузарликларга:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига риоя қилмаслик билан боғлиқ жиноят (ҳўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш ҳамда уларнинг бухгалтерлик регистрларида ифодаланиш қоидаларини бузиш);

- бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг аниқлиги ва ҳаққонийлигини таъминламаслик;

- бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботини тузиш тартибини бузиш (солиқ органларига бухгалтерия ва солиқ ҳисобини белгиланган кўринишда ва норматив ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни тақдим этмаслик);

- бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишдан бўйин товлаш (белгиланган муддатларда ёки солиқ органлари талаби бўйича бухгалтерия ва солиқ ҳисоботини тақдим этишдан қасдан бир неча мартаба бўйин товлаш) киради.

7. Солиқ органларининг назорат функцияларининг бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар қўйидагилардир:

- солиқ органларидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш (қасдан узоқ вақт солиқ органларига мурожаат қилиш мажбуриятидан бўйин товлаш);

- солиқ органларида ўз вақтида рўйхатга қўйилмаслик (солиқ туловчи сифатида қонунларда белгиланган муддатларда солиқ органларидан рўйхатдан ўтмаслик);

- солиқ органларининг лавозимдаги шахси томонидан қўйилган қонуний талаб ва кўрсатмаларга бўйсунмаслик (солиқ органида лавозимда ишлайдиган ходимнинг солиқ қонунчилигининг бузилишини

тўғрилаш ёки унинг олдини олишга оид талаб ва кўрсатмалари узоқ муддат давомида бажарилмаса ёки тегишли равишда бажарилмаса, агарда уларнинг бу хатти-ҳаракатлари солиқ қонунчилигининг бузилишидан бошқача таснифланмаса);

- солиқ органларининг лавозимдаги шахсини ҳақоратлаш (солиқ органининг лавозимдаги шахсини ўз функциясини адо этаётган вақтда жамоатчилик олдида ҳақоратласа, агар бу хатти-ҳаракат жиноий жавобгарликни тақозо этмаса);

- солиқ органининг лавозимдаги шахсига зўрлик ишлатиш ёхуд унинг мулкига зиён етказиш билан қўрқитиш, яъни солиқ органининг лавозимдаги шахсига қонун томонидан юклатилган функцияларни бажариш даврида унинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки функциясининг хусусиятини эгартиришга мажбур этиш ёки қасд олиш мақсадида солиқ органининг лавозимдаги шахсига ва унинг яқинларига зўрлик ишлатиш ёхуд унинг мулкига зиён етказиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракатлар жиноий жавобгарликка тортишни тақозо этмаса;

- ғайриқонуний таъсир кўрсатиш ёки фаолиятига аралашиш (таъсир кўрсатиш қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, солиқ органининг лавозимдаги шахсига унинг назорат функциясини бажаришига ёки қарор қабул қилишига тўсиқ бўладиган даражадаги ғайриқонуний таъсир утказиш, агар бу хатти-ҳаракатлар жиноий жавобгарликни тақозо этмаса);

- назорат функциясини бажаришга қаршилик кўрсатиш (солиқ органининг қарори асосида утказиладиган ҳужжатли ёки фактик назоратни амалга оширишга қасддан шароит яратмаслик).

Солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашнинг яна бир неча мезонлари ҳам мавжуд, масалан, муайян солиқлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва бошқалар. Шу билан

бирга, солиқ ҳуқуқбузарликлари бўйича таснифлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Солиқ ҳуқуқбузарлиги субъектлари:

- солиқ органлари;
- учинчи шахслар;
- солиқ тўловчилар бўлишлари мумкин.

Солиқ органлари, одатда, нотўғри солиқ ундириш, молиявий санкцияларни асоссиз қўллаш, процедура талабларига (ҳужжатларни ўрганишга олишда, санкциялар қўллашда ва ҳ.к.) роя қилмаслик ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этадилар.

Солиқ борасидаги ҳуқуқ муносабатларининг субъекти бўлган учинчи шахсларга солиқни ҳисоблаш учун зарур бўлган солиқ тўловчи тўғрисидаги ахборотга эга бўлган жисмоний, ҳуқуқий ва бошқа субъектлар кирадилар. Бу шахсларнинг тегишли фаолиятлари, хатти-ҳаракатлари солиқ борасидаги мажбуриятларни бажариш, солиқ тўловчиларнинг, ваколатли органларнинг ўз ҳуқуқларини бажаришлари билан боғлиқдир.

Булар кредит ташкилотлари, нотариуслар, ҳужалик муносабатлари субъектларидир. Учинчи шахслар қўйидаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйишлари мумкин, хусусан, солиқ органларига тегишли ҳужжатларни тақдим этмасдан юридик шахсларга ҳисоб рақамлари очиш, пул миқдорларини ундириш тўғрисидаги солиқ органлари талабларини бажармаслик ва бошқалар.

Солиқ тўловчилар солиқни четлаб ўтиш билан солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этадилар. Солиқни четлаш қонуний хатти-ҳаракат бўлиб, қонунчилик ва мавжуд солиқ тизими томонидан рухсат этилади. Солиқни четлашда солиқ тўловчи билиб туриб ундан қочади, лекин қонунчиликни бузмайди.

Солиқ борасидаги айрим камчилик ва ноаниқликлар муайян ўткинчи хусусиятга эга. Бу муайян қонунларни қабул қилиш техникасининг мукамал эмаслигидан, баъзи ҳолларда уларнинг шошилинич қабул қилиниши

натижасидир. Бундай ҳоллар аниқланганда уларнинг матнига ўзгартишлар киритилиб, янгилари қабул қилинади ва мавжуд муаммо ечилади.

Субъектларнинг ҳужалик фаолиятида солиқни четлаб ўтишнинг турли усуллари мавжуд. Улардан айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Солиқ тўловчининг уни тўлашдан бўйин товлаши миллий молия тизимидаги қийинчиликлардан фойдаланишга асосланади. Бу ҳолатда солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг воситаси — ўзини тийишдир, яъни солиқ тўловчи солиқ тўлашдан ўзини тияди, солиқ тўлаш объектига айланишдан холи бўлишга ҳаракат қилади. Масалан, баъзи кинотеатрларнинг директорлари томошабинларни залга бепул киритиб, билетлардан солиқ тўламайдилар. Бунинг натижасида давлат хазинасига солиқ тушмайди. Яхшиямки, бундай усул амалиётда кенг тарқалмаган.

Солиқ қонунчилигининг мукаммал эмаслиги сабабли солиқ тўлашдан бўйин товлаш имкониятлари билан бирга яна шундай ҳолат юзага келадики, қонуншуноснинг ўзи солиқ олишнинг йўлини қилмайди.

Бундай ҳолат қачон юзага келиши мумкин? Қонуншунос солиқ тўловчига солиқни белгилаётганида унинг ҳолатини билвосита белгилар орқали баҳолайди ва ўз солиқ объектидан солиқ олишни кўзда тутмайди.

Амалиётда халқаро муносабатлар билан боғлиқ солиқни тўламаслик кўринишлари учраб туради. Солиқ тўловчи давлатларнинг ҳудудий солиқ суверенитетидан фойдаланади. Бундай кўринишдаги солиқ тўлашдан бўйин товлаш солиқ тўловчининг хорижий мамлакат ҳудудига кўчиши ёки ўз мулкани кўчириши билан амалга оширилади. Солиқ ундириш объекти миллий солиқ қонунчилиги таъсир этувчи ҳудуддан, ўзга «енгил» солиқ қонунчилиги мавжуд ҳудудларга кўчадилар. Шундай йўл-йўриқ ва воситалардан фойдаланувчилар масалан. Либерия, Греция каби мамлакатларга ёки уларнинг бай-

роқлари остида сузаётган кемаларда юк ташишга утиб оладилар. Бу мамлакатларда солиқ миқдорлари сезиларли даражада қуйи ставкаларда белгиланган. Кўпчилик умуммиллий компаниялар ўз фойдаларини «енгил» солиқ суммалари белгиланган мамлакатда рўйхатдан ўтказадилар.

Юқорида таъкидлангандек, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ўзга мамлакатларга кетиш орқали ҳам амалга оширилади. Бундай ҳолатда солиқ тўловчи субъектлар шахсий ва моддий жавобгарликдан қутулиб қоладилар. Мураккаб ҳамда «қаттиқ» солиқ тартибидан қочиб кўпгина компаниялар ўзларининг расмий жойларини бошқа мамлакатларга (Люксембург, Швейцария ва б.) алмаштирадилар ёки офшор ҳудудларга кўчиб ўтадилар.

Ҳозирги кунда МДҲ мамлакатларидан Россия Федерациясида бир нечта (Ингушетия, Калмикия) офшор ҳудудлар яратилган ва уларда фақат бир-икки турдаги солиқлар тўланади, холос.

Энди солиқ тўловчилар содир этадиган солиқ ҳуқуқбузарликларига тўхталиб ўтамир.

Биринчидан, солиқ суммасини тўлаш ўз муддатида амалга оширилмайди. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун (тўлов куни ҳам шунга киради) 0,15 фоиз миқдорида пеня ўндирилади. Россия қонунчилигида эса 0,7 фоиз пеня тўлаш кўзда тутилган.

Иккинчидан, ўз вақтида тўланмаган солиқ суммалари ва йиғимлар бўйича боқимандаларнинг йиғилиб қолиши. Бундай ҳолларда йиғилган суммалар бюджет ҳисобига ўндирилади. Россия Федерациясида ҳам шундай чоралар кўзда тутилган: юридик шахслардан бундай солиқлар тўғридан-тўғри, баҳссиз, жисмоний шахслардан эса суд орқали ўндирилади.

Учинчидан, даромад (фойда) миқдорини камайтириш ёки яшириш. Хужаликлар ўз фаолиятларида солиқни

яширишнинг турли кўринишларидан фойдаланадилар. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз:

- солиқ органлари ва банкларни олдиндан огоҳлантirmай, бир неча ҳисоб-китоб сўётларини очиш;
- нақд пул обороти ҳажмини кўпайтириш;
- лицензиясиз ва рўйхатдан ўтмасдан туриб, фаолиятни амалга ошириш;
- таннарх таркибига кирувчи харажатларни кўпайтириш;
- тўлов ҳужжатларининг йўқотилиши;
- ҳисобни сохталаштириш.

Солиқ органлари ва, айниқса, Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш департаменти ходимлари корхоналарда олиб борилаётган «иккиламчи бухгалтерия»га алоҳида эътибор қилишлари лозим. Уларда тайёрланадиган васийлик қарорига солиқ суммасини белгилаш учун бериладиган солиқ баланси билан бир қаторда корхона фаолиятини ҳаққоний ифодаловчи тижорат ҳисоботи олиб борилади. Мана шу ҳисобот алоҳида эътибордан четда қолмаслиги керак.

Мулкка тажовуз қиладиган ва хизматга оид жиноятлардан фарқли бўлган солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқни қўлловчилар олдида тамоман янги мазмундаги квалификация тартибдаги муаммоларни қўймоқда. Бу, албатта, тушунарли, чунки солиқ ҳуқуқбузарликлари қисқа давр ичида ҳаётимизга кириб келди. Шу муносабат билан тергов, суд фаолиятида, жиноят ҳуқуқи назариясида бу муаммо тулиқ урганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил қарори билан Республика Солиқ Кўмитаси қошида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилди.

МДХ мамлакатлари ичида Россия Федерациясида солиқ полицияси, унинг Академияси ҳамда солиқ орган-

ларида тергов булинмалари тузилган ва шу муносабат билан Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига ўзгартишлар киритилган.

Ушбу қўлланмада биз солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг ўта муҳим иқтисодий жиҳатларини кўриб чиқамиз, чунки бу масалалар солиқ инспекторлари ва, албатта, солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари учун ўта муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасининг ўзига хослиги — унда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва бу жиноят учун белгиланган жазо чораларида акс этади. Шу ўринда муаллифлар учун моддани талқин ёки тавсиф қилиш эмас, балки унинг мазмунидаги иқтисодий белги ва хусусиятларни аниқлаш муҳим ҳамда принципиал аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, «жиноят-солиқ» нормаларини қўллаш борасидаги долзарб муаммоларнинг айримларини таҳлил қилиб чиқамиз.

Биринчидан, Солиқ кодексининг 16, 67, 83, 97, 117-моддаларида солиқ ундириш объеклари кўрсатилган. Унда жами даромад билан Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган даромад (фойда), товарларни (ишларни, хизматларни) реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат, акциз туланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги қиймати ёки товарнинг физик ҳажми, юридик шахслар учун ер участкалари, сув ресурсларининг ҳажми ҳам солиқ ундириш объекти сифатида қабул қилинган. Ушбу рўйхатдан кўришиб турибдики, унда келтирилган объектлар тўлиқ эмас, «солиқ солиш объекти» ибораси мазмунини яна бир бор аниқлаш ҳамда уларнинг ҳажмларини белгилаш муаммосини ҳал этишни бугунги кун тақозо этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 10 ноябрдаги «Юридик шахслар даромади (фойда-си)га солиқ солиш ва бюджетга тулаш тартиби» йуриқномасида биринчи солиққа тортиш объекти жами даромад (фойда) деб кўрсатилган.

Солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши кураш воситалари орасида умумий хусусиятга эга бўлган қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- ахлоқ характериға эға воситалар;
- солиқ тўловчиларнинг қонунға итоаткорликларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш;
- жамоатчилик фикридан, оммавий ахборот воситаларидан ҳуқуқбузарликларға, хусусан, солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши кураш ишида фойдаланиш;
- энг кўп оборот воситаларига эға бўлган солиқ тўловчиларнинг харажатларини ошкор этиш;
- жамоат ташкилотлари (биринчи навбатда, қасаба уюшмалар, истеъмолчилар ташкилоти ва бошқалар)нинг солиқ назоратида қатнашиши.

Масалан, истеъмолчилар ташкилоти нархлар назоратини ўтказиш жараёнида улгуржи савдодаги нархларни текшириш билан бир қаторда, савдо ташкилотлари оладиган даромадни ҳам ўрганадилар, ўзгаришлар хусусида хабар берадилар.

Солиқ тўлашдан буйин товлаш билан курашиш воситаларига қуйидагилар киради:

- солиқ тизимини такомиллаштириш;
- бир бутун солиқ ставкаларини белгилаш;
- асосланмаган солиқ имтиёзларини рад этиш;
- солиқ техникасини такомиллаштириш;
- солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши кураш борасида халқаро ҳамкорликни амалға ошириш.

Солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши кураш воситалари ичида солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш,

тўсиқ қўйиш воситаларини ҳамда бу ҳуқуқбузарлик учун жазолаш воситаларини алоҳида ажратиш лозим.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда муҳим восита — солиқ назорати бўлиб, уни самарали амалга ошириш солиқ жиноятларининг олдини олиш ва шу орқали солиқ тўловчига катта таъсир кўрсатиш мумкин.

Солиқ назоратини амалга оширишда махсус тузилган органларнинг зиммасига муҳим функция юклатилади.

## «ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАР» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ (ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ)

Иқтисодий жиноятларнинг қўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилган аниқ таърифи йўқ, шунинг учун ҳам ҳозирча уларнинг умумлашган бир таснифи хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Жиноятлар қонунлар асосида, яъни қайси қонунлар бузилишига қараб ёки жиноятчи тажовуз қилган объект ёки бирон-бир иқтисодий жиноятга тааллуқлилиги нуқтаи назаридан гурўхланадилар. Бундай таснифга асос қилиб профессор Г. Кайзер (Германия) тавсия этган гуруҳланишни курсатиш мумкин<sup>1</sup>.

1. Банк, акциядорлик жамиятлари тизимидаги, кредит муассасалари, сугурта ва эркин рақобат (ишончли суиистеъмол қилиш), сохта банкротлик ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва маркировка қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар.

2. Солиқларни тулашдан бош тортиш, субсидиялар соҳасидаги кўзбўямачилик, бож тўлови билан боғлиқ жиноятлар, таъмагирлик, порахўрлик.

3. Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни бузишлар, истеъмолчиларга қарши ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишга қарши қаратилган жиноятлар.

4. Бошқа товламачиликлар ва чайқовчилик.

Профессор Н. Шнейдер<sup>2</sup> иқтисодий соҳадаги жиноятчиларнинг объекти бўлмиш иқтисодий тизимнинг уч секторини алоҳида ажратади:

---

<sup>1</sup> Katser Z& Economic crime and its control with special reference to the situation in the Federal Republic of Germany // Euro Criminology. — Warsaw, 1987. — Vol. 1. — 43-60 p.

<sup>2</sup> Schneider H. Kriminologie. — В&, 1987. — 969 s.

1) банк, кредит соҳасига қарши бўлган жинойий тажовузлар;

2) қурилиш соҳасида ва кучмас мулкка қарши қаратилган жинойятлар;

3) транспорт ва саёҳат, туризм соҳасида амалга ошириладиган жинойятлар.

Асримизнинг 80–90 йилларида ғарб мутахассислари ўзларининг ушбу муаммоларга бағишланган асарларида соф иқтисодий жинойятларнинг тула ва аниқ рўйхатини тузишга ҳаракат қилдилар ва бу ишда улар асосий эътиборни корпорацияларда амалга оширилган жинойятларга қаратдилар. Олимлар фикрича, корпорациялар томонидан содир этилган жинойятлар иқтисодий жинойятчилик таърифига мос тушади. Уларга қуйидаги жинойятлар турини киритиш мумкин.

1. Акционер, кампониён ва таъсисчиларга зиён етказилган капитал маблағларни суиистеъмол қилишдан келиб чиқадиган жинойятлар (бухгалтерия ҳужжатларидаги, акциялар бўйича содир этилган фирибгарликлар, йўқ компанияларга акцияларни сотиш ва ҳоказолар).

2. Депозит капитал (банкларга жойлаштирилган пул ёки қимматбаҳо қоғозлар)ни суиистеъмол қилиш, кредиторларга зиён етказиш (сохта банкротлик, товламачилик, субсидиялар билан фирибгарлик қилиш).

3. Эркин рақобат қоидаларини бузиш билан боғлиқ жинойятлар.

4. Истеъмолчи ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ жинойятлар.

5. Давлатнинг молия тизимини бузишга қаратилган жинойятлар (масалан, фойдани ошириш, солиқ тулашдан бўйин товлаш, ишлаб чиқариш ва савдо қонунқоидаларини бузиш ва бошқалар).

6. Табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ жинойятлар (масалан, атроф муҳитни ифлослантириш, қурилиш нормалари ва низомларини бузиш ва бошқалар).

7. Ижтимоий суғурта ва нафақа тулаш соҳасидаги, техника хавфсизлигини бузиш билан боғлиқ жиноятлар.

8. Тижорат соҳасидаги порахўрлик.

9. Компьютер техникаси орқали амалга ошириладиган жиноятлар (хакерлар).

Жиноятнинг бу турлари 70-йилардан бошлаб олимлар томонидан иқтисодий жиноятлар тоифасига киритилди, чунки улар натижасида етказилган зарарлар жуда катта миқдорни ташкил қила бошлади. Шунини таъкидлаш лозимки, компьютер жиноятининг ҳаммаси ҳам иқтисодий жиноятлар тоифасига кирмайди, уларнинг баъзилари оддий товламачилик бўлиб, бу жиноят замонавий техника ёрдамида содир этилади.

Баъзи мутахасисларнинг фикрича, бундай жиноятларни умумий жиноятлар тоифасига киритиш лозим. Аммо олимлар иқтисодий жиноятлар тоифасига маълумотларни ёки дастурларни сохталаштириш (компьютер манипуляциялари), компьютер саботажи ва машина вақтини ўғирлаш каби жиноятларни қўшмоқдалар.

Кенг тарқалган, муҳим аҳамиятга молик иқтисодий жиноятларнинг турларига батафсил тўхталиш лозим.

### ***1. Эркин рақобат қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар***

*Нарх белгилашни муқим қилиш бўйича (тил бириктириш).* Қонунларга мурожаат қилинадиган бўлса, уларда нархни муқим қилиш ғайриқонуний эканлиги таъкидланган. Нарх тизими бўйича барча найрангбозликлар қонунлар билан тақиқланган. Аммо, рақиблар ўртасида нархни муқим қилиш бўйича келишувлар жиноят ҳисобланади. Беихтиёр бир хил нархлар ҳам белгиланган бўлиши мумкин ва бу ерда қонун бузилмаган бўлади. Қоидага мувофиқ, нархни муқим қилиш (агар улар қонуний фойда олишга қаратилган бўлса ҳам) бўйича комбинациялар жинойий жавобгарликка тортиш

учун асос бўла олади. Ҳар қандай ҳолда ҳам нархнинг бирлиги сунъий юзага келтирилган деб ҳисобланади.

Нарх бўйича келишувларнинг исботи бўлиб, одатда рақобатчиларнинг учрашувлари, нарх рўйхатлари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг мавжудлиги ва бу ҳужжатларни бир-бирига тақдим этишлари хизмат қилади.

Нархларни муқим қилиш бўйича операцияларнинг мақсади — у ёки бу товарни сотиш билан шуғулланувчилар уртасидаги рақобатни йўқотишдир. Рақобатлашаётган фирмалар товарларни келишган нархда сотишга аҳд қиладилар. Бундай келишилган нархлар, одатда, рақобат кураши шароитидагидан юқори бўлади.

Нархни муқим қилишнинг яна бир кенг тарқалган курилиши — бу уларни сунъий пасайтириш ёки кутаришдир. Бундай ҳолатда рақиб компаниялар ўзаро нима билан савдо қилиш ва қайси нархда маҳсулотни сотишни келишиб оладилар. Мустақил фаолият юритувчи тадбиркорлар, истеъмолчиларнинг манфаатларига зид бўлса ҳам, албатта, қонунлар доирасида нархларни ўзларига фойда келтирадиган миқдорда белгилашлари мумкин.

*Бозорда ўзининг устун мавқеини суистеъмол қилиш.* Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар, энг аввало, нархни белгилашда чеклашлар қўйиш, ўз рақибларини байкот қилиш орқали фаолиятини чеклаш, уларнинг маҳсулотларини сотишдан бош тортиш, маҳсулотни етказиб беришни чеклаш ёки тақиқлаш, демпингни қўллаш, воситачилар учун маҳсулотни сотиш нархи ва ҳудуди чегараларини белгилаб қўйиш фақат ўзларининг яккахонлигини талаб қилиш ва бошқалар.

Нархнинг дискриминацияси (чеклашлар) сотувчининг, бир томондан, бир турдаги маҳсулотни харидорларга турли нархлар нисбатида, иккинчи томондан, товарни ишлаб чиқариш харажатларига номутаносиб тарзда сотишга уринишида қўлланилади.

Нарх «адолатли» булиши учун у сарф-харажатга яқин булиши лозим. Рақибни бозордан ёки бирон ҳудуддан сиқиб чиқариш учун йирик фирма, компаниялар турли чегиришлар, имтиёзли нархлар тизимини қўлайдилар ва шу орқали ўзларининг ҳукмрон ҳолатларини сақлашга уринадилар. Бу эса уларга муайян бир муддатдан сунг нархни ошириб, монопол фойда олишга имкон туғдиради.

*Саноат шпионажи.* Ҳозирда ушбу жиноят тури компьютер ёрдамида ёхуд рақибнинг турли фирма идораларида ишлайдиган хизматчиларини сотиб олиш воситасида содир этилмоқда. Жиноятлар рақибнинг илмий изланишлари хусусидаги маълумотларни олиш, фаолиятини аниқлаш, унинг маҳсулотларини сотувчи ташкилотлар хусусидаги ахборотларни олиш, истеъмолчиларининг рўйхати ҳамда ҳисоб ҳужжатларини урганиш орқали содир этилади.

## ***2. Депозит капиталларни сууистеъмол қилиш, кредитор, гарант ва шу кабиларга зиён етказишдан иборат жиноятлар***

*Сохта банкротлик.* Сохта банкротлик қаллоблик йўли билан мавжуд бўлган фирма номига олинган кредитларни қайтармай, сууистеъмол қилиш оқибатида ёки солиқларни тулашдан буйин товлаш натижасида содир этилади.

Товламачилик ёрдамида амалга оширилган кредит операциялари бир неча бошқичдан иборат бўлади:

- товарларни кредитга олиш;
- сотиб олинган молни сотиш ёки бошқа хатти-ҳаракатни амалга ошириш;
- ўз ҳаракатларини бекитиш;
- кредиторларга қарзни туламаслик;
- банкротлик хусусидаги петиция, суровни тегишли идораларга топшириш.

Бундай банкротлик режалаштирилган деб таснифланади. Бундай жиноятлар бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет уч босқичдан иборат хатти-ҳаракатдан ташкил топади. Уч босқичли банкротликда, энг аввало, янги фирма ёки компания ташкил этилади. Сўнг банкда ҳисоб рақами очилади ва операциялар амалга оширилади. Компания турли товар етказувчилардан мол ола бошлайди ва уларга тулаш учун кредит олишга банкка мурожаат этади.

Компания олинган кредитни янги мол етказиб берувчиларни излаб топишга, товарларни сотиб олишга сарф қилади, тулов муддати келган кредитларни тулашни кечиктириб, пайсалга солиб боради. Компания ўз буюртмаларини купайтириб, сўнг уларни паст нархларда уғирланган товарлар билан савдо қиладиганларга ёхуд маҳсулотнинг келиб чиқиш манбаи билан қизиқмайдиганларга сотади. Тадбиркорлар товар бўйича тушумларни оладилар, уларни ё бекитадилар, ё иш фаолиятларини тугатишади, ана ундан сўнг ўзларини банкрот деб эълон қилишади.

Баъзи ҳолларда жиноятчилар куйидагича иш тугадилар: фаолият кўрсатиб турган, катта суммада кредити бор фирма ёки корхонани сотиб оладилар, товарларни кўп миқдорда харид қилиб, сўнг ўзларини банкрот деб эълон қиладилар.

*Субсидиялар борасидаги товламачилик.* Бу борадаги жиноятлар серфойда бўлиб, у кенг тарқалгандир. Бу жиноятлар давлатнинг расмий субсидияларини бу маблағларни олишга ҳуқуқи йўқ шахсларга (юридик ва ҳусусий) расмийлаштириш асосида амалга оширилади.

Давлат субсидиялари, одатда, қишлоқ хужалик корхоналарини ривожлантиришга, қурилишга ҳамда экспорт, импорт савдо операцияларини амалга оширишга ажратилади. Аксарият ҳолларда, хусусан, Германияда, ташқи иқтисодий савдо-сотиқни ривожлантиришга ажратилган субсидиялар борасидаги товламачилик кўп уч-



райди. Масалан, ҳукумат маҳсулотини дунё бозорида паст нарҳда сотадиган рақобатдош бўлмаган фирмаларга, агар ҳукумат шу фирмалар орқали маҳсулотини сотишга манфаатдор бўлса, субсидиялар ажратади. Ҳукумат Африка ва Осиё мамлакатларига товар сотадиган фирмаларга кўпроқ субсидиялар ажратади. Бундай ҳолатда фирмалар мамлакатлар билан ўз вакилларининг воситачилигида сохта шартнома тузадилар ва шу асосда катта пул маблағларига эга бўладилар, товарларни кўп миқдорда субсидия олиш ҳуқуқини бермайдиган ўзга мамлакатларга олиб бориб сотадилар.

Товламачиликнинг яна бир тури товарларни импорт қилаётганда юзага келади. Бу ҳолатда жинойтчилар ривожланган мамлакатлардан товарни сотиб олиш учун ~~субсидияларни олиб~~, аслида товарларни ривожланаётган мамлакатлардан харид қилиб, уларни Европа савдо маҳсулотлари деб ўтказадилар. Бу товламачиликлар товар ҳужжатларини сохталаштириш, лавозимдаги шахсларга пора бериш ва шу кабилар орқали содир этилади. Бу кўринишдаги товламачиликлар реал мавжуд фирмалар томонидан амалга оширилади. Лекин амалиётда сохта фирмаларнинг ҳам субсидия олишлари тез-тез учраб турадиган ҳолга айланиб қолди. Бундай ҳолларда иккиёқлама товламачилик юзага келади — амалда йўқ фирма субсидия олади. Иккинчи томондан, сохта фирмани ташкил қилган жинойтчилар ташқи савдога туланадиган катта миқдордаги солиқларни тулашдан қутулиб қоладилар.

*Баланс ведомостлари буйича товламачилик.* Баланс ведомостларини қалбакилаштириш улардаги камомадни, товламачиликни, кредитлар буйича найрангларни ҳамда компаниянинг салбий молиявий ҳолатини яшириш мақсадида амалга оширилади. Баланс ведомостларида компаниянинг тулов қобилияти кўсаткичлари сохталаштирилади. Бу хатти-ҳаракатларга яна акционерларни жалб қилиш ҳам назарда тутилади.

### 3. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини поймол этишга қаратилган жиноятлар

Бу гуруҳ жиноятларга савдода, истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришда ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш соҳаларида содир этилган ҳамда истеъмолчига зиён етказиш билан боғлиқ жавобгарликлар кирадир. Хусусан, АҚШда 1964 йили қабул қилинган “Фирром савдо амалиёти туғрисида умумий қонун”да фирма, компаниялар жинойий фаолиятларининг қуйидаги кўринишлари келтирилган:

- товарни сотишда, хизматларни бажаришда уларни ўзга товар ва хизматлар деб ўтказиш;
- ресурслар, ҳомийлар, товар ассортименти ва хизмат кўрсатиш бўйича атрофдагиларни чалғитиш;
- сохта ваколатхона ва номлардан фойдаланиш;
- товар ва хизматларни махсус тавсифларга, хусусиятларга, ингредиентларга, афзалликларга, юқори сифатга эга қилиб кўрсатиш.

Капитал маблағлар бўйича товламачилик ҳам баланс ведомостларини сохталаштиришнинг оқибати сифатида кенг тарқалган. Баланс борасидаги товламачилик жиноятларининг энг марказида «яширилган (хуфёна) захиралар» деб номланган капитал ётади-ки, у баланс ведомостини кўздан кечираётган бегона шахсларга «қуринмайдиган» реал капиталдир.

Шундай қилиб, компаниянинг реал капитали ведомостларда кўрсатилмайди, яна бир қисм маблағлар акционерлардан ҳам яширилади. Бундай «яширилган захиралар»нинг мавжудлигини асослашда компания раҳбарлари бундай захиралар оғир молиявий ҳолат юзга келган зиёнларни қоплаш, уларни фойда топишга буриш мумкинлигини эътироф этадилар:

- амалда узгарган, ишлатилган, эскирган товарларни янги, оригинал сифатида тавсия этиш;

- амалда товарни унга хос бўлган сифат, нав, алоҳида стандарт, услуб, моделга эга деб тавсия этиш;
- рақибнинг товар ва хизматларига хос бўлган афзалликларни пасайтириб кўрсатиш, бундай ҳолатни тасдиқловчи сохта ҳужжатларни тавсия этиш;
- товар ва хизматларни сохта реклама қилиш;
- нархни пасайтиришни асослаш хусусидаги ёлғон аризаларни тарқатиш;
- рақибни чалғитадиган бошқа хатти-ҳаракатлар.

Бу борада амалда барча мамлакатлар қонунчилигида сифатсиз медикаментлар, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарганлиги ва сотилишини ташкил қилгани учун жавобгарлик кўзда тутилган (масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддаси).

#### **4. Давлат молия тизимига тазжовуз билан боғлиқ жиноятлар**

*Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш.* Корпорацияларнинг ташқи савдо операцияларидан ва шу каби-лардан келадиган фойдадан тўланиши лозим бўлган солиқлардан бўйин товлаш бўйича фаолиятлари иқтисодиётга сезиларли зиён етказди. Одатда, корпорацияларнинг бундай хатти-ҳаракатларига бошқа, масалан, субсидиялар, кредитлар бўйича товламачилик, фойдани яшириш ва бошқалар сабаб бўлади.

Солиқлар борасидаги товламачиликнинг яна бир кўриниши компанияларнинг ўз бошқариш органларини (асосий офисларини) товардан катта солиқлар олинмайдиган мамлакатларга кўчиришларидир. Ўз мамлакатда товарни ишлаб чиқариб, ўзларининг ҳужалик фаолиятларига тааллуқли ҳужжатларни бошқарув органлари кўчирилган мамлакатда сақлайдилар. Амалда эса ҳеч қандай ишлаб чиқаришнинг ўзи йўқ, ваҳоланки, фирмага солиқ ҳужжатлар бўйича қайси мамлакатда товар иш-

лаб чиқарилса, уша мамлакат қонунлари, солиқ ставкалари орқали белгиланиши кўзда тутилган.

Компания, фирмалар яна сохта фирмаларни ташкил қилиш, фойдани филантроп, хайрия фондларига (улар солиқлардан озод қилинганлар) ўтказиш, ҳисоб рақамларини яшириш, баланс ведомостларини қалбакилаштириш каби ишлардан кенг фойдаланадилар.

Солиқни тулашдан бўйин товлаш бўйича содир этиладиган жиноятлардан бири—бож солиғини туламаслик. Бу ҳолатда товарларни кантрабанда йўли билан мамлакатга олиб кириш кўзда тутилади. Жиноят содир этиш жараёнида сохта декларацияларга, ҳисоб рақамларига ва бошқа ҳаракатларга қўл урилади.

### *5. Компьютер жиноятлари*

Компьютер жиноятларини, одатда, ЭҲМларда ишлаш ҳуқуқига эга хизматчилар содир этадилар. Хизматчилар, маъмурият вакиллари, бошқарувчилар профессионал дастур тузувчиларга нисбатан кўпроқ айбдор бўладилар. АҚШда содир этилган компьютер жиноятларининг ҳар мингдан еттитасигина профессионал дастур тузувчилар томонидан амалга оширилади.

Компьютер жиноятлари билан боғлиқ муаммоларнинг яқин йилларда юзага келишига қарамасдан, уларни таснифлаш масаласи аниқ йўлга тушган. Олимлар ушбу жиноятчиликнинг қуйидаги турларини ажратадилар:

1. Жисмоний суиистеъмоллик ўз ичига: анжомларни бузиш, йўқотиш; дастур ёки ахборотни йўқ қилиш; ёлғон, сохта маълумотларни киритиш; турли етказувчилар (дискета, перфокарта ва бошқалар) даги ахборотларни ўғирлашни қамраб олади.

2. Операцион суиистеъмолчилик ўз ичига фирибгарликни (ўзини бошқа шахс ўрнида тавсия этиш), санкциясиз компьютерларнинг охириги маълумотларини чиқарувчи қурилмалардан фойдаланишни олади.

3. Дастурлар буйича суиистеъмоллик ўз ичига «мантикий бомба», «тройликлар оти» ва бошқа шу каби номлар билан аталган дастурларни математик таъминланганлик тизимига киритишни олади. Биринчи дастурда компьютерга муайян бир давр ичида топшириқ киритилади ёки санкцияланмаган ҳаракат қўшилади, иккинчисида эса оддий мавжуд дастурга суиистеъмолчининг топшириғи киритилади.

4. Электрон суиистеъмолликлар уз таркибига схемали ва аппаратли ўзгаришларни, муайян бир даврда дастурни ўзгартириш каби натижаларни берувчи ўзгаришларни олади.

Олимлар уртасида бу турдаги жиноятларни яна бундан ҳам қисқа тавсифлаш фикрлари мавжуд: 1) ЭҲМларга ёки уларнинг алоҳида қисмларига нисбатан вандализм; 2) ЭҲМдан ахборотни ўғирлаш; 3) ЭҲМ орқали ёки унинг ёрдамида ўғирлик содир этиш.

Биринчи турдаги жиноятлар ЭҲМ эгасига зиён етказиш, ЭҲМни ишдан чиқариш мақсадида амалга оширилади. Жиноятчи томонидан ўчириб юборилган магнит тасмадаги ахборотни тиклаш жуда кўп вақтни ва катта пул маблағларини тақозо этади. ЭҲМлардан ахборотни ҳамда қимматли дастурларни ўғирлаш рақибни обрўсизлантириш ёки рақиб фирма маълумотларини тарқатиш мақсадида амалга оширилади. Бу жиноятларни содир этадиганлар фирма, компания туғрисида маълумотларга эга ҳамда ЭҲМга кириш имконияти бўлган шахслардир. Бундай хатти-ҳаракатдан мақсад компьютер ёрдамида шахсий манфаатни қондиришдир. Жиноятчилар товар ва мулкларни ўғирлаш билан бирга, ЭҲМга товарларни белгиланган жойга жунатиш хусусида буюртмаларни киритиши ва шунга яраша қўлланмаларни ишлаб чиқиши мумкин.

Энг кўп хавф молия соҳасидаги жиноятлардан юзага келади. Ҳисоблаш техникаси орқали амалга оширилган оддий фирибгарликлар жиноятчиларга сохта

жамғармаларни ва уларга фақат йуқ фойдаларни олиш имконини беради.

Бир неча йиллик тажриба ҳамда тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ахборотнинг ЭҲМ орқали утишининг барча босқичларида у жиной тажовузга дуч келиши мумкин экан.

Жиноятчилар ЭҲМларга ёлғон ёки эскирган, сохта ҳисоб рақамлари ва шу кабиларни киритишлари ва натижада катта даромадларни узлаштиришлари мумкин.

### *6. Тижорат пораси*

Тижорат пораси бирон-бир хизматчига фирма ёки хусусий шахс томонидан унга юклатилган функцияларни бажармаслиги ёки уларни бузиб бажаришига таъсир курсатиш мақсадида берилган ёки олинган мукофотдир.

АҚШнинг Нью-Йорк штати Жиноят кодекси бу жиноятни қуйидагича таърифлайди: «Шахс, агар у қандайдир фойдали нарсани (ахборотни) берса ёки б'ришга розилиги бўлса ёки шундай фойдани (ахборотни) ҳар қандай хизматчи, агент ёки ишончли шахсга уз раҳбари ёки корпорация бошлиғидан берухсат тавсия этса, уз раҳбари, директоридан берухсат қандайдир мукофотни узга шахсдан олса ва бу мукофот унинг узини тутиши, ишни олиб боришига берилганлигини тушунса, у тижорат порасини берган ёки олганликда айбланади». Ҳар қандай хизматчи, агент ёки ишончли шахс тижорат порасини олишда айбдор.

Ушбу жиноятнинг субъекти сифатида қуйидаги шахслар тан олинади: ходимлар ва агентлар; маъмурлар, оталиққа олган ёки узга ишончли шахслар, юристлар, врачлар, бухгалтерлар, баҳоловчилар ва бошқа профессионал маслаҳатчилар, директорлар, шериклар, бошқарувчилар ва арбиторлар.

Одатда, пора пул қуринишида булиб, агентга, хизматчига ёки ишончли шахсларга туғридан-туғри берилади. Аммо буларнинг ҳаммаси яширин шаклда амал-

га оширилади. Бу ишлар қабул, тақдимот маросими ёки бирон-бир пули туланган тантанага таклиф кўринишида бўлиши ҳам мумкин.

Пора тўғридан-тўғри эмас, балки пора олувчининг оиласи, хотини, эри воситасида берилиши мумкин. АКШнинг Айова штати қонунчилигида ўзининг фойдаланиши учун бевосита ёки билвосита олинган ҳар қандай совға, у мукофотлар кўринишида бўлса ҳам, пора ҳисобланади. Миссисипи штатида пул, товар, кучмас ва кучма мулк, бирон-бир фаолиятга рухсат (лицензия) ҳуқуқи пора сифатида олинса, агент ёки унинг хотини пора олган деб ҳисобланади.

Кўпчилик штатларда корпорация ёки фирма раҳбари, директори ўзининг агент ёки ходимларининг пора олишларини билмасликлари жиноятнинг асосий элементи ҳисобланади. Директорга етказилган зиён жиноятнинг зарур элементи була олмайди.

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ҲОЛАТИ

Гарб мамлакатларида иқтисодий жиноятлар статистикаси жуда мураккаб бўлиб, бирон-бир мамлакатда уларнинг алоҳида ҳисоби олиб борилмайди. Фақат Германия ва Франциядагина расмий статистикада бундай булим мавжуд. АҚШда иқтисодий жиноятлар тўғрисида тарқоқ маълумотлар ёки бу жиноятларни содир этганларнинг жазоланганлиги хусусидаги ахборотлар чоп этилади. Иқтисодий жиноятлар статистикасининг тулиқ эмаслиги бу жиноятларнинг кўлами, динамикаси хусусида гапиришга имкон бермайди.

Иқтисодий жиноятларнинг давлатга етказган зарари хусусидаги маълумотларгина катта аудиторияга етказилиши мумкин. Зарарнинг даражаси турли молия органлари, солиқ бошқармаси, савдо вазирлиги ҳамда ўзга ноюрidik идоралар томонидан ҳисобланади.

Махсус адабиётларда иқтисодий жиноятлардан келган зарарларнинг иқтисодий, жисмоний ва ахлоқий кўринишлари қайд этилган.

Миқдор нуқтаи назаридан фақат иқтисодий зарарнигина тулиқ ҳисоблаш мумкин. Хусусан, АҚШ мутахассислари корпорациялар томонидан содир этилган иқтисодий жиноятлар натижасида юзага келган йиллик зарар 174 млрд дан то 231 млрд гача суммани ташкил қилади, деб тахмин қилмоқдалар. Бошқа иқтисодий жиноятлар, масалан, компьютер жиноятлари йилига АҚШга 300 миллиондан 6,0 млрд гача зарар етказар экан.

Германия Федератив Республикасида қурилишдаги фирибгарлик натижасида етказилган зарар тахминан 7 млрд; солиқ тулаш бўйича фирибгарлик 5.5 млрд;



таъминланмаган чек ва векселлардан фойдаланиш йилига 2 млрд; атроф муҳитни ифлослантириш буйича жиноятлар (фақат ҳавони ифлослантириш буйича) 1,5 млрд маркани ташкил қилади.

Иқтисодий жиноятларнинг баъзи турларининг бир мамлакат доирасидан ташқарига чиқиши 70–80-йилларнинг ўзига хос воқелиги бўлди. Кўп жиҳатдан бундай жиноятлар халқаро корпорацияларнинг ривожланаётган мамлакатларга қарши қаратилган жинойий хатти-ҳаракатларининг даражаси билан белгиланади.

Охириги йилларда бундай ғайриқонуний фаолиятдан юзага келадиган зарар ҳам ҳисобланмоқда. Энг кўп тарқалган типик жиноятлардан бири ривожланаётган мамлакатларга сотилаётган товарлар нархини уртача Европа нархилан бир неча баробар кўтариб сотишдир.

Ғарб мамлакатлари криминологлари узоқ йиллар давомида иқтисодий жиноятларни қурбонсиз жиноят, чунки бундай жиноятлар зўрликка асосланмайди, деб таърифлайдилар. Аммо 70-йилларнинг охирида криминологлар томонидан корпорацияларнинг жиноятлари урганилганда, бундай жиноятлар зўрликка асосланган, деган фикр тарқалди. Корпорацияларнинг ғайриқонуний фаолиятлари тадқиқ қилинганда, улар томонидан содир этилган жиноятлар катта жисмоний зарар етказиши маълум бўлди. АҚШ олимларининг маълумотлари буйича, корпорацияларнинг техника хавфсизлиги нормаларига била туриб эътиборсизлик қилишлари ва ишчи-хизматчилар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонунларни бузишлари оқибатида йилиги 100 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлади, ўлдириш ва бахтсиз ҳодисалар натижасида эса йилига 22,5 мингдан зиёд киши оламдан кўз юмади. Сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда медикаментларни ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмоли йилига 20 миллиондан ортиқ бахтсиз ҳодисаларга сабабчи бўлади, улардан 30 минги улим билан тугайди. Ҳар йили 140 мингдан ортиқ киши

(АҚШда улганларнинг 9 фоизини ташкил қилади) ҳавонинг ифлосланишидан, корпорацияларнинг атроф муҳитни ҳимоя қилиш туғрисидаги қонунларни қўпол бузишларидан бу дунёдан кўз юмадилар.

Ғарб олимлари иқтисодий жиноятчилик етказадиган маънавий зарар масаласига ҳам адоҳида эътибор берадилар. Бу масала охириги ун йилликда фаол урганилмоқда. Маънавий зарар деганда жамиятни маънавий инқирозга олиб келувчи. ақолининг давлат институтлари фаолиятига, шунингдек, рақобат курашида ҳалол қатнашиши, туғри йул билан фоида олишига ишончининг йўқолишига сабаб булувчи жиноятлар тушунилади. Иқтисодий жиноятлардан юзага келадиган номоддий зарар ишбилармонлар доирасидагиларнинг бир-бирига ишончининг йўқолишига, жамиятда ахлоқ даражасининг тушишига, тулик ижтимоий парокандаликка сабаб булади.

Ҳақиқатан ҳам, номоддий зарарнинг эмпирик зав-жудлигини ҳисоблаш, исботлаш жуда мураккаб ишдир. Ғарб мамлакатлари иқтисодий тизимида қонуний иш тутувчи, тартибли тадбиркор жиноий хатти-ҳаракат килувчи рақиблари томонидан узи хохламаган ҳолда жиноий ишга қўл уриб қўйиши ва шу билангина у узининг рақобатбардошлигини сақлаб қолиши мумкин.

Бундай ҳолатлар кишиларнинг жамиятнинг конституцион принциплари, фундаментал асосларига булган ишончини йўқ қилади. Ишончининг йўқолишига асосий сабаб иқтисодий жиноятларнинг, одатда, юқори лавозимдаги, ижтимоий иерархиянинг юқори поғонасида турган обрўли кишилар томонидан амалга оширилганлигидир. Бу шахсларнинг содир этган жиноятлари учун олган жазолар ё юзаки булади, ё умуман жазо олмасликлари мумкин. Бу эса, бундай қилмиш учун юзага келадиган жиноий жавобгарликка умуман мос келмайди. Натижада адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза килувчи органлар обрўсини тукади.

жазоланмаслик муҳитини юзага келтиради. Умуман олганда, криминологлар фикрича, иқтисодий жиноятларнинг ижтимоий оқибатлари нуқтаи назаридан ёндошиладиган бўлса, маънавий зарар баъзи ҳолларда иқтисодий зарардан хавфлироқдир.

Юқорида қайд қилинганидек, иқтисодий жиноятлар узишини кузатиш жуда мураккаб, ваҳоланки, баъзи мамлакатларда уларнинг алоҳида кўринишларини кузатиш мумкин. Масалан, Германия Федератив Республикасида иқтисодий жиноятлар умумий жиноятларнинг 35 фоизини ташкил қилади. Иқтисодий жиноятлар таркибида уларнинг оғир турлари тахминан, 15 фоизни ташкил қилади. Аммо республика мутахассисларининг таъкидлашича, келтирилган маълумотлар иқтисодий жиноятларнинг реал даражасини тулиқ ифодаламайди, бунинг сабаби уларнинг юқори латентлигидадир.

ГФРда 1983 йили 3747 суд муҳокамаларида қурилган оғир иқтисодий жиноятлар бўйича 6423 кишига жазо белгиланди. 70 фоиз жиноятлар хусусий шахслар ишончини суиистеъмол қилиш, 42 фоизи кредит олиш билан боғлиқ товламачилиқдир. Учдан бир ҳолатларда давлат, 10 фоиз ҳолатларда-ижтимоий муассасалар, гўртдан бир ҳолатда — якка шахслар ва хорижий ташкилотлар, 4 фоиз ҳолатларда - хусусий тадбиркорлар зарар қурганлар. 1984 йили, солиқ соҳасидаги жиноятларни ҳисобга олмаганда, 135 000 жиноят рўйхатга олинган. Улардан 3000 оғир жиноятлар; уларни содир этганларнинг 65 фоизи жазога ҳукм этилганлар. 1987 йили 38769 жиноят, 1988 йилда эса бундан 11 фоиз кам жиноят содир этилган (яъни 34404). Жиноятлар сонининг камайиши иқтисодий жиноятларни ҳисобга олиш техникаси узгарганлиги билан боғлиқ. Юқорида келтирилган жиноятлар рўйхатига компьютер жиноятлари ва атроф муҳитга қарши жиноятлар киритилмаган, чунки улар алоҳида ҳисобга олина бошланган.

Бу мамлакатда аниқланган компьютер жиноятлари унчалик кўп эмас, лекин улар сонининг кўпайиши кузатилмоқда. Агар 70-йилларда йилига 15–20 бундай жиноятлар содир этилган бўлса, 1985 йилда 635 ҳолат аниқланган. Улардан 624 таси компьютер шпионажи, 4 таси компьютер саботажига ва 7 ҳолатда турли фирибгарликлар содир этилган. 1987 йили 3067 жиноят рўйхатга олинган. 1988 йили эса — 3355 та.

Атроф муҳитга қарши қаратилган жиноятлар алоҳида рўйхатга олинади. Шунини таъкидлаш керакки, бу турдаги жиноятлар бошқаларига нисбатан интенсив равишда кўпайиб бормоқда. Хусусан, 1980 йили 7700 жиноят рўйхатга олинган, 1985 йили—12900, 1986 йили — 17600, 1987 йили эса — 17930. 1988 йили 21116 жиноят рўйхатга олинган, бу эса 1987 йилдагидан 17,8 фоиз кўпдир. Алоҳида таъкидлаш лозимки, компьютер жиноятлари сонининг кўпайиши улардан 74,4 фоизининг очилиши билан ҳам боғлиқ. Бу юқори курсаткич ҳисобланади, чунки бошқа иқтисодий жиноятлар буйича очилиш курсаткичлари бунчалик юқори эмас.

АҚШ да содир этилган иқтисодий жиноятларнинг умумий сони буйича статистик маълумотлар чоп этилмаган. Уларда шу жиноятлар буйича жазоланганлар сони эълон қилинади (1988 йили 1983 ва 1985 йилларда жазоланганлар сони берилган, холос) ва шу сабабли жиноятлар ўсишини кузатиш амалий жиҳатдан мумкин эмас. Хусусан, 1983 йили АҚШнинг 8 та штати буйича «оқ ёқаликлар», яъни иқтисодий жиноятларни содир этган ва ҳибсга олинганларнинг 88 фоизи жазоланганлар, бу курсаткич зуравонликка асосланган жиноятлар буйича курсаткичдан (82 фоиз), мулкка қарши қаратилган жиноятлар курсаткичидан (86 фоиз) юқори. «Оқ ёқаликлар» содир этган жиноятлар учун 18 фоиз ҳолларда бир йилдан ортиқ жазо белгиланган, бу курсаткич ҳам зуравонликка асосланган ҳамда мулкка

қарши қаратилган жиноят буйича кўрсаткичлардан паст ҳисобланади. Умуман олганда, иқтисодий жиноятларни содир этганларнинг 60 фоизи, зўравонликка асосланган жиноятларнинг 67 фоизи, мулкка қарши қаратилган жиноятларнинг 65 фоизи жазога маҳкум этилганлар. «Оқ ёқаликлар» содир этган жиноятлар буйича 55 фоиз шахс устидан жиноий иш қўзғатилган, 79 фоиз жиноий ишлар фирибгарлик моддаси буйича қўзғатилган.

«Оқ ёқаликлар» содир этган жиноятлар буйича 1985 йили 10733 киши жазоланган, бу 1980 йилдагига нисбатан 18 фоиз кўпдир. Жазоланганларнинг 40 фоизи бошқа жиноятларга нисбатан қисқа муддатларга озодликдан маҳрум этилган. «Оқ ёқаликлар» жиноятлари буйича маҳкум этилганлар асосан жарима тулашган. — Озодликдан маҳрум этилганларнинг аксарияти чекларни, кредит карточкаларни ва узга ҳужжатларни қалбакилаштирганлар (59 фоиз), улар учун белгиланган жазо муддати уртача 40 фоизни ташкил этди. 1986 йили кредит карточкалар буйича фирибгарликлар 3,9 минг маротаба содир этилди. Бу жиноятлар натижасида юзага келган зарар тахминан 21,3 млн АҚШ долларини ташкил қилди.

Иқтисодий жиноятларни тадқиқ қилувчи олимлар бу муаммони ўрганиб, унга таъсир этувчи жиноятларнинг содир этилишини енгиллатувчи омилларни четлаб ўтолмайдилар. Иқтисодий жиноятларнинг сабабини тушунтириш жуда мураккаб функциядир. Бу, энг аввало, «иқтисодий» жиноятчиликнинг шахси билан боғлиқ. Бу хусусда Сатерленд уз асарида тухталган. Шунинг учун ҳам олимлар ғарб мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг алоҳидалик томонларини ҳисобга олиб, иқтисодий жиноятларнинг содир этилишига сабабчи бўлган шарт-шароитни аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Иқтисодий жиноятчиликка таъсир этувчи омилларнинг ўзгариши мамлакатдаги ижтимоий-иқ-

тисодий, сиёсий шароитнинг ўзгариши билан узвий боғлиқлигини кўпгина олимлар ўз асарларида таъкидламоқдалар. Иқтисодий инқирозлар даврида рақобат курашининг кучайиши, оғир шароитда «катта даромадлар қилинади» деган принцип асосида иш тутишга интилишлар иқтисодий жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат асосан корпорациялар фаолиятига хосдир. Таъкидланадики, иқтисодий ҳокимиятга эга бўлишнинг ўзи фойда олиш имкониятини яратади, «ишни осонлаштиради», «ҳокимлик ҳокимиятнинг чиришига олиб келади» тезисини тасдиқлайди.

Яна бир омил хусусида тўхтаб ўтиш мумкин, у ҳам бўлса, моддий муваффақият ва ҳокимиятга эгалик орқали жамиятда муайян мавқега эга бўлиш. Моддий бойликка эгалик қилишга, сиёсий мақсадларни рўёбга чиқаришга қонуний ҳокимият фойдаланиш йўл қўймаса, улар мақсад етишиш учун ҳокимиятни суиистеъмол қилади. Амбициянинг кучайиши қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик муносабатлари ўзининг ижтимоий ҳолатидан фойдаланиш нияти ўз фаровонлигига ноқонуний йўллар билан эришиш хоҳишини юзага келтиради.

Аммо иқтисодий жиноятларни фақат катта фойда олишга интилиш билангина тушунтириш, бу жуда ҳам соддадилликдир. Ғарб мамлакатларида юқори даражада мураккаб иқтисодий механизм қўлланилади. Жиноятни содир этишга ундайдиган ташкилий тузилмаларга тегишли бухгалтерия ҳисоби тизимига ва ҳисоботларнинг муҳим принципларига эга бўлмаган ташкилот ва муассасаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бир қатор мамлакатларда тафтиш тизимининг ўзи бухгалтерия ведомостлари бўйича бўладиган фирибгарликларга йўл очиб беради. ГФР да тафтишчи баланс ҳужжатларида аниқланган қонунбузарликларнинг олдини олишда ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас. Унинг

текширилаётган компания билан муносабати ўзаро ишончга, аниқланган камчиликларни сир сақлашига асосланади.

Ўзгарувчан бозор шароитида, айниқса, инқирозлар даврида компаниялар шарт-шароит тазйиқи остида жиноий ишларга қўл уриб қўйган ҳоллар ҳам учраб туради. Технологиянинг янги даражага кўтарилиши мураккаб ва катта ҳажмдаги фирибгарлик операцияларини амалга ошириш ва уларни аниқлаш имкони ятини камайтиради. Иқтисодиётнинг мураккаблашуви иқтисодий жиноятларнинг юзага келиш хавфининг ортиб бориши билан боғлиқ. Бу жиноятлар «занжирли реакция»ни бошлаб беради. Рақобат курашининг мурасасизлиги рақибларнинг ўз шерикларига жиноятларни содир этишда тақлид қилишга мажбур қилиб қўяди. Бир жиноят иккинчи жиноятнинг юзага келишига сабаб булади.

Иқтисодий жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлувчи муҳим омиллардан яна бири ундан жабр тортганларнинг анонимлигидир. Бундай жиноятлар анъанавий жиноятларга нисбатан кам ваҳима солувчи, жамоатчиликни безовта қилувчи булиб уларнинг виктимологияси узоқ муддат давомида аста-секин юз беради. Масалан, табиий апельсин шарбатини ишлаб чиқарувчи унга шакар, «С» витамини ва бошқа субстанция маҳсулотларини қўшиб, миллионлаб қўшимча фойда олиши мумкин. Чунки оддий истеъмолчини бир цент ёки, балки 10 цент ҳам қўшимча тўлаётгани хусусидаги фикр унча безовта қилмайди, арзимаган ишга овора бўлишга, полицияга мурожаат қилишга асос бўла олмайди. Иқтисодий жиноятларга қўл урганлар масаланинг бу томонини ҳам ҳисобга оладилар. Ундан ташқари, яна қўйидагилар инобатга олинади: адвокатларга мурожаат қилиш қиммат туради, полиция ва бошқа қоралов органларининг ишлари бошидан ошиб ётибди. судларда

ишлар ойлаб чўзилиб ётади ва ҳоказо. Бефарқлик ва беғамлик, булар шундай омилларки, уларни жиноятчилар ҳисобга олиб, уз ишларини давом эттира-верадилар.

Яна бир мисол, жиноятчилар учун мижозлар, буюртмачилар ҳисоб-китоб счётларидан, яъни улар алоқа қиладиган юзлаб, минглаб счётлардан арзимаган пул миқдорларини уз счётларига утказадиган компьютер дастурларини киритишлари натижасида уларда жуда катта сумма тупланиши мумкин. Буюртмачи, мижозлар бу кам ҳажмдаги сумма утказилганлигини сезмасликлари ёки билган тақдирларида унинг кимлигини инобатга олиб, жанжал-туполон қилмасликлари жиноятчиларга жуда қўл келади. Корпорацияларнинг ходимлари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг механизми ҳам худди шундай ходимларнинг жинояти натижасидир. Улар бу хатти-ҳаракатларини компаниядан «қарзга олиш» деб тушунадилар, етказилган зарар маҳсулотнинг нархини ошириш ҳисобига истеъмолчи зиммасига юклатади.

Бундан ташқари, қонунчиликдаги камчиликлар, иқтисодий жиноятларнинг юқори латентлилиги, уларни аниқлаш ва очишнинг мураккаблиги каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қонунларда белгиланган жазонинг енгиллиги, яъни туланаётган жарима, маҳсулот нархини ошириш ҳисобига санкцияларнинг истеъмолчилар зиммасига юклатилиши корпорацияларни турли жиноий хатти-ҳаракатдан тухтата олмайди.



## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУАММОЛАРИ

Иқтисодий ҳаётни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоқлари ичида муҳим ўринни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг асосий шакли бўлган монополияларга қарши кураш ҳамда молиявий қонунчилик эгаллайди. Аммо охириги ўн йилликнинг ўзига хос томони иқтисодий фаолиятга нисбатан жиноят ҳуқуқининг ривожланиши бўлди.

Ғарб мамлакатларида иқтисодий ривожланишнинг ўзига хослиги турли даврларда хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан бошқаришнинг бир хил эмаслигидадир. Баъзида давлатнинг назорат функцияси кучайган, баъзида эса иқтисоднинг ривожланиш даражасига қараб сусайган бўлади. Бу мойилликни АҚШ мисолида яққол кўриш мумкин. АҚШда Ғарбий Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, давлат сектори ҳеч қачон катта улушни ташкил қилмаган, кенг ҳажмдаги национализация ўтказилмади, яъни давлат томонидан тартибга солиш давлат бошқарувига айланмади.

Америка ҳукумати бошқа мамлакатларда қўлланилган дунё бозоридаги рақобат курашида ўз позициясини мустаҳкамлаш мақсадида трестларга ёрдам бериш, рағбатлантириш сиёсатидан фойдаланмаган. АҚШ шароитида хўжалик фаолиятини давлат томонидан бошқаришнинг асосий кўриниши антитрест қонунчилигини яратиш билан боғлиқ бўлган. Бу фаолият, биринчи навбатда, алоҳида монополистик уюшмаларнинг ўз манфаатини устун қўйиш сиёсатиغا қарши ҳалол рақобатни сақлаш ва қўллаб-қувватлашга

қаратилган. Бу борада яратилган қонунчилик унча катта бўлмаган монополиялар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган.

Маълумки, катта монополистик уюшмалар, гигант корхоналар рақобат курашининг кескинлашувига сабаб бўлади. Қонунлар ичида 1890 йил қабул қилинган «Шерман қонуни» алоҳида урин тутади. Бу қонун ўзга норматив моддалардан фарқли ўлароқ, монополияларни «қонундан ташқарида» деб эълон қилган ва бу қонунга итоат этмаганлар учун жиноий жавобгарлик кузда тутилган. Сўнг Клейтон (1914 йил), Робинсон-Патман (1936 йил), Селпер Кефвер (1950 йил) ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Аммо ҳаёт шуни кўрсатдики, трестлар фаолиятини бошқариш, умуман олганда, кам самарали бўлиб келмоқда. Қонунларнинг бузилиши хусусидаги ишларни ҳал этиш йиллар давомида тугалланмай қолган. Бу эса, ўз навбатида, йирик монополистик уюшмаларга бир неча, баъзи ҳолларда ун йиллаб ўз фаолиятларини давом эттириш, имтиёзлардан фойдаланиш натижасида катта-катта даромадлар олиш имконини бермоқда. АҚШда ҳар йили минглаб фирма қушилишиб, йириклашиб бормоқда. 70-йилларда уларнинг сони йилига 2 мингдан ошиб кетган эди. Бундай шароитда давлат томонидан кагик назорат қилиш зарурияти туғилган. аиниқса, 70-йилларда бу ишга катта эътибор берилган ва, биринчи навбатда, истеъмолчининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш (масалан, 60-йилларда 20 дан ортиқ, 70-йилларда эса 150 дан зиёд қонун истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш)га қаратилган бўлса, 80-йилларда бу сиёсат борасида бир оз юмшоқлик, сусткашлик кузатилди.

Ҳукумат бу йилларда ишлаб чиқаришни концен-трациялаш, капиталнинг йирик корпорациялар қулида жамланишига иул берди. Натижада янги йирик корпорациялар даври бошланди. Аммо мутахассис-ларнинг фикрича, сунгги йилларда бундай сиёсатнинг

салбий натижалари намоён була бошлади. Жамоатчилик фикрини урганиш корпорациялар сиёсатига қарши чора-тадбирларни, улар фаолиятини тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. 1985 йилдан бошлаб, яна эски монополия ва рақобат бўйича қонунчиликка риоя қилиш кучайтирилди. 1981—1987 йиллар мобайнида Антитрест бошқармаси йилига ўртача 80 тадан жиноий ишни судга йўллади.

Трестлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик нафақат АҚШда, балки Европа мамлакатларида ҳам мавжуд. Европада бу борада вужудга келтирилган тизим америкаликлар тизимидан бир оз фарқ қилади. Канада, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳам шунга ухшаш қонунлар қўлланилади.

Европа тизими нафақат Европа мамлакатларида, балки Австралия, Янги Зеландия ва бошқа мамлакатларда ҳам қабул қилинган. Бу тизим асосида (Шерман қонунидан фарқли ўлароқ) монополияларни ғайриқонуний деб эълон қилиш ётмайди. Монополиялар мавжудлиги тан олиниб, қонунлар улар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суистеъмолликларга қарши кураш чораларини белгилайди.

Германия Федератив Республикаси АҚШ ва Европада шаклланган тизимлар ўртасидаги оралиқ тизимдир.

Ғарб мутахассисларининг фикрича, умуман олганда антимонопол қонунчилиги иқтисодий жиноятларнинг узига хос кўриниши бўлган корпорациялар жиноятига қарши қаратилган воситалардан биридир.

Кўпгина қонуний меъёрлар иқтисодий жиноятларга қарши иқтисодий фаолият соҳасини тартибга солишга қаратилган. Ривожланган бозор муносабатлари мавжуд мамлакатларда давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви савдо соҳасидаги, қишлоқ хужалигини тартибга солувчи, солиқ, банк ва молия қонунчилиги орқали амалга оширилади. Бу қонунларнинг кўпчилиги моддаларида

содир этилган ҳуқуқбузарликларга жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Бу соҳадаги қонунчиликнинг ривожланиши иқтисодий жиноятларга нисбатан, масъулиятни кучайтириш томон бормоқда. Бунга ёрқин мисол сифатида 30-40 йилларда АҚШ да қабул қилинган бир қатор қонунларни келтиришимиз мумкин. Уларда барча хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. 1933 йил қабул қилинган «Қимматбаҳо қоғозлар тўғрисида»ги, 1934 йил қабул қилинган «Қимматбаҳо қоғозларни айирбошлаш тўғрисида»ги, «Кредит шартномаси тўғрисида»ги (1939 йил), «Қимматбаҳо қоғозлар эгасининг ҳимояси тўғрисида»ги (1940 йил) ва бошқа қонунларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Қонунчилик ривожланишининг кейинги босқичи 70-80 йилларга тўғри келади. Бу даврда барча ривожланган мамлакатларда иқтисодий жиноятларга қарши махсус қонунлар қабул қилинди, мавжудлари муайян даражада кўриб чиқилиб, жазоларни оғирлаштириш томонга ўзгартирилди. Хусусан, АҚШда: «Товар айирбошлаш тўғрисида»ги (1976 йил), «Банк жамғармалари сири тўғрисида»ги (1976 йил), «Трестларга қарши процедура ва санкциялар тўғрисида»ги (1974 йил) қонунларда олдинги қонунларга ўзгартириш киритилиб, бу боралаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар оғир жиноятлар разрядига киритилди ва масъулият кучайтирилди.

«Жиноятчиликни назорат қилиш тўғрисида» (1976 йил) қабул қилинган қонунда АҚШ бош атторнейсига трестларга қарши қаратилган қонунларни бузганлиги учун корпорацияларни жиноий жавобгарликка тортиш борасида штатларга ёрдам бериш ва улар имкониятини ошириш мақсадида маблағлар ажратиш юклатилган. 1977 йили қабул қилинган «Халқаро коррупция тўғрисида»ги қонун Америка концернларига хорижий мамлакатларнинг расмий вакилларига пора беришни

тақиқлайди; 1978 йилдаги қонун асосида тиббий ёрдам курсатишнинг «Мэдикер» ва «Медикейд» дастурлари буйича фирибгарлик учун санкциялар кучайтирилган ва Соғлиқни сақлаш, Таълим ҳамда Ижтимоий таъминот вазирликларига ҳар қандай врач ёки тиббиёт ходимига уша дастурларда иштирок этиш тақиқлаш ҳуқуқини беради: «Компьютер тизими ҳимояси туғрисида» (1979 йил); «Кредит карточкаларини сохталаштириш ва қалбакилаштиришга қарши кураш туғрисида»ги (1984 йил) қонунлар АҚШ Қонунлар тўпламининг 1029 булимдан иборат «Молия соҳасида ва уларга кириш воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ноқонуний фаолият туғрисида»ги 18 булимини тулдирди. Бу бўлим сохта «кириш воситаларини» — кредит карточкалар, рақамлар, ҳисоб-китоб счёти рақамларини ишлаб чиқариш, фойдаланиш ёки узга шахсга бериш борасида содир этилган ҳуқуқбузарликларни уз ичига олади.

ГФРда 1974 йили купгина ҳуқуқбузарликларга жиний жавобгарлик белгиланган, «виждонсиз рақобат туғрисида»ги қонунга (1909 йил қабул қилинган) ўзгартиришлар киритилган. 1976 ҳамда 1986 йиллар кейинчалик Жиноят кодексига қўшилган иқтисодий жиноятларга қарши кураш қонунлари қабул қилинган. 1976 йили қабул қилинган қонунда сохта банкротликка, кредит ва субсидиялар буйича фирибгарликка, судхурликка жавобгарликлар кўзда тутилган; иккинчи қонунда компьютер ёрдамида фирибгарлик, сохта пул ишлаш, саноат шпионажи, компьютер саботажи, чеклар ва кредит карточкалар буйича суиистеъмолчиликлар, турли мукофотларни ўзлаштиришларга жавобгарлик кўзда тутилган.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш чоратадбирлари хусусида гапирганда, шуни ҳам назарда тутиш керакки, бу воқелик янги бўлмаса-да, бирон-бир мамлакатда шу кунга қадар уларга қарши курашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилмаган. Мавжуд дастурлар

ё чекланган ёки кўз-кўз қилиш учун ишлаб чиқилган. Бундай ҳолатнинг юзага келиши иқтисодий жиноятларнинг, бир томондан, жамиятнинг базис муносабатлари билан, иккинчи томондан, устқурма муносабатлари билан боғлиқлигидадир. Баъзи тадқиқотчилар иқтисодий жиноятларни бозор муносабатларининг миманент шарти ва эркин тadbиркорликнинг мавжудлиги уни таъминлаш учун жамият тулайдиган «мажбурий тулов мукофот»дир деб таъкидлайдилар. Бундай қарашлар муайян равишда мазкур жиноятларга қарши кураш олиб боришни мураккаблаштиради.

Бу уринда яна иқтисодий усиш цикллари ва иқтисодий жиноятчилик уртасидаги боғлиқлик мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Иқтисодий инқирозлар даврида, бир томондан, иқтисодий жиноятларнинг усиши (оғир иқтисодий шароитда ҳар қандай воситалар билан моддий ҳолатини яхшилашга уриниш билан боғлиқ), бошқа томондан, бу турдаги жиноятларга қарши курашнинг кучайганлигини кузатиш мумкин (бундай ҳолат иқтисодий жиноятларнинг узига хос хусусияти билан боғлиқ булиб, иқтисодга ёки унинг алоҳида тармоғига зарар етказадиган, энг муҳими, бу жиноятлар инқирозлар даврида, иқтисод заифлашганда намоён бўлади).

Иқтисодий жиноятларни таг-тути билан йўқ қилиш мумкин эмаслигини тушунган ғарб мутахассислари уларнинг масштабларини чеклаш зарурияти хусусида фикр билдирмоқдалар. Аммо бу масалани ечишда бир қатор илмий, амалий ва техник қийинчиликлар юзага келади.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашни мураккаблаштирадиган юқорида қайд этилган «иқтисодий жиноятлар» тушунчасининг ноаниқлиги, қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги, бу жиноятнинг аниқ, муайян жабрланувчиси йўқлиги ва бошқалар)

омиллардан ташқари, бундай жиноятларни аниқлаш ва очиш катта муаммо эканлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Купчилик иқтисодий жиноятлар ёпиқлигича қолиб кетади, улар хусусидаги ахборот эълон қилинмайди. Баъзи ҳолларда (масалан, маҳсулотларга нарх белгилашнинг мураккаб тизими ишга тушган ҳолларда) жабрланувчи жиноят объекти бўлганлигини тасаввур ҳам қилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари амалиётдаги гайриқонуний хатти-ҳаракатлар сабабини билолмай қоладилар, чунки жиноят содир этишда тадбиркорлар кундалик амалиётда қабул қилинган усуллардан фойдаланадилар. Купгина жиноятлар одатдаги операцияларга ўхшаш бўлади. Бундай ҳолат, албатта, жиноий ниятни исботлашни ва жиноий иш кузғатишни мураккаблаштиради. Купгина иқтисодий жиноятлар аксарият (масалан, солиқ тўлаш нормаларини бузувчи солиқ декларациясида даромаднинг бир қисмини кўрсатмайди) ҳаракатсизлик акти сифатида намоён бўлади.

Бир қатор мураккабликлар иқтисодий жиноятларни очиш жараёнида юзага келади. Кўп меҳнат талаб қиладиган иш ойлаб вақтни талаб этади, баъзида терговчилар ва экспертлар йиллар давомида бу жиноятларни очиш устида ишлайдилар, шу билан улар кўчада содир этиладиган жиноятлардан фарқ қиладди. АҚШда бундай жиноятларни очишнинг мураккаблиги бу иш билан шуғулланувчи органларнинг кўплиги, улар фаолиятининг мувофиқлаштирилмаганлигидадир. Бу органлар бир-бирларининг ишини қайтардилар. Масалан, Федерал савдо комиссиясининг ваколатидаги фирибгарлик иши почта бошқармасининг юрисдикциясига тўғри келиши мумкин, чунки баъзи ҳуқуқбузарликлар почта жўнатмаларидаги фирибгарликлар билан боғлиқ қонунларга тўғри келади. Шундай қилиб, тегишли даражадаги координация ишларининг мавжуд

эмаслиги оқибатида бир ишни бир-биридан холи икки ташкилот олиб бориши мумкин.

Америка Адвокатлар ассоциацияси қумитасининг маълумотларига кура, федерал органлар ҳуқуқ-бузарликни очишда танлаб ёндашадилар. Жиноий иш қўзғатиш ҳуқуқига эга булган идоралар купгина ҳолларда мутахассис-экспертларнинг етишмаслиги натижасида жиноий ишларни охирига етказишга қурби етмай, бошқа тергов органларига бериб юборади.

АҚШда иқтисодий жиноятлар учун жавобгарликка тортишнинг умуммиллий стратегияси ишлаб чиқилмаган. Бундай жиноятларни содир этгани учун таъқиб қилишга бир хил ёндошиш йўқлиги шунда куринадики, маъмурий органлар маҳкама томонидан белгиланган нормаларни бузганда, корпорацияларнинг катта миқдордаги фирибгарлик операцияларини амалга оширишгани аниқланса ҳам, уларга нисбатан бундай фаолиятни тўхтатиш ёки маъмурий огоҳлантириш тўғрисидаги буйруқларни чиқаришади. Натижада куплаб жиноятлар суд босқичига етиб бормайди.

Юқорида айтилган фикрларни инобатга олиб таъкидлаш мумкинки, иқтисодий жиноятларга қарши курашни шакллантиришда махсус ихтисослашган органни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, ГФР да бу борада муайян тажриба тулланган. 1968 йили бу мамлакатда иқтисодий жиноятларни ўрганиш буйича махсус комиссия тузилган. Бу орган томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга мувофиқ, иқтисодий жиноятларга қарши кураш буйича махсус прокурорнинг ҳудудий бюроси таъсис этилган. Рейн-Вестфал ерида эксперимент утказилган. Эксперимент муваффақиятли ўтгандан сунг мамлакатнинг барча ҳудудларида шундай бюрлар ташкил қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган.

Бундан ташқари, ГФР да иқтисодий жиноятларни куриб чиқадиган ихтисослашган судларнинг булиши ҳам



қонунларда кузда тутилган. Бир неча йиллар давомида Баден-Вюртемберг ери худудида иқтисодий назоратни амалга оширувчи махсус полиция хизмати фаолият курсатиб келмоқда. Унинг фаолият доирасига истеъмол товарларининг нархини, озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш тартибини ҳамда спиртли ичимликларни сотишни назорат қилиш киради. Ҳн йил давомида (1972–1982 йиларда) бу хизмат ходимларининг сони 264 дан 429 кишига қупайтирилди. Бу ернинг ҳар 22 минг аҳолисига битта шундай хизмат ходими туғри келади. 1982 йилнинг ўзида бу хизмат ходимлари 115 минг текширувни амалга оширдилар, 35 минг озиқ-овқат маҳсулотларидан намуна олиниб, экспертиза қилинди, прокуратура органларига турли иқтисодий ҳуқуқ-бузарлик ҳоллари буйича 1160 иш оширилди.

АҚШда «оқ ёқаликлар» жиноятларига қарши курашнинг ташаббускори округ атторнейларининг миллий ассоциацияси булиб, у ҳуқуқни қўллаш фаолиятига хайрихоҳ маъмурият ёрдамида ва Иқтисодий жиноятларга қарши кураш дастури марказининг иштирокида иқтисодий жиноятларга қарши кураш борасида процедура ва уларни очиш методлари буйича қўлланма ҳамда дастур ишлаб чиқди. Бу жиноятларни урганиш ва очишда асосий вазифа федерал органларга юклатилган. Сабаби, иқтисодий жиноятларга жавобгарлик купчилик ҳолларда федерал қонунлар томонидан тартибга солинади. АҚШнинг атторней бошқармаларининг кўпчилигида таркибига малакали мутахассислар киритилган иқтисодий жиноятлар буйича бўлимлар ташкил қилинган. Бу мамлакатда иқтисодий жиноятлар буйича жинойий ишни қўзғатиш ҳуқуқи Адлия вазирлигига юклатилганлигига қарамай, тергов ишларини бошқа органлар ҳам олиб бориши мумкин. Бу ишларда ФКБ (Федерал қидирув бюроси)нинг ҳам муҳим ўрин бор. Кейинги йилларда бу орган иқтисодий жиноятларга қарши курашни кучайтирди. ФКБ

бюджетининг тахминан 10 фоизи бу жиноятларга қарши курашга сарфланади. Бу ишда ФҚБ нинг 8500 ходими, шунингдек, 12,5 минг ФҚБ агенти бўлмаган шахслар иштирок этади. Бюро шундай жиноятларни очишда бухгалтерларни ва атторнейларни ҳам жалб қилади.

Почта жўнатмалари инспекцияси хизмати почтадаги фирибгарликларни очиш билан шуғулланади. Бу хизмат жинойт санкцияларни ҳам қўллаши мумкин. Жинойт қидирув ишлари, одатда, Адлия вазирлиги атторнейлари билан ҳамкорликда утказилади.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва фаровонлик вазирликлари қошида 1973 йили тергов ва хавфсизлик бўлими ташкил этилди. Бўлим қуйидаги йўналишлар бўйича қидирув ишларини олиб боради:

1) талабалар ссудасини кафолатловчи дастур қоидаларининг бузилиши бўйича Дастур кредит ташкилотларидан ўқиш учун туланидиган ссудани олиш имкониятига тааллуқлидир. Бу борадаги фирибгарликлар дастур доирасида студент бўлмаган шахслар томонидан ссудани расмийлаштириш ҳолларини ўз ичига олади;

2) медикаментларни тақдим этиш дастурининг бузилиши. Бўлим бу дастур билан боғлиқ фирибгарликларни очиш билан шуғулланади;

3) бепул медицина хизматини кўрсатиш дастуридаги қоидаларнинг бузилишлари билан боғлиқ ҳолатлар. Бу дастур кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ.

Солиқ ва туловлар хизмати солиқ тулашдан бўйин товлаш каби жинойтларни очиш билан ҳам шуғулланади. Солиқ хизматининг тергов бўлимида 2500 терговчи хизмат қилади.

Банк қонунчилиги бузилган ҳолатларда терговни Бож операциялари бўйича агентлик, Валюта назорати агентлиги; Банк депозитлари суғуртасининг федерал корпорацияси, Федерал резерв агентлиги олиб боради.

Бу агентликлар уз ваколатлари доирасида бож фаолиятини тафтиш қиладилар. Валюта масалалари буйича назорат бир йилда икки мартаба амалга оширилади. Банк ходими жиноят содир этса, агентлик уни уз функциясида четлаштириш ҳуқуқига эга.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашда алоҳида уринни компьютер жиноятларини аниқлаш ва очиш муаммоси эгаллайди. ЭҲМ ва терминаллар сонининг доимий ортиб бориши билан, мутахассисларнинг башоратига кўра, бу жиноятларнинг сони ва тури ҳам кўпайиб бормоқда.

Компьютер жиноятларининг очилиш даражаси ҳозирда жуда паст, кўп ҳолларда уларнинг очилишида тасодиф урин тутади. Амалга оширилаётган ҳимоя чоратадбирлари юқори самара бераётгани йўқ. Шунинг учун ҳам бу жиноятларни урганиш ва очиш масалаларига махсус адабиётларда кўп эътибор берилмоқда. Таъкидланадиги, компьютер жиноятларини очишнинг асосий шартларидан бири ҳисоблаш техникасини яхши узлаштириш, айниқса, уни амалда қўллашдир. Яна шу нарса алоҳида белгиландиги, бу жиноятларни очишга жабр кўрган корхонанинг юқори лавозимдаги мутахассисларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Фарб криминалистларининг фикрича, бу жиноятларни очишда, тўсатдан утказилган тергов ҳаракатлари, хусусан, гумондор шахсни ҳибсга олиш катта самара беради, чунки жиноятчи жиноят изини йўқотишга улгурмайди. Тергов олиб бораётган терговчи учун ахборот-ҳисоблаш марказини кўздан кечириш муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Ахборот ёзилган диск, дискетлардан зудлик билан нусха (уларни олиш технологик жараённинг узилиб қолишига, тергов учун бир қатор мураккаб ва, шу жумладан, моддий жиҳатдан муаммоларни юзага келтириши мумкин) кучириш, алфавит-чоп этувчи қўрилмадан оттиск (бу оттисклар

бўйича барча ахборотлар ёзилган қурилмаларни назорат қилиш мумкин) олишга алоҳида эътибор қилиш зарур.

Ахборот-ҳисоблаш марказларини кўздан кечиришда дастлабки ҳужжатларни рўйхатга олиш, қандай маълумотлар қайси ахборот ташувчи қурилмада сақланишини аниқлаш ута муҳимдир. Суроқ такти-қасини аниқлашда алоҳида эътибор терговчининг техник тайёргарлигига қаратилиши лозим. Шу муносабат билан ЭҲМ бўйича полиция инспектори лавозимини киритиш (Ғарб мамлакатларида бундай лавозимдаги мутахассислар тез-тез учраб туради) мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат, савдо, алоқа, транспорт ва умуман иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги байналмилаллашув жараёни иқтисодий жиноятларнинг миллий чегаралар доирасидан чиқиб кетганлигидан далолат бермоқда. Шу муносабат билан бу жиноятларга қарши курашишни халқаро миқёсда олиб бориш зарурияти туғилмоқда.

70-йилларнинг охиридан бошлаб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, эътиборга лойиқ натижалар қўлга киритилгани йўқ. Европа Кенгаши доирасида солиқ фирибгарчиликларига қарши кураш борасида ҳамкорлик бўйича халқаро даражада тавсиялар қабул қилинган ва ахборотларни айирбошлаш жараёнини таъминлаш борасида, иқтисодий жиноятни содир этганларни айирбошлаш бўйича протоколлар имзоланган. Бу муаммоларни ҳал қилишда муайян ишларни БМТ Қўмиталари амалга оширмоқдалар. Улар томонидан иқтисодий жиноятларга қарши курашни такомиллаштиришнинг тавсиялари ишлаб чиқилган.

## ХУЛОСА

Юқорида айтилганлардан қисқача хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу китоб доирасида амалиёт нуқтаи назаридаги хуфёна иқтисодиёт билан боғлиқ муаммоларнинг барчасини қамраб олиш мумкин эмас.

Аммо ушбу ишнинг мақсади: биринчидан, «хуфёна иқтисодиёт» тушунчасининг моҳиятини, унинг аломатларини очиш; иккинчидан, иқтисоддаги хуфёна жараёнларнинг мураккаблиги, кўп қирралилигини кўрсатиш ва уларнинг МДХ мамлакатларида, хусусан, Россия ва қисман Ўзбекистонда бозор муносабати билан юзага келишини, айниқса, ҳисоб-китоб муносабатларидаги ҳуқуқбузарликларда, солиқ соҳасидаги жинойтларда намоён бўлишини кўрсатиш; учинчидан, иқтисодий жинойтларни, шу жумладан, солиқ жинойтларининг моҳияти, қуринишлари ва ҳолатини хорижий мамлакатлар тажрибаси нуқтаи назаридан ёритиш эди.

Ҳозирда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида криминаллашувнинг ўсиши кузатилаётган бўлса ҳам, аммо молия ва, айниқса, солиқ тизими энг криминоген соҳалар бўлиб қолмоқда. Амалга оширилаётган чоратадбирларга қарамай, солиқ, айниқса, банк соҳасидаги аниқланган жинойтлар йилдан-йилга юқори суръатлар билан купайиб бормоқда. Бунинг сабабини қонунчиликда капиталларнинг ҳаракати устидан тегишли назоратнинг йўқлиги, жинойий даромадларни легаллаштиришга жинойий жавобгарлик тула белгиланмаганлигида деб топиш мумкин.

Иқтисодий муносабатлар криминаллашувининг муҳим сабабларидан бири сифатида иқтисодий соҳадаги деформациялар, номутаносибликларни янги, хусусий

мулкка асосланган бозор ҳужалиги тизимида шаклланиш механизмининг бузилишини айтиш мумкин.

Фактлар, ислохотларнинг асосий сектори ўзгарганлиги: ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисоди ғояси криминалланган бозорга, криминал иқтисодий муносабатлар томонига ўзгарганини куриш мумкин. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қатъий ҳаракатларига қарамасдан, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти жамиятдаги бу хавф билан етарли даражада кураша олмаётибди. МДХ ҳамда хорижий мамлакатлардаги иқтисодий ва, айниқса, солиққа оид жиноятлар ижтимоий бир тизим сифатида намоён бўлмоқда, тизимга қарши эса тизимли кураш олиб бориш орқалигина натижага эришиш мумкин. Шу муносабат билан иқтисодий жиноятчиликка ва унинг моддий асоси бўлган мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи хуфёна иқтисодга қарши курашиш дастурини амалга ошириш функцияси илгари сурилади.

Иқтисодиётда, криминал тузилмаларнинг таъсири остида шундай сифат ўзгаришлари юз бермоқдаки, улар иқтисод тузилишининг трансформацияланишидан далолат бермоқда. Шунинг учун ҳам давлат органлари иқтисодий жиноятларга ва улар билан чамбарчас боғланган солиқ жиноятларига қарши астойдил кураш олиб боришлари ҳамда уларнинг бу фаолиятдан ислохотларнинг тақдири ҳал бўлишини билишлари лозим.

10200V 2.11

М У Н Д А Р И Ж А

Суз боши.....	3
Бозор иқтисодиётининг асосий элементлари ва принциплари .....	10
«Хуфёна иқтисодиёт» тушунчаси, унинг белгилари ва қурилишлари .....	25
Хуфёна иқтисодиёт: қўшимча иш жойидан жаҳон ҳамжамиятига таҳдид.....	46
Хуфёна иқтисодий жараёнлар ва уларнинг солиқ органлари томонидан баҳоланиши.....	53
Бозор иқтисодиётида хуфёна тадбиркорлик.....	66
«Иқтисодий фаолиятдаги ҳуқуқбузарлик» тушунчаси, сабаблари.....	85
Ҳисоб-китоб муносабатларидаги ҳуқуқбузарликлар - хуфёна иқтисодиётнинг янги йўналиши.....	103
Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг иқтисодий-ҳуқуқий мазмуни .....	120
«Иқтисодий жиноятлар» тушунчаси ва унинг қурилишлари (хорижий мамлакатлар тажрибаси) .....	139
Хорижий мамлакатларда иқтисодий жиноятчиликнинг ҳолати.....	152
Хорижий мамлакатларда иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш муаммолари .....	161
Хулоса.....	173



ОРТИҚОВ Абдугаффор Абдурахмонович,  
*иқтисод фанлари номзоди, доцент*

ИСАХОДЖАЕВ Абдусалом Тешабоевич.  
*иқтисод фанлари номзоди*

ШЕСТАКОВ Анатолий Васильевич,  
*иқтисод фанлари доктори, профессор*

*Таймо, секрет*

## ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ

Ўқув қўлланмаси

Муҳаррир Т. Ж. Курбонов  
Техник муҳаррир М. М. Сафаров

---

Босишга рухсат этилди 25.12.2002 й. Ҳажми 8,5 нашриёт  
ҳисоб габоғи. Бичими 84 × 108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Адади 5000 нусха.  
Буюртма № 2512. Келишилган нарҳда.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
700197, Тошкент ш., Интизор куч., 68